Унитар (ягона) давлат — бу маъмурий—ҳуқуқий бирликлар (тузилмалар) ўз давлатига рки мухториятига эга бўлмайдигон . давлат тузилишндир. Мамлакатда ягона конституция, ҳамма учун умумий бўлган ҳуқуқ тизими ва ягона ҳокимият органлари, давлат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни марказлаштирилган бошқариш амал қилади.

Унитар давлатнинг бюджет гизми икки бўғиндан — давлат бюджеге ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими 2 даражада иборат бўлиб:

— Республика бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар;
Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар.

Ўзбекистон республикаси бюджет тизими

Ўзбекистон Республикасининг консолидацияланган давлат бюджети
Республика бюджети

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар

Вилоятлар бюджети

Тошкент шаҳар бюджети

Шаҳар ва туманлар бюджетлари

Федератив мамлакатлар бюджет тизими асосан 3 таркибдаги
бюджетларни ўзларида мувофиқлаштирилади:

1. Федерал бюджетлар.

3. Муниципал бюджетлар (маҳаллий бюджетлар).

Россия Федерациясининг бюджет тизими

Россия Федерациясининг

Федерал бюджети

Федерал бюджетдан ташқари фондлар

Россия

Федерацияси

субъектларининг

бюджети

Худудий бюджетлар

Худудий бюджетдан ташқари фондлар

Муниципал

бюджетлар (маҳаллий

бюджетлар)

Туманлар бюджети

Шаҳарлар бюджети

Масалан, Россия федерацияси бтоджет тизимии кўрсатадиган бўлсак унинг таркиби қуйидаги бюджетларни ўз ичига олади:

Бюджет тизимининг юқоридаги тузилишга қараб даромад ваколатлари ва ҳаражатлар мажбуриятлари ҳам тақсимланади.

Конфедератив давлатлар — бу сиёсий ва ҳарбий мақсадлар учун мустақил давлатларнинг доимий иттифоқидир. Вундай давлатларнинг бюджет даромадлари конфедерация тарқмбша қируичи мамлакатларнинг бадал тўловларм ҳисобига шакллантирилади. Конфедерация таркибидаги давлатларниш ўзларининг миДлий бюджетлар ва с.олиқ тизимлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси бюджетчў гизими чузилишинш-н асосий тамойиллари:

— бюджет таснифи тизими, ҳисоб — оюджет хужл<атлари ва бюджет жараени тузилшлипишў ягоналиги;

— бюджет тузилишининг Ўзбекигтон Республикаг.и маъмурий — ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

— турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро бокмиумпи;

— давлат бюджетининг баланслилиги;

— давлат даромадларининг манбалар бўйича па ҳаражатларини йўналишлори (моддалари) бўйича режалаштириш;

— давлат бюджети ҳаражатлариии бюджетдаи ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;

— барча даражадаги бюджетларнииг мустақиллиги. Барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритмш Ўзбекистон Республикасиинг миллий валютаси — сўмда амалгп оширилади.

Бюджет тизимиға раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги олиб боради. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини "Молия вазирлиги бошқаради. Молия вазирлиги ягона бюджет сиёсатини таъминлайди, давлат бюджети маблаъларини давлат бюджетига мувофиқ режалаштиришни ва молия муассасаларига услубий раҳбарликни олиб боради.

Бюджет тизимини бошқаришни Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тузилишининг асосий тамойилларига мувофиқ молия органлари ва банк муассасалари амалга оширадилар.

Барча даражадаги бюджетлар ягона бюджет таснифи — даромадлар ва харажатларни тасниф объектларига гуруҳловчи ҳос рақам (кодлар) бериш билан гуруҳлаш кўрсаткичлари доирасида шакллантирилади ва ижро этилади.

1999 йилга қадар асосан собиқ Иттифокда қўлланилган таснифдан фойдаланилди. Бюджет қисмлар, бўлимлар ва моддаларга бўлиниб, умумлашган функционал ва иқтисодий тасниф белгиларига эга эди. Бу таснифнинг батафсил баёни халқаро стандартларга мувофиқ ҳисоботлар тақдим этиш ёки лмиллий ҳисоб варақалар тизимига мос келиши жиҳатдан талабга жавоб бермас эди. Янги таснифни амалга киритиш билан бу каммчиликка барҳам берилди ва янги тасниф 2000 йил бюджетга нисбатан қўлланилди. Натижада янги тасниф таҳлил имкониятларини кенгайтирди ва бюджет маблағларини 4 асосий тоифага бўлиб, улардан фойдаланишда зарурий мосланувчанликни таъминлади. Булар иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, капитал қўйилмалар ва бошқалар.

Бюджет таснифи — Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдир.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тўзиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у ҳисобланади деб таъкидлайдилар.

Умуман корхоналарда мавжуд бюджет маълумотларини халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан киёсланишини таъминлайди. Бюджет таснифи:

- давлат бюджети даромадлари таснифини;
- давлат бюджети харажатларининг вазифаси жиҳатидан (функционал), ташкилий ва иқтисодий таснифини;
- давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат.

Давлат бюджети харажатларининг вазифаси жиҳатидан таснифи харажатларни давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти кўрганлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи харажатларни хўжалик юритувчи субъектлар турлари ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишни акс эттирувчи тадбирлар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи харажатларни тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат.

Бюджет таснифи қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланди.

Бюджетни режалаштириш — давлатнинг молия сиёсати талабларига мувофиқлаштирадиган молиявий режалаштиришни

муҳим таркибий қисмини ташкил қилади.

Бундай режалаштиришнинг иқтисодий вазифаси турли даражадаги бюджетлар ва нобюджет жамғармаларини тузиш ва ижроси жарарнида мамлакатни ижтимоий — иқтисодий ривожлантиришнинг умуммиллий дастурлари асосида ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад қийматини молиявий тизим бўғинлари ўртасида марказлаштирилган режалаштиришдан иборатдир. Бюджетни режалаштириш давомида молия мамлакатни ривожлантириш давлат дасгурларининг асосий иқтисодий ва сифат кўрсаткичларига ҳамда табиий, моддий, меҳнат, молия маблағларидан самарали фойдаланиш захираларини топишга фаол таъсир кўрсатади.

Таянч иборалар:

Молия, молиянинг функциялари, назорат функцияси, тақсимилаш функцияси, молия муносабатлари. молия механизми давлат молияси, бюджет, бюджетнинг даромадлари, бюджетнинг харажатлари, бюджет тузилиши, бюджетлараро муносабатлар.

Назорат саволлари:

Молия нима?

2. Молиянинг функциялари.
3. Режалаштириш функцияси нима?
4. Ташкиллаштириш функцияси нима?
5. Рағбатлантириш функцияси нима?
6. Назорат функцияси нима?
7. Давлатнинг молиявий сирсати нима?
8. Давлат қарзи ва уни бошқариш
9. Бюджет тизими нима?
10. Бюджетлараро муносабатлар қандай ташкил этилади?

Бюджет— мураккаб иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки унинг моддий асосини кешайтирилган ижтимоий тақдир ишлаб чиқариш жараёни ташкил қилади.

Бюджет муносабатлари давлат билан кўжалик субъектлари ҳамда аҳоли ўртасидаги қиймат тақсимланиш жараёнида пайдо бўлувчи молиявий муносабатлардир. Бундай молиявий муносабатларнинг ўзига ҳос хусусият шундан иборатки, биричидан, юқорида қўйилган иқтисодий ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичида вужудга келади, иккинчидан, марказлаштирилган молиявий маблағларни шакллантириш ва ундан давлат манфаатлари юзасида фойдаланишга йўналтирилади. Давлат манфаатлари эга— бу ижтимоий манфаатлар ҳисобланади. Зеро, таникли иқтисодчи Ж.М.Кейнс таъкидлаганидек, "Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий манфаатлар фақатгина давлатлардасина ўз ифодасини топади". Бюджет давлатнинг асосий марказлаштирилган молиявий маблағлар фонди сифатида ўзига ҳос ижтимоий аҳамият касб этади.

Бюджет муносабатлари объектив ҳарактер касб этади. Чунки бюджет давлат ва унга тегишли функцияларни амалга ошириш учун зарурий моддий— молиявий база шакллантирилиши учун объектив зарурдир. Шу билан биргаликда бюджет муносабатлари базис элементи ҳисобланади. Тақдир ишлаб чиқариш жараёнида бюджет муносабагга)п уларга мувофиқ келувчи моддий шакли олади.

Бюджет муносабатлари — жамият иқтисодий ўғизимининг элементидир. Иқтисодий категория сифатида бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибиги қисми ҳисобланади. Бюджетнинг молияга ҳос сифат белгилари биринчидан, ижтимоий маҳсулот қийматининг тақсимланиш жараёнида аниқроғи қайта тақсимланиши жараёнида вужудга келиб, пул муносабатларининг ўзига ҳос шакли ҳисобланади. Иккинчидан, бюджет марказлаштирилган молиявий маблағларни шакллантириш, тақсимлаш ва ундан

фойдаланишга йуналтирилган фонд ҳисобланади..

Бизнинг фикримизча, биринчидан, бюджет муносабатларининг ўзига ҳос хусусиятларидан бири сифатида давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли ўртасидаги императив характерга эга бўлган пул муносабатлари ҳисобланишидир. Иккинчидан, бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида марказлаштирилган пул фондларини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини ўзида акс эттиради. Хўжалик механизмининг таркибий элементи ҳисобланган бюджет механизмидаги юқорида таъкидланган 2 хусусиятли сифат белгилари бюджетнинг В. Родионова таъкидлаган бюджетнинг молиядан 4 асосий фаркли жиҳатларига эга бўлиш имкониятларини шакллантиради.

Проф. В. Романовский: бюджет— молия тизимининг марказий бўғини ҳисобланади. Шунинг учун у молиянинг ўзига ҳос сифат белгиларини ўзида акс эттиради— деб таъкидлайди. Шунингдек, муаллиф "Молия" ва "Бюджет" категорияларига қўйидагича таъриф беради "Молия — марказлаштирилган давлат пул фондларини шакллантириш ва фойдаланиш жараёнларидаги императив пул муносабатлари тизимидир; Бюджет— бюджет фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ императив пул муносабатлари тизимидир":>\

Шунингдек, муаллифнинг фикрига кўра бюджетнинг молиядан ўзига ҳос хусусияти, бюджет — жамият эҳтиёжларини кенг доирада молиялаштириш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул фондидир— деб таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай молиявий муносабатлар ҳам императив ҳамаерга этс бўлаиермайди. Масалан, хўжалик субъектлари такрор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қийматни тақсимданиш жараёнидаги бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар воситасидаги ажратмплари императив ҳарак-

гердаги молиявий муносабатлар ҳисобланади. Хўжалик фаолиятининг соф молиявий натижаси ҳисобланувчи соф фойда ҳисобига шакллантириладиган марказлаштирилмаган пул (фондлари императив характерга эга бўлмайди).

Ўзбекистон республикаси бюджет гизими тўқригидаги қонунда бюджетга қўйидагича таъриф берилган "Давлат бюджети — давлат пул маблақларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблақларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва уларда тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблақлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади".

Бюджет асосий молиявий режа сифатида қўйидаги белгилар билан тавсифланади:

— бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтигодий ва ижтимоий тараққиқ¹нинг барча соҳалари ва йўналишларини гўла қамраб олади;

— бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

Асосий молиявий режа сифатида шуни таъкидлаш жоизки, унда молиявий режалаштиришга тегишли бўлган: тушумларнинг аниқ манбалари бўйича пул даромадлари (бюджет фондини шакллантириш); аниқ йўналишлар ва тадбирлар бўйича ҳудудий бюджетлар пул ҳаражатлари (бюджет фондидан фойдаланиш) каби аломатлари ўз аксини топади.

Бозор муносабатлари шароитларида миллий даромадни тақсимланиши пул даромадлари ва жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш воситасида амалга оширилади. Бундай даромадларга аввало давлат даромади/ушри, қорхона ва ташкилотлар даромадлари, турли тижорат тузилмалари, молиявий институтлар ҳамда аҳоли даромадлари қиради.

Миллий даромадни негзиларли қисми давлат, хусусий ва тижорат хусусий ва тижорат корхоналари даромадларини солиққа тортиш воситасида бюджет фондига тўғридан — тўғри тақсимлаш йўли билан келиб туидади. Аҳолини соф даромадларининг бир қисми бюджетга қайта тақсимлаш тартибида келиб тушади.

Давлат бюджети орқали миллий даромаднинг бир қисмини тақсимланиши жамият ижтимоий ҳаётининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари тармоқлари ўртасида маблағларни тақсимлаш йўли билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа ялпи эҳтиёжларини кондиритиш учун марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш зарурати билан боғлиқдир.

Бюджетнинг моҳиятига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади.

Бюджетга-ҳаъсир кўрсатувчи объектив омилларга жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва жамиятнинг ривожланиш даражаси, миллий даромаднинг қай даражада тақсимланиши каби омиллар киради.

Субъектив омилларга эса давлатнинг шакли (республика, монархия...), ўтказилаётган ислохотлар ва сиёсат йўналишлари киради.

3.5. Бюджет тузилиши мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизимини, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, бюджет тизимига кирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тўзилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб — қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради.

Бюджет тузилишининг таркибий қисми бюджет тизими ҳисобланади. Бюджет тузилишининг асосини мамлакатнинг давлат тузилиш шакли, амалдаги асосий қонуний акт, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараенлари ҳисобланади.

Мамлакатнинг маъмурий тузилиши ҳам бюджет тизимининг

асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида" қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар йили қабул қилинадиган "Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий бюджет вақолатларига мувофиқ марказий ва маҳаллий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида" ги қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

Бюджет турли даражадаги бюджетлар ва бюджет мабламарини олувчилар йиғиндисини, бюджетларни тпшkil этиш на шузиш тамойилларини, бюджет жараёнида улар ўртисида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ифода этади."

Шак шубҳасизки, бюджет ҳокимияти турли бўғинлари даражагидаги давлат вазифаларини амалга ошириш учун улариинг ихтиоридаги марказлаштирилган молиявий маблағлар фонди ҳисобланар экан, мамлакатнинг бюджет қурилиши ҳам да платн ин г миллий— давлаг ва маъмурий— ҳудудий бўлишиша боғлиқдир. Ўзининг ҳозирги шаклида Ўзбекистон Республикаси бюджет қурилиши тизими ватаиимизнинг асрлар оша тарнхан шакллаиғап миллий анаъналарига асосланган ҳолда тўзилгаидир. Аммо, бюджет қурилиши давлат томонидан фойдаланиладиган бошқариш усуллари, мамлакатларнинг сиёсий тузилиши ва иқтисодий муносабатларга ҳам бевосита боғлиқдир.

Рос публикамизда давлат бюджети қурилиши бошқарншнинг маъмурий ва бозор механизмларини қўшилган ҳолатида амал қилмоқда. Албатта, мустақил республикамизда амалга оширилаётган туб ислохотлар шароитида бошқаришнинг бозор усуллариға мос келувчи бюджет қурилишини тез ва мукамал шакллантириш қийин кечиши

табiiйдир. Шунинг учун бюджет тизимидаги ислохотлар ҳам босқичма — босқич иқтисодий ислохотларнинг боил концепциясига мувофик равишда амалга оширилмоқда.

Кюджет қурилиши тушунчаси ҳозирги вақтгача пқтигодчиларимиз томонидан назарий жиҳатидан кенг тадқиқ қилилмағандир. Масалан, аксарият адабиётларда бюджет қурилиши бюджет тизимига қўшиб юборилади ёки муаллифлар бюджет қурилишининг таърифини аниқ бермайдилар. Ҳатто, 2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонунида ҳам бюджети қурилишига тулик аниқлик киритилмаган.

Бюджет қурилиши эса бюджет тизимини ташкил қилиш ва унинг тузилиш принципларини ўзида акс эттириб, турли даражадаги ҳокимият органларининг бюджет ҳуқуқлари ва ваколатлари, даромад ва харажатларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш принципларини аниқланишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бюджет қурилиши 3 асосий элементни ўз ичига олади:

1. Мамлакатнинг бюджет тизими.
2. Турли даражадаги ҳокимият органларининг бюджет ҳуқуқлари.
3. Бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромад ва харажатларни тақсимланиш принципларидир.

Бюджет қурилишининг мазкур усулда ёритилиши бюджет қурилиш молиявий категориясининг замонавий мазмунини тўлақонли равишда ўзида акс эттиради.

Маълумки, мамлакатнинг бюджет тизими, турли даражадаги ҳокимият органларининг бюджет ҳуқуқлари элементларида гап бюджет тизимининг принциплари ҳақида кетади. Амалдаги иқтисодий муносабатлар тизими, барча даражадаги бюджетлар марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг аниқ вазифаларини молиялаштириш учун уларнинг ихтиёрида шакллантирилади ва Ўзбекистон республикаси

конунчилиги бўйича ягона конституция ва бошқа ҳуқуқий меёрлар асосида тартибга солинишини ҳисобга олиб қўйидагича таъриф берилади: Бюджет тизими — иқтисодий муносабатлар ва Ўзбекистон республикаси давлат қурилишига асосланган, ҳуқуқ меёрлари билан тартибга солинадиган, ҳокимият органларини аниқ функциялариини бажаришга йуналтирилган барча даражадаги бюджетларнинг мажмуасидир. Бюджетнинг қурилишини давлатларнинг сиёсий ҳокимият тузилмасига боғлиқ ҳолда 3 ососий гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Унитар мамлакатлар.
2. Федератив мамлакатлар.
3. Конфедератив мамлакатлар.

Унитар (ягона) давлат — бу маъмурий—ҳуқуқий бирликлар (тузилмалар) ўз давлатига рки мухториятига эга бўлмайдигон . давлат тузилишндир. Мамлакатда ягона конституция, ҳамма учун умумий бўлган ҳуқуқ тизими ва ягона ҳокимият органлари, давлат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни мярказлаштирилган бошқариш амал қилади.

Унитар давлатнинг бюджет гизмми икки бўғиндан — давлат бюджеге ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими 2 даражпдам иборат бўлиб:

— Республика бюджет ва бюджетдон ташқари фондлар;

Коракалгюгистон Республикаси ва маҳоллий бюджетлар.

Ўзбекистон республикаси бюджет тизими

Ўзбекистон Республикасиниш коксолидоллашган давлат бюджети
Республика бюджети

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар

Қорақалпоғистон Республикаси на маҳаллий бюджетлар

Вилоятлар бюджети

Тошкент шаҳар бюджети

Шаҳар ва туманлар бюджетлари

Федератив мамлакатлар бюджет тизими асосан 3 таркибдаги бюджетларни ўзларида мувофиқлаштирадилар:

1. Федерал бюджетлар.

3. Муниципал бюджетлар (маҳаллий бюджетлар).

Россия Федерациясининг бюджет тизми

Россия Федерациясининг

Федерал бюджети

Федерал бюджетдан ташқари фондлар

Россия

Федерацияси

субъектларининг

бюджети

Худудий бюджетлар

Худудий бюджетдан ташқари фондлар

Муниципал

бюджетлар (маҳаллий

бюджетлар)

Туманлар бюджети

Шаҳарлар бюджети

Масалан, Россия федерацияси бюджет тизимини кўрсатадиган бўлсак унинг таркиби қуйидаги бюджетларни ўз ичига олади:

Бюджет тизимининг юқоридаги тузилишга қараб даромад ваколатлари ва харажатлар мажбуриятлари ҳам тақсимланади.

Конфедератив давлатлар — бу сиёсий ва ҳарбий мақсадлар учун мустақил давлатларнинг доимий иттифоқидир. Вундай давлатларнинг

бюджет даромадлари конфедерация таркмибша кируиши мамлакатларнинг бадал тўловларим ҳисобига шакллантирилади. Конфедерация таркибидаги давлатларнинг ўзларининг миллий бюджетлар ва солиқ тизимлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси бюджетчилик тизими тузилишининг асосий тамойиллари:

— бюджет таснифи тизими, ҳисоб — бюджет хужжатлари ва бюджет жарағи тузиллишини ўрганилиши;

— бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий — ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

— турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

— давлат бюджетининг баланслилиги;

— давлат даромадларининг манбалар бўйича па харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириши;

— давлат бюджети харажатларининг бюджетдан ажратилган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаши;

— барча даражадаги бюджетларнинг муваққиллиги. Барча даражадаги бюджетларни шакллантириши, қўриб чиқиши, қабул қилиши ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиши Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўмда амалга оширилади.

Бюджет тизимида раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги олиб боради. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини "Молия вазирлиги бошқаради. Молия вазирлиги ягона бюджет сиёсатини таъминлайди, давлат бюджети маблағларини давлат бюджетига мувофиқ режалаштиришни ва молия муассасаларига услубий раҳбарликни олиб боради.

Бюджет тизимини бошқаришни Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тузилишининг асосий тамойилларига мувофиқ молия органлари

ва банк муассасалари амалга оширадilar.

Барча даражадаги бюджетлар ягона бюджет таснифи — даромадлар ва харажатларни тасниф объектларига гуруҳловчи хос рақам (кодлар) бериш билан гуруҳлаш кўрсаткичлари доирасида шакллантирилади ва ижро этилади.

1999 йилга қадар асосан собиқ Иттифокда қўлланилган таснифдан фойдаланилди. Бюджет қисмлар, бўлимлар ва моддаларга бўлиниб, умумлашган функционал ва иқтисодий тасниф белгиларига эга эди. Бу таснифнинг батафсил баёни халқаро стандартларга мувофиқ ҳисоботлар тақдим этиш ёки лмиллий ҳисоб варақалар тизимига мос келиши жиҳатдан талабга жавоб бермас эди. Янги таснифни амалга киритиш билан бу каммчиликка барҳам берилди ва янги тасниф 2000 йил бюджетга нисбатан қўлланилди. Натижада янги тасниф таҳлил имкониятларини кенгайтирди ва бюджет маблағларини 4 асосий тоифага бўлиб, улардан фойдаланишда зарурий мосланувчанликни таъминлади. Булар иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, капитал қўйилмалар ва бошқалар.

Бюджет таснифи — Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдир.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тўзиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у ҳисобланади деб таъкидлайдилар. Умуман корхоналарда мавжуд бюджет маълумотларини халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан киёсланишини таъминлайди. Бюджет таснифи:

- давлат бюджети даромадлари таснифини;
- давлат бюджети харажатларининг вазифаси жиҳатидан (функционал), ташкилий ва иқтисодий таснифини;
- давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат.

Давлат бюджети харажатларининг вазифаси жиҳатидан таснифи харажатларни давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти кўрганлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи харажатларни хўжалик юритувчи субъектлар турлари ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишни акс эттирувчи тадбирлар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи харажатларни тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат.

Бюджет таснифи қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланди.

Бюджетни режалаштириш — давлатнинг молия сиёсати талабларига мувофиқлаштирадиган молиявий режалаштиришни ижро муҳим таркибий қисмини ташкил қилади.

Бундай режалаштиришнинг иқтисодий вазифаси турли даражадаги бюджетлар ва нобюджет жамғармаларини тузиш ва ижроси жарарнида мамлакатни ижтимоий — иқтисодий ривожлантиришнинг умуммиллий дастурлари асосида ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад қийматини молиявий тизим бўғинлари ўртасида марказлаштирилган режалаштиришдан иборатдир. Бюджетни режалаштириш давомида молия мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларининг асосий

иқтисодий ва сифат кўрсаткичларига ҳамда табиий, моддий, меҳнат, молия маблағларидан самарали фойдаланиш захираларини топишга фаол таъсир кўрсатади.

Таянч иборалар:

Молия, молиянинг функциялари, назорат функцияси, тақсимилаш функцияси, молия муносабатлари. молия механизми дақлағ молияси, бюджет, бюджетнинг даромадлари, бюджетнинг харажатлари, бюджет тузилиши, бюджетлараро муносабатлар.

Назорат саволлари:

Молия нима?

2. Молиянинг функциялари.
3. Режалаштириш функцияси нима?
4. Ташкиллаштириш функцияси нима?
5. Рағбатлаштириш функцияси нима?
6. Назорат функцияси нима?
7. Давлатнинг молиявий сирсэти нима?
8. Давлат қарзи ва уни бошқариш
9. Гюджет тизими нима?
10. Бюджетлараро муносабатлар қандай ташкил этилади?

2-БОБ. МОЛИЯЛАШТИРИШ, ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

2.1. Кредитларни бошқарувчилар ва давлат бюджетидан харажатларни молиялаштириш

Ўзининг ихтиёрига мақсадли тайинланиши бўйича сарфлаш учун бюджетдан маблағ олган ташкилотларнинг раҳбарлари кредитларни

бошқарувчилар деб ҳисобланади. *Кредитларни бошқарувчилар* уларга берилган ҳуқуқдар, масъулиятлар ва мажбуриятларнинг ҳажмига қараб, Республика бюджети бўйича уч (бош, иккинчи, учинчи) даражага, маҳаллий бюджетлар (Қорақалпоғистон республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари) бўйича эса икки (бош, учинчи) даражага бўлинади.

Республика бюджети, шуингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджети бўйича вазирлар ва бошқа марказий муассасаларнинг раҳбарлари кредитларни бшд бошқарувчилар, деб ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар бўйича ҳокимиятларнинг бўлимлари раҳбарлари кредитларни бош бошқарувчилар деб ҳисобланади.

Ўз тасарруфида муассасалар ва ташкилотлар бўлган муассасалар ва ташкилотлар(бош муассасалар, бошқармалар, вазирликлар, идоралар ва бошқалар)нинг раҳбарлари кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчилари жумласига киради. Улар кредитларни бош бошқарувчиларга тўғридан-тўғри бўйсундилар.

Кредитларни бош ёки иккинчи даражадаги бошқарувчиларга бўйсунувчи ташкилотларнинг раҳбарлари кредитларни учинчи даражадаги бошқарувчилар, деб ҳисобланади. Уларга бюджет маблағларидан мустақил равишда фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Маҳаллий бюджет бўйича кредитларни бошқарувчиларнинг икки даражага бўлиниши маҳаллий органларнинг икки бўғинга бўлинганлиги сабаблвдир.

Давлат бюджетидан молиялаштириш харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари бўйича амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга бериладиган нафақалар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар), бу гуруҳдаги харажатлар жумласига харажатлар иқтисодий таснифининг қуйидаги харажатлар туркумлари киради:

- 1) 01-1-00-Иш ҳақи;
- 2) 03-4-10- Стипендиялар;
- 3) 03-4-20- Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ишлайдиган оналарга тўланадиган ҳар ойлик нафақа;
- 4) 03-4-25- Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ишламайдиган оналарга тўланадиган ҳар ойлик нафақа;
- 5) 03-4-30-16 ёшгача болалари бўлган, кам таъминланган оилаларга нафақалар;
- 6) 03-4-40- Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

II. Иш ҳақига ҳисобланишлар, бу гуруҳга харажатлар иқтисодий таснифининг 01-1-00- Иш берувчиларнинг ажратмалари, харажатлар туркумлари киради.

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестициялар дастурида кўзда тутилган адрес рўйхатларига мувофиқ), бу гуруҳга харажатлар иқтисодий таснифининг қуйидаги харажат туркумлари киради:

1) 04-2-00- Ишлаб чиқариш соҳасида қурилиш, реконструкция қилиш ва шу мақсадда капитал активлар сотиб олиш харажатлари;

2) 04-3-00- Ноишлаб чиқариш соҳасида қурилиш, реконструкция қилиш ва шу мақсадда капитал активлар сотиб олиш харажатлари.

IV. Бошқа харажатлар, бу гуруҳга харажатлар иқтисодий таснифининг қуйидаги харажатлар туркумлари киради:

1) 01-3-00- Хизмат сафарлари харажатлари;

2) 01-4-00-Коммунал хизматлари харажатлари;

3) 01-5-00- Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари;

4) 01-6-00-Жорий таъмирлаш харажатлари;

5) 01-7-00- Саклаш, ижара, фойдаланиш ва бошқа хизматларни тўлаш харажатлари;

6) 01-8-00-Жорий мақсадлар учун техника, ускуналар, жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари;

7) 01-9-00-Бошқа жорий харажатлар;

8) 03-1-00-Нотижорат ташкилотларига жорий трансфертлар;

9) 03-3-00-Субсидия ва бошқа жорий трансфертлар;

10) 03-4-45-Коммунал хизматлар бўйича имтиёзли тўловлар;

11) 03-4-90-Уй хўжаликларига бошқа трансфертлар;

12) 03-5-00-Чет элларга жорий трансфертлар;

13) 04-1-00-Асосий капитал активлар сотиб олиш;

14) 04-4-00-Ишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш харажатлари;

15) 04-5-00-Ноишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш харажатлари;

16) 06-0-00-Капитал лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган ер ва номатериал активлар сотиб олиш харажатлари;

17) 07-1-00-Давлат бошқаруви бошқа даражаларига капитал трансфертлар;

18) 07-2-00- Мамлакат ичидаги бошқа капитал трансфертлар;

19) 07-3-00-Чет элларга трансфертлар;

20) 08-1-00- Ички кредитлар (ссудалар);

21) 08-2-00- Мамлакат ичидаги капиталда иштирок этиш;

22) 08-3-00-Ташқи кредитлар ва хорижий капиталда иштирок этиш;

23) 09-1-00- Ички асосий қарзни тўлаш;

24) 09-2-00- Ташқи асосий қарзни тўлаш;

25) 10-0-00- Субвенция, ссуда ва бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар.

Молиялаштириш, жорий йилга тасдиқланган бюджет кўрсаткичларига ва бюджет ижроси жараёнида рўйхатга ва харажатлар сметасига киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг йиллик рўйхати чораклар бўйича тақсимланишига биноан амалга оширилади. Республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларнинг I ва II гуруҳдари бўйича молиялаштириш ҳар ойда сметалар ва бюджет харажатларининг

рўйхати асосида, уларга киритилган ўзгартиришлар, ҳамда ўтган ҳисобот даврида белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларни молиялаштириш ҳар ойда бюджетга маблағларнинг келиб тушишига қараб амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларини республика бюджетидан молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги харажатлар жадвали (унда бюджет таснифининг иараграфлари ва харажатларнинг гуруҳдари кўрсатилиб) ва маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқларида харажатларнинг ҳар бир гуруҳи (I гуруҳ харажатларидан ташқари, чунки иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар ўз вақтида тўланишининг назоратини таъминлаш учун улар харажатларнинг турлари бўйича молиялаштирилади) бўйича бир сатр билан расмийлаштирилади. Маҳаллий бюджетлардан бюджет ташкилотларини молиялаштириш тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги фармойиш (унда бюджет таснифининг параграфлари ва харажатларнинг гуруҳлари кўрсатилиб) ва маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқларида харажатларнинг ҳар бир гуруҳи (I гуруҳ харажатларидан ташқари) бўйича бир сатр билан расмийлаштирилади.

Молиялаштириш ҳар бир параграф бўйича тўлоқда амалга оширилади. Ажратилган маблағларни бюджет ташкилотлари қайси харажатлар учун олган бўлса, қатъий равишда худди шу параграфлар бўйича ишлатади. Бюджет ташкилотларига харажатлар гуруҳдари бўйича тасдиқланган лимитларни мустақил ўзгартириш ман этилади. Харажатлар Ҳажмини гуруҳдари ва параграфлари бўйича ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ваколатида туради.

Ажратилган маблағларни тегишли параграфлар ва гуруҳлар бўйича тайинланишига қараб фойдаланиш учун жавобгарлик бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юклатилган.

Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш амалга оширилганда, янги йилдаги режалаштирилган бюджет маблағлари Дебиторлик қарзларининг суммасини кредиторлик қарзлари суммасидан ортиқча қисмига ва бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобидан ташкил бўлган кейинги йилнинг биринчи январига бюджет ташкилотларининг меъёрдан ортиқча моддий захираларининг қолдиғи суммасига камайтирилади.

2.2. Республика бюджетидан турувчи ташкилотларда молиялаштириш ҳисоби

Бюджет ташкилотлари бевосита республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилади. Бюджетдан молиялаштириш тасдиқланган сметаларга мувофиқ харажат қилиш учун ташкилотларга давлат маблағини берилишини аниқлатади.

Бюджетдан хўжалик юритувчи субъектларга ва бюджет ташкилотларига фақат бюджет бўйича тасдиқланган суммалар

доирасидагина маблағ берилади. *Алоҳида тадбирларга бюджет бўйича тасдиқланган харажатлар суммалари бюджет кредитлари ёки ажратма (маблағ)лари деб аталади.*

Ташкилотларни бюджетдан молиялаштириш банк муассасалари орқали амалга оширилади. Бюджетдан молиялаштириш деганда кредитларни бошқарувчиларга бюджет бўйича тасдиқланган харажатларга бюджетдан маблағ берилиши тушунилади.

Республика бюджетидан молиялаштириш бюджетдан маблағ олишга чиқим жадвалларини ёзиш орқали кредит очиш йўли билан амалга оширилади.

Кредит очиш - бу банк муассасаларига республика бюджети ҳисобидан бюджет ташкилотларига маблағ берилиши учун фармойиш беришдир. Кредитлар кредитларни бош бошқарувчилар ихтиёрига, айрим ҳолларда, кредитларни бош бошқарувчиларнинг илтимосига кўра, кредитлар бевосита кредитларни қуйи бошқарувчиларга тўғридан-тўғри очилиши мумкин.

Кредитларни бошқарувчиларга банк муассасаларда ҳар бир очилган кредитлар бўйича:

- 1) ташкилот харажатларига;
- 2) тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун алоҳида-алоҳида ҳдсоб-варақлар очилади.

Кредитларни бош бошқарувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан кредитлар очилгани ҳақидаги билдириш сифатида чиқим жадвалининг иккинчи нусхасини олиб тасарруфидаги ташкилотларга очилган кредитларни ўтказишни амалга оширади.

Республика бюджетда турувчи кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчилар кредитларни учинчи даражадаги бошқарувчиларга кредитларни бош бошқарувчилар амалга оширган тартибда ўтказишни амалга оширади.

Кредитларни бош бошқарувчилар молиялаштиришни ҳисобга олиш учун биринчи тартибли 23 - "Молиялаштириш" счётини қўллайди. Бу биринчи тартибли счёт қуйидаги иккинчи тартибли счётларга бўлинади:

230-"Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш" счёти

231 -"Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштириш" счёти

232 - "Бошқа бюджетлар ҳисобидан молиялаштириш" счёти 236 - "Болалар ташкилотларини сақлашга ота-оналарнинг маблағлари" счёти

238 - "Ташкилотни сақлашга бошқа маблағлар" счёти

Кредитларни иккинчи ва учинчи даражадаги бошқарувчилар молиялаштиришни ҳисоби учун биринчи тартибли 14 -"Молиялаштиришга доир идоралар ичидаги ҳисоб-китоблар" счётини қўллайди. Бу биринчи тартибли счёт қуйидаги иккинчи тартибли счётларга бўлинади:

140 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

142 - "Бошқа бюджетлар хисобидан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

143 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

Юқорида келтарилган молиялаштириш ҳисоби бўйича барча счётлар пасив счётлардир. Бундан ташқари, 140-счётда кредитларни бош бошқарувчилар ва кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчилар тасарруфидаги ташкилотларни молиялаштириш бўйича ҳисоб-китобларни олиб боради. Бу ҳолда 140-счёт актив счёт функциясини бажаради.

Демак, 140-счёт кредитларни бош бошқарувчиларда актив счёт сифатида, кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчиларда эса, бу счёт кредитларни юқори бошқарувчидан олинган молиялаштириш қайд қилинганда пасив счёт сифатида ва тасарруфидаги ташкилотларни молиялаштириш қайд қилинганда эса, актив счёт сифатида қўлланилади. Кредитларни учинчи бошқарувчиларда 140-счёт фақат пасив счёт сифатида қўлланилади.

Республика бюджетидан молиялаштириши бўйича кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Республика бюджетидан кредитларни бош бошқарувчини сақлашга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 090 - "Республика бюджетидан бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 230 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш" счёти

2) Республика бюджетидан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 091 - "Республика бюджетидан бўйича тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш ва бошқа тадбирлар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 230 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш" счёти

3) Республика бюджетидан капитал қўйилмалар харажатлари учун молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 093 - "Республика бюджетидан бўйича капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 231 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштириш" счёти

4) Республика бюджетидан ўзининг тасарруфидаги ташкилотларга молиялаштириш ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 140 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 091 - "Республика бюджети бўйича тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш ва бошқа тадбирлар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

5) Кредитларни бош бошқарувчи, республика бюджетидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга, тасарруфидаги ташкилотларга молиялаштириш ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 143 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 093 - "Республика бюджети бўйича капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

Республика бюджетидан молиялаштириш бўйича кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Республика бюджетидан, кредитларни бош бошқарувчидан иккинчи даражадаги бошқарувчи саклаш учун молиялаштириш (маблағ) олинганида иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 090 - "Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 140 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

2) Республика бюджетидан, кредитларни бош бошқарувчидан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 091 - "Республика бюджети бўйича тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш ва бошқа тадбирлар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 140 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

3) Республика бюджетидан кредитларни бош бошқарувчидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш олинганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 093 - "Республика бюджети бўйича капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 143 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштаришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

4) Республика бюджетидан кредитларни бош бошқарувчидан тасарруфдаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун олинган молиялаштиришни ўзининг тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб

берилганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 140 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 091 - "Республика бюджети бўйича тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш ва бошқа тадбирлар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

5) Республика бюджетидан кредитларни бош бошқарувчидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга олинган молиялаштиришни ўзининг тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб берганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 143 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 093 - "Республика бюджети бўйича капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

Республика бюджетидан молиялаштириш бўйича кредитларни учинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Республика бюджетидан, кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчидан учинчи даражадаги бошқарувчининг ташкилоти асқлаш харажатлари учун молиялаштириш (маблағ) олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 090 - "Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 140 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб- китоблар" счёти 2) Республика бюджетидан кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш . олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтериясда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:дебет 093 - "Республика бюджети бўйича капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 143 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

2.3. Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетида ва маҳаллий бюджетларда турувчи ташкилотларда молиялаштириш ҳисоби

Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларидан бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатларини молиялаштириш чиқим жадвалисиз, тўлов тоишириқлари ёзиб бюджетдан маблағ ўтказиш йўли билан, капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар харажатларига эса, бюджетдан маблағлар олишга чиқим жадвали ёзиш орқали, кредит очиш йўли билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш бўйича кредитларни бош бошқарувчисининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан кредитларни бош бошқарувчини саклашга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчисининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

дебет 100 - "Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти кредит 230 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш" счёти

2) Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб беришга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчисининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

дебет 101 - "Тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти кредит 230 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш" счёти

3) Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан капитал қўйилмалар харажатлари учун молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчисининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

дебет 103 - "Капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти кредит 231 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштириш" счёти

4) Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан ўзининг тасарруфидаги ташкилотларга молиялаштириш (маблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчисининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 140 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти кредит 101 - "Тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти 5)

Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга, тасарруфидаги ташкилотларга молиялаштириш (маблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчисининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 143 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти кредит 103 - "Капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш бўйича кредитларни учинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1) Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан, кредитларни бош бошқарувчидан ташкилотни сақлаш харажатлари учун молиялаштириш (маблағ) олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 100 - "Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти кредит 140 - "Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти

2) Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан, кредитларни бош бошқарувчидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни учинчи даража бошқарувчи(бюджет ташкилоти)нинг бухгалтериясида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 103 - "Капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти кредит 143 - "Капитал қўйилмаларни бюджетдан молиялаштиришга доир ҳисоб-китоблар" счёти.

2.4. Бюджет ташкилотларида пул маблағлари ҳисоби

Бюджет ташкилотлари ўзларининг пул маблағларини банк муассасаларидаги депозит счётларида сақияди. Бюджет ташкилотлари барча харажатларни (нақд пулсиз амалга ошириш мумкин бўлмайдиган харажатлар бундан мустасно) банкларнинг муассасалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан тўлайди.

Республика бюджетига турувчи ташкилотларда очилган кредитларни Ҳисоби учун биринчи тартибли 09 - "Республика бюджетига бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақлари" счёти тайинланган. Бу биринчи тартибли счёт қуйидаги иккинчи тартибли счётларга бўлинади:

090 - "Республика бюджетига бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

091-"Республика бюджетига бўйича тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш ва бошқа тадбирлар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

093 - "Республика бюджетига бўйича капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

Бу счётларнинг ҳаммаси актив счётлар ҳисобланади. Уларнинг дебетига очилган кредитларнинг суммаси ва кредитларни тиклашга қўйилган суммалар ёзилади, кредитига эса, касса харажатлари суммалари, ташкилотларга ўтказилган кредитларнинг суммалари, чақириб олинган ва беркитилган кредитларнинг суммалари ёзилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларда турувчи кредитларни бошқарувчилар пул маблағларининг ҳисоби учун

биринчи тартибли 10 - "Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақлари" счёти тайинланган. Бу биринчи тартибли счёт қуйидаги иккинчи тартибли счётларга бўлинади:

100-"Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

101-"Тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш ва бошқа тадбирлар учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

103-"Капитал қўйилмалар учун талаб қилиб олгунга қадар ҳисобварағи" счёти.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳамда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фуқаролар қатнашадиган ҳисоб-китоблар банкларнинг муассасалари орқали фақат нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Банк муассасаларидан олинган нақд пуллар улар қайси мақсадларга олинган бўлса, фақат худди шу мақсадларгагина сарфланади.

Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағига молиялаштиришни келиб тушиши ва тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш билан боғлиқ бўлган операциялар ва бу операцияларга тузиладиган бухгалтерия проводкалари муайян мавзунинг аввалги параграфларида келтирилган.

Бюджет ташкилотларининг даромадлари ва харажатларини, режалаштирилган бюджетдан молиялаштириш натижасида келиб тушган маблағларнинг тежалган (фойдаланилмаган) ва ҳисобот чораги охириги иш кунининг кечига бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит счётларида қолган (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар бундан мустасно) маблағлар ҳдгеоби учун қуйидаги иккинчи тартибли счётлар қўлланилади:

114-"Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди -бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

134-"Молиявий қўйилмалар фонди" счёти

215 -"Бюджетдан ташқари фондлар бўйича харажатлар" счёти

275 - "Кредиторлик қарзларини биринчи навбатда тўлаш учун захира" счёти

400 - Махсус ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар. Чоракнинг охириги иш куни тежалган суммалар ва бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағида қолган маблағлар бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига ўтказилганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) Ўтказилган маблағ суммасига:

дебет 114 - "Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга

қадар депозит ҳисобварағи" счёти кредит 090 - "Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти ёки кредит 100 - "Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

2) Ташкил қилинган захира фонди суммасига: дебет 134 - "Молиявий қўйилмалар фонди" счёти

кредит 275 - "Кредиторлик қарзларини биринчи навбатда тўлаш учун захира" счёти.

Вақтинча тўла молиялаштирилмаганлиги натижасида бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий бюджет депозит ҳисобварағида маблағ бўлмаганда, бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан кейинчалик тўлдирилишини ҳисобга олинган ҳолда, бюджет ҳисобидан Қилинадиган харажатлар бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит Ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан ҳам қилиниши мумкин. Бюджет бўйича кредиторлик қарзларини узиш учун бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб Қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағининг маблағлари ҳисобидан Маблағлар ўтказишга тайёрланган тўлов топшириқларининг "Тўлов Мақсади" устунисида қуйидагича "Харажатларнинг бюджет қисми бўйича Кредиторлик қарзларини тўлаш суммаси ўтказилапти" деб ёзиб қўйилади. % операцияга қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) Ўтказиб берилган суммага:

дебет 178 - "Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 114 - "Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

2) Захира фонди суммасини камайтишига: дебет 275 - "Кредиторлик қарзларини биринчи навбатда тўлаш учун захира" счёти

кредит 134 - "Молиявий қўйилмалар фонди" счёти. Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағига маблағ тушганда бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағининг маблағлари қайтарилади. Бу операцияга қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) Қайтарилган суммага:

дебет 114 - "Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди-бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга

қадар депозит ҳисобварағи" счёти кредит 090 - "Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари

учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти ёки кредит 100 - "Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар

депозит ҳисобварағи" счёти

2) Захира фондини таклаш суммасига:
дебет 134 - "Молиявий кўйилмалар фонди" счёти кредит 275 -
"Кредиторлик қарзларини биринчи навбатда тўлаш учун захира" счёти.

2.5. Бюджет ташкилотларида касса операциялари ҳисоби

Бюджет ташкилотининг нақд пул маблағлари ташкилотнинг кассасида сақланади. Штатида кассир ёки бухгалтер-кассир лавозими бўлган фақат катта бюджет ташкилотларида касса бўлади. Қолган ҳолатларда бюджет ташкилотларида нақд пул тўланадиган операциялар ҳисобдор шахслар орқали амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида касса операциялари "Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари"га асосан амалга оширилади.

Бу қоидаларга кўра, барча юридик шахслар, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўзларининг пул маблағларини банк муассасаларида сақлашлари шарт. Ташкилотлар томонидан банк муассасаларидан олинган нақд пул қандай мақсадлар учун олинган бўлса, фақат шунга харажат қилинади.

Ташкилот ўз кассасида нақд пул қолдиғининг белгиланган лимити доирасида сакдаши ва уни тушум ҳисобидан белгиланган меъёрлар чегарасида харажат қилиши мумкин. Кассадаги нақд пул қолдиғи лимитлари ва тушум ҳисобидан фойдаланиш меъёрлари муайян зарур бўлган ҳолларда кўрсатилган лимитлар банк муассасалари томонидан қайта кўриб чиқиши мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотларнинг нақд пул тушумидан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлаш учун фойдаланиши ман этилади.

Кассадаги нақд пул қолдиғининг белгиланган лимитидан ортиқча бўлган қисмининг ҳаммасини ташкилотлар банк муассасаси билан келишилган тартибда ва муддатларда ўз банк ҳисоб-варақларига ҳисобга олиш учун банкка топширишлари шарт.

Нақд пул:

- а) банк муассасаларининг кундузги ва кечки кассаларига;
- б) инкассаторларга - кейинчалик банк муассасаларига топшириш учун;
- в) ташкилотлар қошидаги бирлашган кассаларга - кейинчалик банк муассасаларига топшириш учун;
- г) алоқа корхоналарига - банк муассасалари ҳисоб-варақларига ўтказиш учун топширилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари ўз кассаларида нақд пулни, белгиланган лимитларидан ташқари, фақат иш ҳақи тўлаш, мукофотлар, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, стипендиялар, пенсиялар бериш учун банк муассасасидан олинган кунни кўшиб ҳисобланган ҳолда 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида (банк муассасаларидан узоқ масофада жойлашган бюджет ташкилотлари учун эса - 5 иш кунигача) сакдаш ҳуқуқига эгадир.

Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар учун нақд пул хизмат сафарига юборилаётган шахсларга мазкур ҳудудда амал қилаётган тартиб бўйича тегишли миқдор доирасида, кейин ҳисоб бериш шarti билан берилади.

Кейин ҳисоб бериш шarti билан берилган нақд пулларнинг харажат қилинмаган қисми улар берилган муддат тугаганидан кейин 3 кундан кечиктирилмасдан ташкилот кассасига қайтарилган бўлиши керак.

Ҳисоб бериш шarti билан нақд пул олган шахслар ташкилот бухгалтериясига ёки марказлаштирилган бухгалтерияга харажат қилинган сумма тўғрисида ҳисобот беришлари керак, Аввал ҳисоб бериш шarti билан берилган нақд пул суммаси бўйича тўлиқ ҳисобот топширилганидан кейингина янгидан ҳисоб бериш шarti билан нақд пул берилади.

Касса операциялари Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган намунавий шакллардаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва барча ташкилотларда, уларнинг идоравий бўйсунитиши ва мулкчилик шаклларида катъий назар, ўзгартиришсиз қўлланилиши керак.

Нақд пулларни қабул қилиш ва бериш ҳамда касса ҳужжатларини расмийлаштириш. Бюджет ташкилотлари кассалари томонидан нақд пулни бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс имзо чеккан касси ордери бўйича қабул қилинади.

Пул қабул қилинганлиги тўғрисида бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс ва кассир томонидан имзоланган, кассирнинг муҳри (штампи) билан тасдиқланган ёки касса апаратининг изи туширилган квитанция берилади. Бюджет ташкилотининг кассасидан нақд пулни бошқа ташкилотлар эҳтиёжлари учун бериш ман этилади.

Бюджет ташкилотларининг кассаларидан нақд пул чиқим касса ордерлари ёки тегишли равишда расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномаси, пул бериш тўғрисидаги аризалар, счётлар ва бошқалар) бўйича бу ҳужжатларга чиқим касса ордерининг реквизитлари тўпширилган тўртбурчак муҳр босилиб берилади. Пул бериш учун расмийлаштириладиган ҳужжатларга бюджет ташкилотининг раҳбари ва бош бухгалтер ёки улар ваколат берган шахслар томонидан имзо чекилган бўлиши керак.

Чиқим касса ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар, аризалар, тўловномалар ва бошқаларда бюджет ташкилоти раҳбарининг рухсат берувчи ёзуви бўлса, чиқим касса ордерларига раҳбар имзо чекиши шарт бўлмайди.

Бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатадиган марказлаштирилган бухгалтерияларда бериладиган иш ҳақининг умумий суммасига битта чиқим касса ордери тузилади, унинг санаси ва тартиб рақами ҳар бир тўлов (ҳисоб-китоб - тўлов) ведомостига ёзиб чиқилади.

Алоҳида шахсга чиқим касса ордери ёки унинг ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжат бўйича пул берилаётган вақтда кассир пул олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат(паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, ҳарбий билет ёки ҳарбий қисмлар ёхуд ҳарбий муассасалар томонидан бериладиган шахсини тасдиқловчи ҳужжат)ни талаб қилади, бу

хужжатнинг номи ва тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилганлигини ёзиб қўйади ҳамда пул олувчидан тилхат олади. Агар чиқим касса ордери ёки унинг ўрнига ўтадиган хужжат бир неча кишига пул бериш учун тузилган бўлса, бу ҳолда ҳам пул олувчилар ўз шахсларини тасдиқловчи хужжатларини кўрсатадилар ва тўлов хужжатларининг тегишли устунига имзо чекадилар.

Бюджет ташкилотида пул бериш мазкур ташкилот томонидан берилган гувоҳнома бўйича унинг эгаси фотосурати ва шахсий имзоси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Пул олинганлиги тўғрисидаги тилхат фақат олувчи дастхати билан сиёҳ ёки шарикли ручканинг пастасида олинган сумма:____сўм (сўзлар билан) _ тийин (рақамлар билан) кўрсатилган ҳолдагана ёзилиши мумкин. Пул ведомост бўйича олинаётган вақтда сумма сўзлар билан ёзилмайди.

Бюджет ташкилотида рўйхат таркибига кирмаган шахсларга пул ҳар бир шахсга алоҳида ёзиладиган чиқим касса ордери ёки тузилган шартномаларга асосан алоҳида ведомост бўйича берилади.

Кассир пулларни чиқим касса ордери ёки унинг ўрнига ўтадиган бошқа хужжатда кўрсатилган шахсгагина беради. Агар пул белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича берилаётган бўлса, ордер матнида пул олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмидан кейин пул олишига ишончнома берилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми бухгалтерия томонидан ёзилади. Пул ведомост бўйича берилаётган бўлса, пул олинганлиги ҳақидаги имзодан олдин кассир "Ишончнома бўйича" деб ёзиб қўйади. Бу ишончнома кассирда қолади ва чиқим ордери ёки ведомостга бириктириб қўйилади.

Меҳнат ҳақи тўлаш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар, стипендия, пенсия ва мукофотлар тўлаш кассирлар томонидан тўлов (ҳисоб-китоб - тўлов) ведомостлари бўйича ҳар бир олувчига чиқим касса ордери тузилмасдан амалга оширилади.

Тўлов (ҳисоб-китоб - тўлов) ведомостининг титул varaғида пул беришга рухсат этилганлиги тўғрисида ёзув, пулни тарқатиш муддати ҳамда суммаси ёзувда кўрсатилиб бюджет ташкилотининг раҳбари ва бош бухгалтери ёки улар ваколат берган шахсларнинг имзоси қўйилади.

Ходим меҳнат таътилига кетаётган вақтда, касал бўлганида ва бошқа ҳолларда иш ҳақи тўлаш учун бир марта пул бериш, шунингдек депонентга ўтказилган суммаларни ва хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни кейин ҳисоб бериш шarti билан бир неча шахсларга бериш ҳам шундай тартибда расмийлаштирилиши мумкин.

Алоҳида шахсларга иш ҳақи тўлаш учун бир марта пул бериш, одатда, чиқим касса ордерлари бўйича амалга оширилади.

Меҳнат ҳақи тўлаш, вақтанча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ва мукофотларни бериш учун белгиланган муддат тугаганда кассир:

1. Иш ҳақи, вақганча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, пенсия ва мукофотларни олмаган шахсларнинг фамилиялари қаршисига "Депонент қилинди" деган тўртбурчак муҳр босиши ёки қўлда ёзиб қўйиши;

2. Депонент қилинган суммалар реестрини тузиши;

3. Ведомост охирида иш ҳақи тўлаш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, пенсия ва мукофотлар учун ҳақиқатда тўланган сумма билан олинмаган ҳамда депонент қилинган сумма миқдорини ёзиб қўйиши, бу суммаларни тўлов ведомости бўйича умумий якун билан солиштириши ва ўз имзоси билан тасдиқдаши керак бўлади. Агар пул кассир ўрнига бошқа шахс томонидан берилса, ведомостда: "Пулни ведомост бўйича.....берди" деган қўшимча ёзув қайд этилади.

Пулнинг бир ведомост бўйича кассир ва тарқатувчи томонидан берилиши ман этилади;

4. Касса дафтарида ҳақиқатда тўланган суммани ёзиши ва ведомостга "Чиқим касса ордери №" деган тўртбурчак муҳрини босиши лозим.

Бухгалтерия тўлов ведомостларида кассирлар томонидан қайд этилган ёзувларни текширади ҳамда улар бўйича берилган ва депонент Қилинган суммаларни ҳисоблаб чиқади.

Депонент қилинган суммалар банк муассасаларига топширилади ^{ва} топширилган суммаларга битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

Кирим касса ордерлари ва уларнинг квитанциялари, шунингдек чиқим касса ордерлари ва уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар бухгалтерия томонидан сиёҳ ёки шарикли ручка пастаси билан аниқ ва равион ёзилиб тўлдирилиши ёки ёзув машинкаси, ҳисоблаш машинкасида босмаланиши керак. Бу ҳужжатларда устидан ўчириб ёзишга, тузатишлар киритишга, изохдари бўлган ҳолда ҳам йўл қўйилмайди.

Кирим ва чиқим касса ордерларда уларни тузиш учун асос бўлган сабаб кўрсатилади ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатлар кўрсатиб ўтилади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни пул топшираётган ёки пул олаётган шахсларга бериш тақиқланади. Пулни касса ордерлари бўйича қабул қилиш ва топшириш фақат улар тузилган куни амалга оширилиши мумкин.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни олиш вақтда кассир:

1. Ҳужжатларда бош бухгалтернинг имзоси борлиги ва унинг ҳақиқийлигини, чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатда эса - бюджет ташкилотининг раҳбари ёки у ваколат берган шахсларнинг рухсат берганлиги ҳақидаги имзоси мавжудлигини;

2. Ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини;

3. Ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган иловаларнинг мавжудлигини текшириши керак.

Бу талабларнинг бирортасига риоя қилинмаганлиги тақдирда, кассир ҳужжатларни тегишли равишда расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар, улар асосида пул олингани ёки пул берилгандан кейин, дарҳол кассир томонидан имзоланади, унга илова қилинган ҳужжатлар устига эса, "Тўланди" деган тўртбурчак муҳр босилиб ёки шундай ёзув қайд этилиб, санаси (йил, кун ва ой) кўрсатилади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар кассага топширилгунига қадар бухгалтерия томонидан кирим ва чиқим касса ҳужжатларини қайд этиш журналида (КО-3а -шакл) рўйхатга олинади. Иш ҳақини тўлашга доир тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) ведомостларига расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари уберилганидан кейин рўйхатга олинади.

КО-3а-шакл

Кирим ва чиқим касса ҳужжатларини қайд этиш журнали

Кирим ҳужжати		Сумма	Изоҳ	Чиқим ҳужжати		Сумма	Изоҳ
Сана	Рақам			Сана	Рақам		

Касса операциялари жумласига нақд пулни кассага қабул қилиш ва кассадан нақд пулни бериш бўйича операциялар киради. Касса операциялари тегишли касса ҳужжатлари билан расмийлаштирилади.

Банкдан олинган нақд пул қайси мақсадлар учун олинган бу^к шу мақсадларгагина харажат қилиниши мумкин холос.

Касса операцияларининг ҳисоби иккинчи тартибли счётида олиб борилади.

Бюджет ташкилоти банк муассасасидан нақд пулни уни вазифасини бажарувчи шахснинг номига ёзилган чек бўйича олади. Ташкилот кассасига келиб тушган пул кирим касса ордери билан бош бухгалтернинг, ижроси бўйича эса кассирнинг имзоси қўйилиб расмийлаштирилади. Ташкилот кассасига пул топширган шахсга пул ҳақиқатда топширилганлигини тасдиқловчи кирим касса ордерининг ҳамма квитанцияси берилади. Квитанцияда кирим касса ордерининг ҳамма маълумотлари бўлади. У ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Банк муассасасидан чек бўйича кассага пул кирим қилинганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 120 - "Касса" счёти

кредит 090 - "Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти ёки

кредит 100 - "Ташкилот харажатлари учун талабқилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти.

Бўнакнинг харажат қилинмаган қолдиғи суммаси, ҳисобдор шахсдан маблағ кассага кирим қилинганида қуйидаги проводкаси тузилади:

дебет 120 - "Касса" счёти

кредит 160 - "Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар счёти

Кассани текшириш натижасида аниқданган ортиқча маблағ кирим қилинганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 120 - "Касса" счёти

кредит 173 - "Бюджет тўловларига доир ҳисоб-китоблар" счёти.

Ходимларга меҳнат ҳақи тўланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 180 - "Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар"

кредит 120 - "Касса" счёти.

Талабаларга ва аспирантларга стипендия тўланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 181 - "Стипендиатлар билан ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 120 - "Касса" счёти.

Ҳисобдор шахсларга берилган бўнак суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 160 - "Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 120 - "Касса" счёти.

Харажат қилинмаган суммаларнинг қолдиқлари банкка кассир томонидан қайтарилганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 090 - "Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти ёки

дебет 100 - "Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти

кредит 120 - "Касса" счёти.

Депонент суммалар тўланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 177 - "Депонентлар билан ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 120 - "Касса" счёти.

Касса китобини юритиш ва пулни сақлаш. Ташкилотнинг барча тушумлари ва нақд пул берилиши касса китобида ҳисобга олинади. ҳар бир бюджет ташкилоти фақат битта касса китобини юритади, бу китоб варақлари рақамланган, ип ўтказилган ва унга сурғучли ёки мастикали муҳр босилган бўлиши лозим. Касса китобидаги варақдар сони мазкур бюджет ташкилотининг ёки юқори ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери имзолари билан тасдиқланади.

Бюджет ташкилотларида ёки бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатаётган марказлаштирилган бухгалтерияларда касса операциялари ҳисоби кассир томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқдаган шаклдаги махсус китоб(КО-4-шакл)да олиб борилади.

КО-4-шакл

Касса китоби

200__ йилнинг "__" _____ - варақ

Ҳужжат рақами	Кимдан олинган ёки кимга берилган	Корр.счёт рақами	Кирим	Чиқим
------------------	--------------------------------------	---------------------	-------	-------

Кун бўйича жами_____

Кун охирига қолдиқ_____

шу жумладан

меҳнат ҳақиға _____

Кассир

Касса китобидаги ёзувларни текширдим ва _____ кирдим ва
(ёзув билан)

_____ чиқим ҳужжатларини оддим

(ёзув билан)

Бухгалтер

Касса китобидаги ёзувлар икки нусхада шарикли ручка, кимёвий қалам ёки сиёҳ билан, нусха кўчирувчи қоғоз орқали, қайд этилади. Варақларнинг иккинчи нусхалари йиртиб олинadиган бўлиши керак, улар кассирнинг ҳдсоти бўлиб хизмат қилади. Варақларнинг биринчи нусхалари касса китобида қолади. Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хил рақам билан рақамланади. Касса китобига ўчириб-ёзиш ва изоҳсиз тузатишлар киритиш ман этилади. Тузатишлар ташкилот кассири, шунингдек бош бухгалтери ва унинг ўрнини босадиган шахснинг имзолари билан тасдиқланади.

Касса китобига ёзувлар ҳар бир ордер ёки унинг ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжат бўйича пул берилганидан ёки пул олинганидан кейин кассир томонидан дарҳол қайд этилади. ҳар кунги иш куни охирида кассир бир кунлик операциялар якунини ҳисоблайди, кассада кейинги санага пул қолдиғи чиқарилади ва иккинчи йиртиб олинadиган варақ(касса китобидаги бир кунлик ёзувлар нусхаси)ни кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан биргаликда касса китобига имзо чектириб бухгалтерияга топширади.

Агар бюджет ташкилотларида ҳар куни умумий суммаси 200 сўмгача бўлган операциялар амалга оширилса, касса ҳисоботлари 3-5 кунда бир марта тузилиши мумкин.

Касса китоби тўғри юритилишини назорат этиш бюджет ташкилотининг бош бухгалтери зиммасига юкланади.

Олувчининг имзоси билан тасдиқданмаган чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат билан кассадан берилган пул кассадаги нақд пул қолдиғини ҳисоблашда эътиборга олинмайди. Бу сумма камомад ҳдсoblанади ва кассирдан ундириб олинади. Кассадаги кирим касса ордерлари билан тасдиқданмаган нақд пул кассадаги ортиқча пул ҳисобланади ва даромадга олинади.

Бир неча кассирлар ишлайдиган бюджет ташкилотида катта кассир иш куни бошланишидан олдин бошқа кассирларга чиқим операциялари учун зарур бўлган нақд пул миқдорини бўнак сифатида кассир томонидан қабул қилинган ва берилган пул ҳисобини юритиш китобига имзо чектириб беради.

Кассирлар иш куни охирида катта кассирга олинган бўнак ва кирим ҳужжатлари бўйича қабул қилинган пул тўғрисида ҳисоб бериши ҳамда нақд пул қолдиғи ва амалга оширилган операцияларга доир касса ҳужжатларини катта кассирга кассир томонидан қабул қилинган ва берилган пуллар ҳисобини юритиш китобига имзо чектириб беради.

Кассир иш ҳақи тўлаш ва стипендиялар бериш учун олинган бўнак пул. юзасидан уларни тўлаш учун тўлов ведомостида кўрсатилган муддатда ҳисобот беради. Бу муддат тугагунига қадар тўлов ведомостлари бўйича берилмаган нақд пул қайтариб топширилади. Бу пул кассирлар томонидан муҳрланган халталар, пакетлар ва бошқаларда суммаси кўрсатилган ҳолда катта кассирга топширилади.

Ҳар бир ташкилот нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ўз кассасига эга бўлиши лозим. *Нақд пулни қабул қилиш, бериш ҳамда вақтинча сақлаш учун мўлжалланган, алоҳида ажратилган ва махсус жиҳозланган хона касса деб аталади.* Бюджет ташкилотларининг раҳбарлари кассанинг тегишли равишда жиҳозланиши ва пулнинг касса Хонасида сақданишини, шунингдек уни банк муассасасидан олиб келиш ҳамда банк муассасасига топшириш (кассирлар ҳар куни қолдиқ суммани Кассага топширишлари шарт) вақтида бут сақданишини таъминлашлари Шарт; раҳбарларнинг айби билан пул маблағларини сақдаш ва ташиш вақтида пулнинг бут сақланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган, ҳолларда, улар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ташкилотларнинг кассалари зарур бўлган ҳолларда суғурта ташкилотлари томонидан суғурта қилиниши мумкин. Касса хонаси алоҳида ажратилган бўлиши, эшиклари эса, операцияларни амалга ошириш вақтида ичкаридаи қулфланадиган бўлиши керак. Касса ишига алоқадор бўлмаган шахсларнинг бу хонага кириши ман этилади.

Бюджет ташкилотларидаги барча нақд пул ва қимматли қоғозлар, одатда, ёнмайдиган металл жавонларда сақланади. Улар касса иши тугаганда калит билан қулфланади ва кассирнинг сурғучли муҳри билан муҳрланади. Металл жавонларнинг калитлари ва муҳрлар кассирларда сақланади ҳамда уларни келишилган жойларда қолдириш, бегона шахсларга бериш ёки ҳисобда турмаган дубликатларини тайёрлаш тақиқланади. Металл жавонлар турган хоналарнинг эшикларини очиқ қолдириш, шунингдек бу жавонларнинг эшикларида калитларни қолдириш қатъиян ман этилади.

Калитларнинг ҳисобда турган дубликатлари пакетлар, қутичалар ва шу кабиларга солиниб, кассирлар томонидан муҳрланади ва бюджет ташкилотларининг раҳбарларида сақланади. Камида ҳар чоракда бир марта комиссия текшируви ўтказилади. Калит йўқолганлиги аниқланган ҳолларда бюджет ташкилотининг раҳбари ички ишлар органларига бу ҳақда хабар беради ва зудлик билан металл жавонни алмаштириш чорасини кўради.

Муайян бюджет ташкилотига тегишли бўлмаган нақд пул ва бошқа қийматликларни кассада сақлаш тақиқланади.

Касса хонасини ва металл жавонларни очишдан олдин кассир қулфлар, эшиклар, дераза панжаралари ва муҳрларнинг бутлигини кўздан кечириши ҳамда кўриқдаш сигнализациясининг соз ҳолатда эканлигини текшириб, бунга ишонч ҳосил қилиши керак.

Муҳр шикастланган ёки бузилган, қулф, эшик ва панжаралар бузилган, синдирилган ҳолларда кассир зудлик билан бу ҳақда бюджет ташкилотининг раҳбарини хабардор қилади. У эса, содир бўлган воқеа тўғрисида ички ишлар

органларига хабар беради ва милиция ходимлари етиб келгунига қадар кассани қўриқдаш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда, бюджет ташкилотининг раҳбари, бош бухгалтери ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда кассир, ички ишлар органларининг рухсатини олгандан кейин, кассада сақланаётган пул маблағлари ва бошқа қийматликлар мавжудлигини текширади. Бу текширув касса операциялари бошлангунга қадар амалга оширилади. Текширув натижалари тўғрисида тўрт нусхада далолатнома тузилади ва у текширувда қатнашган барча кишилар томонидан имзоланади. Далолатноманинг биринчи нусхаси - ички ишлар органларига, иккинчиси

- агар тегишли шартнома тузилган бўлса, суғурта компаниясига, учинчиси

- юқори ташкилотга (агар у мавжуд бўлса) берилади, тўртинчиси эса, мазкур бюджет ташкилотида қолади.

Ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида амалдаги қонунчиликка мувофиқ, кассир ўзи қабул қилиб олган барча қийматликларнинг бут сакданиши учун ҳамда ташкилотга қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек ўз вазифаларига пала-партиш ва совуққонлик билан қараши натижасида етказилган зарар учун тўла моддий жавобгар ҳисобланади.

Кассирнинг ишга тайинланганлиги тўғрисида буйруқ (қарор) чиқарилганидан кейин, бюджет ташкилотининг раҳбари кассирни имзо чектириб "Касса операцияларини амалга ошириш қоидалари" билан таништириши, бундан сўнг кассир билан унинг тўла шахсий моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилиши керак. Кассир тўла моддий жавобгарлиги тўғрисида ўзининг шахсий делосида сақпанадиган мажбурият олади. *Кассир мажбуриятининг мазмуни қуйидагичадир: Мен, қуйида имзо чекувчи кассир (фамилияси, исми, отасининг исми), менга бюджет ташкилоти(ташкилотнинг тўла номи) топширган барча пул маблағлари ва бошқа қийматликлар учун тўла жавобгарликни ўз зиммамга оламан. Агар менинг масъулиятсизлигим, бепарволигим ёки эҳтиётсизлигим натижасида бюджет ташкилотига (ташкилотнинг тўла номи) зиён келтирсам, у ҳолда мен уни тўла ҳажмда қайтариши мажбуриятини оламан. Мен белгиланган касса операцияларини олиб бериши қоидаларини тўла бажариши мажбуриятини оламан ва уларнинг бузилиши учун жавобгардирман. Мажбуриятни имзолаш санаси ва мажбурият олаётган кассирнинг имзоси.* Штат бўйича кассир лавозими бўлмаган кичик бюджет ташкилотларида нақд пул билан тўланадиган операциялар бюджет ташкилоти бўйича буйруқ билан расмийлаштириладиган ҳисобдор шахслар орқали амалга оширилади. Кассир ўзига топширилган ишни бошқа шахсларга ишониб топшириши ман этилади.

Битта кассири бўлган ташкилотларда, у вақтинча алмаштирилиши зарур бўлган ҳолларда, кассир вазифасини бажариш бюджет ташкилоти раҳбарининг ёзма буйруғи (қарори) билан бошқа ходим зиммасига юкланади. Бу ходим билан тегишли шартнома тузилади ва у кассирнинг ёзма мажбуриятини олади.

Кассир ишни тўсатдан қолдирган (касал бўлган ва бошқа) ҳолларда унинг ҳисобидаги қийматликлар дарҳол бюджет ташкилотининг раҳбари ва бош бухгалтери ҳозирлигида ёки бюджет ташкилотининг раҳбари тайинлаган шахслардан таръсиб топган комиссиянинг иштирокида ишни қабул қилаётган кассир томонидан қайта саналади. Қийматликларни қайта санаш ва топшириш тўғрисида далолатнома тузилиб, унга юқорида кўрсатилган шахслар имзо чекадилар.

Катта таркибий бўлинмалари бўлган ёки марказлаштирилган бухгалтерия томонидан хизмат кўрсатиладиган бюджет ташкилотларида иш ҳақи тўлаш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ва мукофотларни тўлаш бюджет ташкилоти раҳбарининг ёзма буйруғи(қарори)га кўра кассирлардан ташқари, бошқа шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда ушбу шахслар билан тегишли шартнома тузилади ва уларга кассирлар учун касса операцияларини олиб бориш қоидаларида белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар тадбиқ этилади. Бундай шахслар белгиланган тартибга мувофиқ жиҳозланган касса пунктлари хоналарида пул маблағларини берадилар ва қабул қиладилар.

Касса ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқидан фойдаланадиган бухгалтерлар ва бошқа ходимлар кассирлик вазифасини бажаришлари мумкин эмас.

Штатлар жадвали бўйича кассир лавозими кўзда тутилмаган ташкилотларда касса операцияларини бажариш вазифаси юклатилган бошқа ходимлар зиммасига касса операцияларини амалга ошириш бўйича мажбуриятлар ҳам худди шу тарзда юкланади.

Кассани тафтиш қилиш ва касса интизомига риоя этилишини назорат қилиш. Бюджет ташкилотининг раҳбари томонидан белгиланган муддатларда, айти пайтда ҳар ойда камида бир марта ҳар бир бюджет ташкилотида касса тўсатдан тафтиш қилиниб, кассадаги барча пул бирма-бир саналади ва бошқа қийматликлар текширилади. Кассада тафтиш ўтказиш учун бюджет ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан комиссия тайинланади ва бу комиссия далолатнома тузади. Тафтиш натижасида кассадаги камомад ёки ортиқчалик аниқланса, камомад ёки ортиқча сумма миқдори ва улар вужудга келган вазиятлар далолатномада кўрсатилади.

Кассада ортиқчалик аниқланганда бу сумма кассага кирим қилинади. Кассани текшириш жараёнида аниқланган ортиқчалик кирим қилинганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 120 - "Касса" счёти

кредит 173 - "Бюджет тўловларига доир ҳисоб-китоблар" счёти.

Кассада камомад аниқланганда, бу сумма кассирнинг ҳисобига кўйилади. Кассада камомад аниқланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 170 - "Камомадларга доир ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 120 - "Касса" счёти.

Юқори ташкилотлар тасарруфидаги барча ташкилотларда ҳужжатли тафтишлар ўтказётган вақтда мажбурий тартибда кассани тафтиш

қиладилар ва касса интизомига риоя этилишини текширадилар. Тафтиш ўтказилаётган вақтда пул ва қийматликларнинг бут сақланишини таъминлаш масаласига эътибор бериш лозим бўлади.

Касса интизомининг бузилишида айбдор бўлган шахслар амалдаги қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Касса интизомига риоя этиш учун жавобгарлик бюджет ташкилотларининг раҳбарлари, бош бухгалтерлари, молия хизмати раҳбарлари ҳамда кассирлар зиммасига юкланади.

Банк муассасалари бюджет ташкилотлари томонидан амалдаги касса операцияларини юритиш қоидаларига қандай риоя қилинаётганлигини текширадилар. Бюджет ташкилотларида касса операцияларини юритиш қоидаларига риоя этилишини текшириш тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида кассалар ва касса тармоқларининг техник жиҳатдан мустаҳкамлигини, пул ва қийматликларни бут сақлаш учун шарт-шароитлар яратилганлигини текширадилар. Уларнинг ўғирлик содир этилишига имкон берувчи сабаблар ва шароитларнинг олдини олишга доир кўрсатмалари бажарилиши шарт.

2.6. Бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби

Республика бюджетида турувчи кредитларни бошқарувчилар уларга кредит очилиши билан бюджет маблағларини харажат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетларда турувчи кредитларни бошқарувчилар ўзларининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақларига маблағ тушган вақтда бюджет маблағларини харажат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган сметаларга ва молиявий интизомига қатъий риоя қилинган ҳолда бюджет маблағларини харажат қилишлари мумкин.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари касса харажатлари ва ҳақиқий харажатларга бўлинади.

Касса харажатлари - бу бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан банк муассасаси томонидан нақд пул ва пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан тўланган харажатлардир. Бюджет ташкилотининг кассасидан тўланган суммалар касса харажатларга кирмайди, чунки бу суммалар бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан олинганида улар касса харажатларига қўшилгандир.

Ҳақиқий харажатлар - бу бюджет ташкилотини сақлашга бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган харажатлардир, яъни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларни ташкил қилувчи суммалар ҳамда ҳисобланган ёки амалга оширилган, лекин ҳали тўланмаган харажатлардир. Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар қуйидаги иккинчи тартибли счётларда ҳисобга олинади:

200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар" счёти

202 - "Бошқа бюджетлар ҳисобидан харажатлар" счёти

203 - " Капитал қўйилмаларга бюджет бўйича харажатлар" счёти Бу счётлар актив счётлардир. Бу счётларнинг дебетига ҳақиқий харажатларнинг суммалари қайд қилинади, унинг кредитида эса бюджет бўйича молиялаштириш ҳисобидан йил тугагандан сўнг ҳисобдан чиқарилган харажатлар суммалари бўлади.

Одатда, йил тугагандан кейин бу счётларда қолдиқ қолиши мумкин эмас. Бу счётларда қолдиқ бўлиб, декабр ойининг иккинчи ярми учун ҳисобланган меҳнат ҳақи, ҳамда бюджет ташкилоти ноқонуний равишда жалб қилинган маблағлардан фойдаланган, улар ҳисобидан бу харажатларни ёпилган суммалар қолиши мумкин.

Бюджет ташкилотига кўрсатилган хизмат(электр энергияси, иссиқ сув, сув, газ ва бошқа)лар суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар" счёти кредит 178 - "Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Юқорида кўрсатилган хизмат(электр энергияси, иссиқ сув, сув, газ ва бошқа)ларнинг суммаси бюджет ташкилотнинг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан тўланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 178 - "Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" счёти

кредит 090 - "Республика бюджети бўйича ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти ёки кредит 100 - "Ташкилот харажатлари учун талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағи" счёти.

Бюджет ташкилотининг кассасидан ҳақиқий қилинган харажатлар тўланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар" счёти кредит 120 - "Касса" счёти.

Агар ҳисобдор шахслар ҳақиқий харажатлар қилса, у ҳолда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар" счёти

кредит 160 - "Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" счёти. Асосий воситалар сотиб олинганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) Қабул қилинган асосий воситаларнинг сотиб олиш қийматига:

дебет 010 - "Ер ва ерни ободонлаштириш" счёти ёки

дебет 011 - " Бинолар ва иншоотлар" счёти ёки

дебет 012 - "Узатгич қурилмалари" счёти ёки

дебет 013 - "Машина ва ускуналар" счёти ёки

дебет 014 - "Компютер ва офис жиҳозлари" счёти ёки

дебет 015 - "Транспорт воситалари" счёти ёки

дебет 016 - "Асбоблар, ишлаб чиқариш (жиҳозлари билан бирга) ва хўжалик инвентарлари" счёти ёки

дебет 017 - "Иш ҳайвонлари ва маҳсуддор ҳайвонлар" счёти ёки дебет 018 - "Кутубхона фондлари" счёти ёки

дебет 019 - "Бошқа асосий воситалар" счёти

кредит 178 - "Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" счёти

2) Қабул қилинган асосий воситаларнинг сотиб олиш қиймати харажатга қўшилганда:

дебет 200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар" счёти

кредит 250 - "Асосий воситалардаги фонд" счёти.

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар сотиб олинганида қуйидаги иккита бухгалтерия проводкаси тузилади:

1) Қабул қилинган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг сотиб олиш қийматига:

дебет 070 - "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар" счёти ёки дебет 072 - "Омбордаги ички қийимлар, кўрпа-тўшаклар, қийим-кечаклар ва пойафзаллар" счёти кредит 178 - "Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

2) Қабул қилинган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларларнинг сотиб олиш қиймати харажатларга қўшилганда:

дебет 200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга

бюджетбўйича харажатлар" счёти кредит 260 - "Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардаги фонд" счёти.

Харажат қилинган материаллар ҳисобдан чиқарилганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет

бўйича харажатлар" счёти кредит 060 - "Ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар" счёти ёки кредит 063 - "Хўжалик материаллари ва идора буюмлари" счёти ёки

кредит 064 - "Ёнилғи, ёқилғи ва мойлаш материаллари" счёти ёки кредит 067 - "Бошқа материаллар" счёти ёки кредит 069 - "Машина ва ускуналар учун эҳтиёт қисмлар" счёти. Ҳисобланган иш ҳақи суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар" счёти

кредит 180 - "Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар" счёти. Талабаларга ва аспирантларга ҳисобланган стипендия суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 200 - "Ташкилотни сақлашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар" счёти кредит 181 - "Стипендиатлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Пенсия фондига ҳисобланган (33%) ягона ижтимоий тўлов суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

дебет 200 - "Ташкилотни сакдашга ва бошқа тадбирларга бюджет бўйича харажатлар" счёти кредит 175 - "Ягона ижтимоий тўлов" счёти.

Матнда қўлланилган асосий тушунчалар

Кредитларни бошқарувчилар - ўзининг ихтиёрига мақсадли тайинланиши бўйича сарфлаш учун бюджетдан маблағлар олган ташкилотларнинг раҳбарларидир. Кредитларни бошқарувчилар, ўзларига берилган ҳуқуқлар, масъулиятлар ва мажбуриятларнинг ҳажмига қараб, республика бюджети бўйича уч (бош, иккинчи, учинчи) даражага, маҳаллий бюджетлар бўйича эса икки (бош, учинчи) даражага бўлинади.

Республика бюджети, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджети бўйича кредитларни бош бошқарувчилар - булар вазирлар ва бошқа марказий муассасаларнинг раҳбарларидир.

Маҳаллий бюджетлар бўйича кредитларни бош бошқарувчилар - булар ҳокимликлар бўлимларининг раҳбарларидир.

Республика бюджети бўйича кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчилар - булар ўз тасарруфида муассасалари ва ташкилотлари бўлган муассасалар ва ташкилотлар(бош муассасалар, бошқармалар, вазирликлар, идоралар ва бошқалар)нинг раҳбарларидир. Улар тўғридан-тўғри кредитларни бош бошқарувчиларга бўйсунди.

Кредитларни учинчи даражадаги бошқарувчилар - булар кредитларни бош ёки иккинчи даражадаги бошқарувчиларга бўйсунувчи ташкилотларнинг раҳбарларидир. Уларга бюджет маблағларидан мустақил равишда фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Бюджет ташкилотлари фақат муайян бюджет йили доирасида ўзига берилган маблағларни харажат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бюджетдан молиялаштириш - кредитларни бошқарувчиларга бюджет бўйича тасдиқланган харажатлар учун бюджетдан маблағ берилишидир. Республика бюджетидан молиялаштириш бюджетдан маблағ олишга чиқим жадвалларини ёзиш воситасида кредит очиш йўли билан амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатларини молиялаштириш чиқим жадвалисиз тўлов топшириқлари ёзиб бюджетдан маблағ ўтказиш йўли билан, капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар харажатларига бюджетдан маблағлар олишга чиқим жадвали ёзиш орқали кредит очиш йўли билан амалга оширилади. Бюджетдан маблағлар ташкилотларга фақат бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасидагина берилади.

Бюджет кредит(ажратма)лари - бу алоҳида тадбирлар учун бюджет бўйича тасдиқланган харажатлар суммаларидир.

Касса харажатлари - бу бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан банк муассасаси томонидан нақд пул ва пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан тўланган харажатлардир. Бюджет ташкилотининг кассасидан тўланган суммалар касса харажатларига қирмайди, чунки бу суммалар бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга

кадар депозит ҳисобварағидан олинганида улар касса харажатларига кўшилган бўлади.

Ҳақиқий харажатлар - бу бюджет ташкилотини сақлашга бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган харажатлар, яъни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларни ташкил қилувчи суммалар ҳамда ҳисобланган ёки амалга оширилган, лекин ҳали тўланмаган харажатлардир.

Назорат учун саволлар

1. Давлат бюджетидан харажатларнинг қайси гуруҳдари бўйича молиялаштириш амалга оширилади?

2. Республика бюджетидан кредитларни бош бошқарувчини сақлашга молиялаштириш (мблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

3. Республика бюджетидан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун молиялаштириш (мблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

4. Республика бюджетидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (мблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

5. Республика бюджетидан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун олинган молиялаштириш (мблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

6. Республика бюджетидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга олинган молиялаштириш (мблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

7. Кредитларни бош бошқарувчидан республика бюджетидан иккинчи даражадаги бошқарувчини сақлашга молиялаштириш (мблағ) олинганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчини бухгалтерияси Қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

8. Кредитларни бош бошқарувчидан республика бюджетидан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун молиялаштириш (мблағ) олинганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

9. Кредитларни бош бошқарувчидан республика бюджетидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (мблағ) олинганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

10. Кредитларни бош бошқарувчидан тасарруфидаги ташкилотлар учун республика бюджетидан олинган молиялаштиришни ўзларининг тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб берилганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчини бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

11. Кредитларни бош бошқарувчидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга республика бюджетидан олинган молиялаштиришни

ўзларининг тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб берилганида кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

12. Кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчидан республика бюджетидан ташкилотни сакдаш бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси, яъни кредитларни учинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтерияси, қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

13. Кредитларни иккинчи даражадаги бошқарувчидан республика бюджетидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси, яъни кредитларни учинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтерияси, қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

14. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан кредитларни бош бошқарувчини сакдашга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

15. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

16. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

17. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан тасарруфидаги ташкилотларга молиялаштириш (маблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

18. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

19. Кредитларни бош бошқарувчидан, Қорақалпоғистон республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан, ташкилотни сакдаш бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси, яъни кредитларни учинчи даража бошқарувчининг бухгалтерияси, қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

20. Кредитларни бош бошқарувчидан, Қорақалпоғистон республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан, капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси, яъни кредитларни учинчи даража бошқарувчининг бухгалтерияси, қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

21. Банк муассасасидан чек бўйича нақд пул кассага олиб келинганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

22. Бўнакнинг фойдаланилмаган қолдиқ суммаси ҳисобдор шахс томонидан кассага қайтарилганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

23. Касса текширилганда аниқланган ортиқча маблағ кириш қилинганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

24. Ходимларга меҳнат ҳақи тўланганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

25. Талабаларга ва аспирантларга стипендия тўланганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

26. Ҳисобдор шахсга берилган бўнак суммасига бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

27. Кассир томонидан фойдаланилмаган суммаларнинг қолдиғини банкка топширилганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

28. Депонент суммалар кассадан тўланганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

29. Кассада аниқланган камомад суммасига бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

30. Бюджет ташкилотига кўрсатилган ва қабул қилинган хизматларнинг (электр энергияси, сув, иссиқ сув, газ ва бошқалар) суммасига бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

31. Касса орқали ҳақиқий харажатлар тўланганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

32. Ҳисобдор шахслар ҳақиқий қилинган харажатлар суммасига бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

33. Асосий воситалар сотиб олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкаларини тузади?

34. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар сотиб олинганда бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкаларини тузади?

8135. Сарфланган материаллар ҳисобдан чиқарилганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкаларини тузади?

36. Ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

37. Талабаларга ва аспирантларга ҳисобланган стипендия суммасига бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

38. Пенсия фондига ҳисобланган (33%) ягона ижтимоий тўлов суммасига бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия' проводкасини тузади?

Амалий машғулотда бажариш учун тотпириклар

I. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бухгалтериясида

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида амалга оширилган қуйида берилган хўжалик операцияларига бухгалтерия проводкалари тузилсин.

1. Вилоят молия органи Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг банк муассасасидаги бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисоб-варақдарига муайян ой учун режалаштирилган бюджет маблағларини ўтказиб берди:

1) Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини сақлаш учун:

- а) иш ҳақи тўлашга - 1.800.000 сўм;
- б) иш ҳақиға ҳисобланишларга - 594.000 сўм;
- в) бошқа харажатларга - 280.000 сўм.

2) Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун:

- а) иш ҳақи тўлашга - 10.000.000 сўм;
- б) иш ҳақиға ҳисобланишларга - 3.300.000 сўм;
- в) бошқа харажатларга - 3.700.000 сўм.

2. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ўз тасарруфидаги ташкилотларга уларнинг банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисоб-варақларига муайян ой учун тегишли бюджет ташкилотларини сақлашга режалаштирилган бюджет маблағларини ўтказиб берди:

1) Вилоят касалхонасига:

- а) иш ҳақи тўлашга - 5.000.000 сўм;
- б) иш ҳақиға ҳисобланишларга - 1.650.000 сўм;
- в) бошқа харажатларга - 2.800.000 сўм.

2) 2-сонли туман поликлиникасига:

- а) иш ҳақи тўлашга - 4.500.000 сўм;
- б) иш ҳақиға ҳисобланишларга - 1.485.000 сўм;
- в) бошқа харажатларга - 600.000 сўм.

3) БТСЁК муассасасига:

- а) иш ҳақи тўлашга - 500.000 сўм;
- б) иш ҳақиға ҳисобланишларга - 165.000 сўм;
- в) бошқа харажатларга - 300.000 сўм.

3. Ўтган ойда Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан фойдаланилган электр қуввати учун Вилоят электр тармоқлари корхонасига тўлов топшириғи билан маблағ Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағидан ўтказиб берилди - 30.000 сўм.

4. Ўтган ойда Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан фойдаланилган иссиқ сув учун иссиқдик қуввати учун Вилоят иссиқдик қуввати билан таъминловчи корхонасш а тўлов топшириғи билан маблағ Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағидан ўтказиб берилди - 50.000 сўм.

5. Вилоят соғлиқни сақдаш бошқармасига керакли хўжалик моллари олиш учун "Метро" Масъулияти чекланган жамиятга тўлов топшириғи билан маблағ Вилоят соғлиқни сақдаш бошқармасини Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағидан ўтказиб берилди - 150.000 сўм.

6. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини банк муассасасидаги бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағидан чек билан нақд пул олиб келиниб Бошқарма кассасига кирим қишди:

а) Бошқарма ходимларига иш ҳақи тўлаш учун - 1.150.000 сўм;

б) Бошқарма ходимларига касаллик нафақасини тўлаш учун - 50.000 сўм;

в) Бошқармада ишловчи пенсия олувчиларга пенсия тўлаш учун - 50.000 сўм.

7. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимларига ўтган ой учун ҳисобланган иш ҳақи суммасига нисбатан ҳисобланган 33 фоизли ягона ижтимоий тўлов Вилоят пенсия фондида тўлов топшириғи орқали Вилоят соғлиқни сақдаш бошқармасини банк муассасасидаги бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағидан ўтказиб берилди - 455.000 сўм.

8. Вилоят соғлиқни сақдаш бошқармаси бухгалтер-кассирининг ҳисоботида асосан:

а) Бошқарма ходимларига иш ҳақи тўланди - 1.080.000 сўм;

б) Бошқарма ходимларига касаллик нафақаси тўланди - 50.000 сўм;

в) Бошқарма ишловчи пенсия олувчиларга пенсия тўланди - 50.000 сўм;

г) Уч кун ичида иш ҳақини олмаган Бошқарма ходимларининг иш ҳақи суммаси депонент қилинди - 70.000 сўм.

9. Вилоят соғлиқни сақдаш бошқармаси бухгалтер-кассирининг ҳисоботида кўра ўз вақтида олинмаганлиги сабабли депонент қилинган иш ҳақи суммаси Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини банк муассасасидаги бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағига қайтариб топширилди - 70.000 сўм.

10. Чоракнинг охири куни тежалган ва Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисобварағида қолган маблағлар Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини ривожлантириш фонди-бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига ўтказилди - 500.000 сўм.

II. Бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсагиш (БТСЁК) муассасаси бухгалтериясида

БТСЁК муассасасида амалга оширилган қуйида берилган хўжалик операцияларига бухгалтерия проводкалари тузилсин.

1. БТСЁК муассасасини банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига муайян ой учун режалаштирилган бюджет маблағлари Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ўтказиб берилди:

а) иш ҳақи тўлашга - 500.000 сўм;

б) иш ҳақиға ҳисобланишларға - 165.000 сўм;

в) бошқа харажатларға - 300.000 сўм.

2. Ўтган ойда БТСЁК муассасаси томонидан фойдаланилган электр қуввати учун Вилоят электр тармоқдари корхонасига тўлов топшириғи билан маблағ БТСЁК муассасасини банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан ўтказиб беридди -90.000 сўм.

3. Ўтган ойда БТСЁК муассасаси томонидан фойдаланилган газ учун Вилоят иссиқдик қуввати билан таъминловчи корхонасига тўлов топшириғи билан маблағ БТСЁК муассасасини банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан ўтказиб беридди - 10.000 сум.сўм.

4. БТСЁК керакли хўжалик моллари олиш учун "АЛ-АКБАР" дўконига тўлов топшириғи билан маблағ БТСЁК муассасасини банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан ўтказиб беридди - 50.000 сўм.

5. БТСЁК муассасасини банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан чек билан нақд пул олиб келиниб БТСЁК муассасаси кассасига кириш қилинди:

а) Муассаса ходимларига иш ҳақи тўлаш учун - 320.000 сўм;

б) Муассаса ходимларига касаллик нафақасини тўлаш учун -54.400 сўм;

в) Муассасада ишловчи пенсия олувчиларга пенсия тўлаш учун - 30.000 сўм.

6. БТСЁК муассасаси ходимларига ўтган ой учун ҳисобланган иш ҳақи суммасига нисбатан ҳисобланган 33 фоизли ягона ижтимоий тўлов Вилоят пенсия фондига тўлов топшириғи орқали БТСЕК муассасасини банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан ўтказиб беридди - 132.000 сўм.

7. БТСЁК муассасаси бухгалтер-кассирини ҳисоботиға асосан:

а) Муассаса ходимларига иш ҳақи тўланди - - 295.000 сўм;

б) Муассаса ходимларига касаллик нафақаси тўланди - 54.400 сўм;

в) Муассасада ишловчи пенсия олувчиларга пенсия тўланди - 30.000 сўм;

г) Уч кун ичида иш ҳақини олмаган Муассаса ходимларининг иш ҳақи суммаси депонент қилинди - 25.000 сўм.

8. БТСЁК муассасаси бухгалтер-кассирини ҳисоботиға кўра ўз вақтида олинмаганлиги сабабли депонент қилинган иш ҳақи суммаси БТСЁК муассасасини банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига қайтариб топширилди - 25.000 сўм.

9. Чоракнинг охири кун ичида тежалган ва БТСЁК муассасасини банк муассасасидаги Бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағида қолган маблағлар бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди-бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағига ўтказилди - 150.000 сўм.

Тестлар

1. Республика бюджетидан кредитларни бош бошқарувчини сақлашга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

- а) дебет 090-счёт кредит 120-счёт
- б) дебет 230-счёт кредит 090-счёт
- в) дебет 090-счёт кредит 230-счёт

2. Республика бюджетидан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

- а) дебет 090-счёт кредит 230-счёт
- б) дебет 230-счёт кредит 090-счёт
- в) дебет 090-счёт кредит 230-счёт

3. Республика бюджетидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

- а) дебет 231-счёт кредит 090-счёт
- б) дебет 090-счёт кредит 231-счёт
- в) дебет 090-счёт кредит 230-счёт

4. Республика бюджетидан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун олинган молиялаштириш (маблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

- а) дебет 090-счёт кредит 140-счёт
- б) дебет 091-счёт кредит 230-счёт
- в) дебет 140-счёт кредит 091-счёт

5. Республика бюджетидан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга олинган молиялаштириш (маблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

- а) дебет 093-счёт кредит 143-счёт
- б) дебет 143-счёт кредит 231-счёт
- в) дебет 143-счёт кредит 093-счёт

6. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан кредитларни бош бошқарувчини сақлашга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

- а) дебет 101-счёт кредит 230-счёт
- б) дебет 100-счёт кредит 230-счёт
- в) дебет 090-счёт кредит 100-счёт

7. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

- а) дебет 101-счёт кредит 230-счёт
- б) дебет 100-счёт кредит 230-счёт

в) дебет 101-счёт кредит 100-счёт

8. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) олинганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

а) дебет 101-счёт кредит 230-счёт

б) дебет 103-счёт кредит 231-счёт

в) дебет 231-счёт кредит 103-счёт

9. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан тасарруфидаги ташкилотларга молиялаштириш (маблағ) ўтказиб берилганида кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

а) дебет 100-счёт кредит 230-счёт

б) дебет 140-счёт кредит 101-счёт

в) дебет 101-счёт кредит 100-счёт

10. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан капитал қўйилмалар бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) ўтказиб берилганда кредитларни бош бошқарувчининг бухгалтериясида қандай бухгалтерия проводкаси тузилади?

а) дебет 143-счёт кредит 103-счёт

б) дебет 103-счёт кредит 143-счёт

в) дебет 101-счёт кредит 231-счёт

11. Кредитларни бош бошқарувчидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан, ташкилотни сакдаш бўйича харажатларга молиялаштириш (маблағ) олинганида бюджет ташкилотининг бухгалтерияси, яъни кредитларни учинчи даражадаги бошқарувчининг бухгалтерияси, қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

а) дебет 101-счёт кредит 230-счёт

б) дебет 100-счёт кредит 230-счёт

в) дебет 100-счёт кредит 140-счёт

12. Банк муассасасидан чек бўйича пул кассага олиб келинганда бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

а) дебет 120-счёт кредит 230-счёт

б) дебет 120-счёт кредит 100-счёт

в) дебет 100-счёт кредит 120-счёт

13. Касса текширилганда аниқланган ортиқча маблағ кириш келинганда бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

а) дебет 120-счёт кредит 173-счёт

б) дебет 120-счёт кредит 230-счёт

в) дебет 173-счёт кредит 120-счёт

14. Кассир томонидан фойдаланилмаган суммаларнинг қолдиғини банкка топширилганда бюджет ташкилотининг бухгалтерияси қандай бухгалтерия проводкасини тузади?

- а) дебет 120-счёт кредит 200-счёт
- б) дебет 120-счёт кредит 160-счёт
- в) дебет 100-счёт кредит 120-счёт

3-БОБ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ВА УНИНГ ТАВСИФИ

3.1. Молиявий ҳисобот, унинг таркиби ва аҳамияти

Бозор муносабатлари соҳасида хўжаликни, корхонани самарали бошқариш унинг хўжалик фаолияти, маблағ-воситаларининг аҳволи ва улардан фойдаланиш, уларни ташкил эгаш манбалари тўғрисида тўла ишонарли иқтисодий ахборотни тезкорлик билан олиш ва фойдаланишни талаб қилади.

Бу бошқарув ҳолимларидан молиявий ҳисоботни ўқий олиш, яъни ҳисобот ҳар бир моддасининг иқтисодий моҳиятини тушириш, унинг корхона фаолиятидаги ролини баҳолаш усуллари, баланс ва ҳисоботнинг бошқа шакллари моддалари билан алоқасини, у ёки бу модда бўйича суммалар ўзгариши тавсифини ва ушбу ўзгаришлар аҳамиятини баҳолаш маҳоратини талаб этади.

Молиявий ҳисобот моддаларидан фойдаланиб, корхона тўғрисида катта ҳажмда маълумот олиш, унинг молиявий аҳволшш хизмат ва бозор фаоллигини таҳлил қилиши мумкин.

Таҳлил мақсадида ахборот манбалари ҳисобга олинadиган ва ҳисобга олинмайdиган манбаларга ажратилади.

Таҳлилининг *ҳисобга олинadиган манбаларига* қуйидагилар киритилади:

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот;
- статистик ҳисоб ва ҳисобот;
- оператив (жорий) ҳисоб ва ҳисобот;
- танлаб олинган ҳисоб маълумотлари.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда хўжалик маблағлари ва хўжалик операциялари акс эттиршда ҳамда умумлаштирилади.

Статистик ҳисоб ва ҳисобот оммавий ҳодиса ва жараёнлар йиғиндисини акс эттиради, бу уларни миқдорий жиҳатдан тавсифлайди. Улар асосида муайян иқтисодий қонуниятлар аниқланади.

Оператив ҳисоб ва ҳисобот зарур ахборотнинг тезроқ олинishi таъминлайди.

Танлаб олинган ҳисобот маълумотлари ҳисобот кўрсаткичларни чуқурлаштириш ва муфассаллаштириш имконини беради.

Ахборотнинг ҳисобга олмайдиган манскишига қуйидагиларнинг материаллари киритилади:

- идора ичидаги ва идора ташқарисидаги тафтиш;
- ташқи ва ички аудит;
- лаборатория ва врачсанитария назорати;
- солиқ хизматлари текширувлари;
- меҳнат жамоаси кенгашлари, йиғилишлари.

Таҳлил жараёнида тасдиқланган режа, бизнес-режа маълумотлари, меъёрий материаллар ҳам жалб қилинади.

Ахборот олипшинг осонлигига кўра очик ва ёпиқ (махфий) ахборотга ажратилади. Бухгалтерия ва статистика ҳисоботи таркибидаги ахборот хўжалик юритувчи ихтиёридан ташқарига чиқади ва очик ахборот ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи ҳар бир субъект ўз режа кўрсаткичлари, меъёрлари, нормативлари, тарифлари, лимитлари, уларни баҳолаш ва ўз молиявий фаолиятини тартибга солиш тизимини ишлаб чиқади. Бу ахборот унинг тижорат сирини, баъзида "ноу-хау"ни ташкил қилади.

"Корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра корхона таркибида тижорат сирини бўлган ахборотни тақдим этмаслик ҳуқуқига эга. Тижорат сирини ҳисобланувчи маълумотлар рўйхатини шу корхона раҳбари белгилайди.

Корхона молиявий ҳисобини таҳлил қилишнинг асосий манбалари молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади.

Корхоналар ва ташкилотлар ҳисоботи корхонанинг ўтган давр мобайнидашиш яқунлари, натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуидир. Бу ахборот молиявий ресурслар, уларни жойлаштиришнинг оқилоналита, улардан фойдаланиш самарадорлига, ўз айланма ва асосий воситаларни сақлаш ҳамда кўпайтиришни, эришилган натижаларни баҳолаш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Корхона молиявий ҳисоботи материалларидан ички ва ташқи аудитда, ҳар хил турдаги текширув ва тадқиқотларда, корхонанинг тўловга қарбилиятлилиги ва барқарорлиги аниқлашда, кредитлар бериш ва ҳар турли битимларни тузишда кенг фойдаланилади.

Корхонанинг йил чорага ва йиллик молиявий ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича кўрсатмаларда назарда тутилган талабларга қатъий риоя қилиб тузилган ҳисоботида ўтган давр мобайнида унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳажмлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида етарлича тўлиқ ахборот бўлади.

Молиявий ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг "Корхоналар (ташкилотлар) йиллик ва йил чорага молиявий ҳисоботи шакллари ва ҳажмини ҳасдиқлаш тўғрисида" 1997 йил 15 январдаги 5-сон буйруғига мувофиқ тузилади, Бу буйруққа кўра барча юридик шахслар (бюджетдаги муассасалар, суғурта ташкилотлари ва банктардан ташқари)

тегашли ташкшготларга қуйидаги ҳажмлардаги молиявий ҳисоботни тақдим этади:

йиллик ҳисобот бўйича:

1-сон шакл "Бухгалтерия баланси";

2-сон шакл "Молиявий натажалар тўғрисида ҳисобот";

2а-сон шакл "Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома";

3-сон шакл "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот";

4-сон шакл "Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот";

5-сон шакл "Ўз сармояси тўғрисида ҳисобот";

ярим йиллик ҳисобот бўйича:

1-сон шакл "Бухгалтерия баланси";

2-сон шакл "Молиявий натажалар тўғрисида ҳисобот";

2а-сон шакл "Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома";

4-сон шакл "Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот";

йил чораги ҳисоботи бўйича:

1-сон шакл "Бухгалтерия баланси";

2-сон шакл "Молиявий натажалар тўғрисида ҳисобот";

2а-сон шакл "Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома"

Ўзбекистон Ресиублжжаси Молия вазирлигининг мазкур буйруғита Молия вазирлига ҳузуридаги Бухгалггерия ҳисоби ҳамда ҳисоботи услубияти ва уларни ташкил этиш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган "Корхонанинг чорак ва йиллик молиявяй ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича кўрсатмалар" илова қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йил 26 июнда 79-сон «Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сон буйруғига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги буйруқ» чиқариб, унда корхона ва ташкилотлар юқорида кўрсатиб ўтилган шакллар билан бирга яна 26-сон «Молиявий-иқтиасодий аҳволи лўғрисидаги маълумотнома»ни ҳам тақдим этиши шартлиги қайд этилган. Айнан шу буйруқ-нинг ўзи билан ушбу шаклни тўлдириш тўғрисидаги Йўриқнолга ҳам тасдиқланган¹.

Молиявий ҳисобогнинг асосий ҳужжати бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигиниинг мазкур буйруғига кўра халқаро андозаларга яқинлаштирилди.

"Молиявий аатижалар тўғрисида ҳисобот" (2-сон шакл)да хўжалик фаолияти натижасида олиинган даромадлар ва харажатлар турлари, шунингдек, молиявий натажалар; сотишдан олинган соф тушум; сотишдан олинган ялпи молиявий натижа; фойда солиғи тўлашдан олдинги молиявий натажа (фойда ёки зарар); ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) кўрсатилади.

¹ Солиқлар ва божхопа хабарларн, 1998, 36-сон.

Худди шу шаклга "Бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумотнома" илова қилинган, унда бюджетга барча тўловлар бўйича, бунга солиқ қонунчилигини бузганлик учун иқтисодий санкцияларни ҳам қўшиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлига ва Ўзбекистон ГИУ (гуриқномасша кўра ҳисоб-китоблар бўйича тегишли барча суммалар ва бюджетга ҳақиқатда тўланган суммалар кўрсатилади.

I

"Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот" ^ 3

шакл)да корхона асосий воситаларнинг умуми ва турлари бўйича асосий фондларнинг амалдаги таснифига биноан мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

"Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот" (4-сон шакл)да корхона молжавий ресурслардаги барча ўзгаришлар пул маблағлари ҳаракати нуқтаи назаридан акс эттирилади: хўжалик фаолиятдан олинган пуллар ҳаракати; олинган ҳамда тўланган фойзалар ва дивидендлар; тўланган солиқлар; олинган ва қўйилган инвестициялар; акциялар ва заёмлар, шунингдек ижара мажбуриятлари бўйича тушумлар ва тўловлар.

Кундалик хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлган пул маблағларидаги барча ўзгаришлар шундай тартибда акс эттириладики, у пул маблағлари қолдиги билан уларга эквивалент бўлганлар ўртасида, яъни қисқа муддатли юқори ликвид инвестициялар, эркин айирбошланадиган пул маблағлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

4-сон шаклга "Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома" илова қилиниб, унда давр боши ва охирига бўлган қолдиқлар, валюта маблағлари тушуми ва харажати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

"Ўз сармояси тўғрисида ҳисобот" (5-сон шакл)да маблағлар ҳаракати, яъни маблағларнинг йил бошига ва охирига қолдиқлари, манбалар бўйича ўсиши, ўз маблағларининг ҳар бир тури бўйича қайиши: устав сармоя, қўшилган сармоя, захира сармоя, тақсимланмаган фойда тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Агар зарар бўлса, унда ўз сармояси билан қўрилган зарар суммаси кўрсатилади. Ҳисоботнинг мана шу шаклида чиқарилган акциялар тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилади.

"Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома" (2а-сон шакл)да корхоналар ва ташкилотлар бўйича мамлакат ичидаги ҳамда ташқарисидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари фақат яхлит эмас, балки умумий ва муддати ўтказиб юборилган суммаларни ажратиб алоҳида корхоналар бўйича ҳам кўрсатилади.

«Молиявий-иқтисодий аҳвол тўғрисидаги маълумотнома»да (2б-шаки) ҳисобот даври боши ва охиридаги мазкур кўрсаткичлар келтирилади: мол-мулкдаги давлатнинг улуши; ишловчилар сони; маҳсулотнинг асосий турларига тасдиқланган талаб; ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти; экспорт қилинаётган маҳсулот ҳажми; хом ашё маҳаллий ва

чет эл манбаларининг улуши; муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзи.

Ҳисоботнинг ҳар бир шакли ва ундан фойдаланиш ҳўжалик маблағларини ҳамда уларни қонлатл манбаларини таҳлил қилишда батафсилроқ кўриб чиқилади.

3.2. Бухгалтерия баланси – корхона молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг асосий манбаи

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботиинг асосий шактааридан бири ҳисобланади. У корхона маблағларини гуруҳлаш ва таркибини пул баҳосида акс эттириши ҳамда пул маблағларини, уларни ҳосга этиш манбаларини муайян санага жоағаштириш усулидан иборат бўлади.

"Баланс" атамаси лотинча *bis* - икки шрча, *banx* -тарози иалласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, том маънода икки палла деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида галлатилади.

Бухгалтерия балансининг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги белгалари бўйича таснифланади: тузилиш вақти, ахборот ҳажми, мулкчилик шакли; акс эттириш объекти, тозалаш усули.

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия баланслари кириш, жорий, тугатиш, бўлиш ва бирлаштириш баланслари бўлиши мумкин.

Кириш баланси корхонанинг пайдо бўлиш вақтига тузилади. У корхона ўз фаолиятини бошлаётган бойликлар суммасиини белгилайди.

Жорий баланслар корхона қонунчилик билан белгиланган муддатда мавжуд бўлган вақт мобайнида вақти-вақти билан тузиб турилади.

Тугатиш баланслари корхона тугатилгавда тузилади.

Бўлиш баланслари йирик корхова бир неча майда корхоналарга бўлиниш вақтига ёки шу корхонанинг бир ёки бир неча таркибий бўлинмасини бошқа корхонага бериш вақтига тузилади. Баъзида бу баланс бериш баланси ҳам дейилади.

Бирлаштириш баланси бир неча корхоналар бор корхонага бирлашганда (қўшилганда) тузилади.

Ахборот ҳажми бўйича баланслар бир марталик ва йиша балансларга бўлинади. Бир марталик.баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилади.

Йиғма баланс бир марталик балапслар асосида тузилади ва бирлашмалар (вазирликлар, фирмалар, акциадорлик жамиятлари ва шу кабилар)нинг ҳўжалик маблағларини акс эттиради.

Мулкчилнк шаклларига кўра давлат, кооператив, ўз, аралаш ва қўшма корхоналар, шунингдек, жамоат ташкилотлари баланслари фарқланади.

Акс эттириш объектига кўра баланслар мустақил ва алоҳила балансга ажратилади. *Мустақил балансни* юридик шахс бўлган корхоналар тузади. *Алоҳида балансга* корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, цехлар,

корхонанинг автотранспорт ва турар жой-коммунал хўжаликлари ва шу кабилар) тузади.

Тозалаш усулига кўра баланслар баланс-брутто ва баланс-неттога ажратилади.

Баланс-брутто - тартибга солувчи моддаларни ўз ичига оловчи балансдир. Воситаларнинг ҳақиқий қийматини (таннархи ёки қолдиқ қийматини) аниқлашда суммалар бошқа моддалар суммаларидан чегириладиган моддалар тартибга солувчи моддалар дейилади. Масалан, асосий воситалар қолдиқ қийматини ҳисоб-китоб қилиш учун "Асосий воситалар" суммасидан "Асосий воситаларнинг эскириши" тартибга солувчи модда суммаси чегирилади. Баланс-бруттода тартибга солувчи моддалар суммаси баланс якуни қийматига киритилади.

Баланс-нетто - қийматидан тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилган баланс бўлиб, буни "тозалаш" дейилади. Ўзбекистондаги барча корхоналар баланс-нетто тузади, яъни баланс якунига асосий воситалар, арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг қолдиқ қиймати, қайта сотиладиган товарлар эса таннархи бўйича киритилади.

Бухгалтерия балансига қўйиладиган асосий талаблар унинг тўғрилиги, реаллиги, яхлиғи, изчиллиги ва тушунарлилигидир.

Балансининг тўғрилиги баланс тузишда асосланилган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва сифати билан таъминланади. Агар ҳисобот даврида хўжалик фаолиятининг барча фактлари ўз вақтида ҳужжатга расмийлаштирилган ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, унда баланс корхона ишининг ҳақиқий якуний акс этирмайди. Бухгалтерия балансининг ҳар бир моддаси ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобрақамларидан ёзувлар, бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва ишентарлаш билан тасдиқланган бўлшли керак. Бухгалтерия баланси маълумотларини қасддан бузиш - *тўғрилик* дейилади. Балансини тўғрилик қоида бузишларни дхшириш мақсадида ёки корхона фаолиятининг айрим томонларини берктириб кўрсатиш мақсадида атайин ва балансни тузиш бўйича айрим қоидаларда беҳабарлик оқибатда билмасдан қилинган бўлиши мумкин.

Балансининг реаллиги моддалар баҳосининг объектив воқеликка мувофиқ келишини аниқлатади. Балансининг "тўғрилиги" ва "реаллиги" тушунчаларини бир-бирига аралаштириш керак. Баланс тўғри, аммо нореал бўлиши мумкин, яъни баланс маълумотлари ҳужжатлар асосида тузилган бўлади ва ҳақиқий мавжуд маблағларни кўрсатади, аммо унинг айрим моддалари реал ҳолатни, масалан, асосий воситалар - маънавий эскирганлиги, дебиторлик қарзини талаб қилиб олиб бўлмаслиги ва шу кабиларни кўрсатмайди.

Балансининг бирлиги балансни ягона ҳисобга олиш ва баҳолаш принциплари бўйича тузилишини, яъни корхонанинг барча таркиби бўлинмаларда ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамлари (счёт)нинг ягона номенклатураси, ҳисобрақамларнинг бир хилдаги мазмуни, уларнинг корреспонденцияси ва шу кабилар қўлланилишини аниқлатади.

Ўзбекистонда баланслар бирлигига эриилган, чуки Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги 1997 йил 15 январда тасдиқлаган бухгалтерия баланси шарт *ЯУОЯ* шакли қабул қилинган, ҳисобрақамларининг ягона режаси қўлланилади. Молиявий ҳисоботнинг барча шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубияти ва уларни ташкил этиш бошқармаи ишлаб чиққан "Корхоналар чорак ва йшлик .молиявий ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича кўрсатмалар" асосида тузилади.

Балансининг давомийлиги ҳарбир кейинга баланс олдинги балансдан келиб чиқиши лозимлигида ифодаланади. Масалан, олдинги йил якуний баланси (шл охирига бўлган маълумотлар) ҳисобот йили (йил бошига бўлган маълумотлар) бошланғич баланси бўлиши керак, чунки ҳисобот йили олдинги йилининг давоми ҳисобланади.

Балансининг аниқлиги - унинг балансни тузувчилар ва уни ўқийдиган ҳамда таҳлид қиладиганлар тушуниши учун қулайлигини. Балансни аниқ ва тушунарли қилиш учун моддалар реквизитлари ва номлари.икки тилда (ўзбек ва рус тилида) баён қилинган, унинг шакли анча соддалаштирилган.

Бухгалтерия баланси икки қисми актив ва пассивдан иборат бўлади.

Активда корхона сармоясининг таркиби ва жойлаштирилиши, пассивда - активларни тақсид этиш манбалари, ялпи ўз сармояси ва мажбуриятлар, бошқа корхона ёки жисмоний шахсларнинг вақтинча жалб қилинган маблағлари кўрсатилади.

Шундай қилиб, бухгалтерия баланси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Корхона эгаллик қиладиган воситаларми акс эттирувчи активлар;
2. Корхона тасарруфидаги ўз сармояси;
3. Кейитилик белгилангани бўйича қайтарилиши лозим бўлган активларни сотиб олиш, ҳосил қилиш нагжасида юзага келган мажбуриятлар.

Бухгалтерия балансида корхона акталари икки гуруҳда: узоқ муддатли ва айланма ивларда акс эттирилади.

Узоқ муддатли активларга асосий воситалар, номоддий активлар, сармоя қўйилмалари, сотиб олинган акциялар ва заёмлар киритилади. Корхонанинг ишлаши билан бу воситалар ўз қийматини ўзгартирмайди. Масалан, асосий воситалар қиймати қисқа вақт бўлаги мобайнида миқдоран жиддий ўзгармайди ва у фақат уларнинг ишлаш муддати тугашига кўра копланди.

Жорий активлар, одатда, нақд маблағларни, истеъмолчилар ҳисобрақамларини ва нақд маблағлар шактини эгаллаши лозим бўлган захираларни ўз ичига олади. Жорий хўжалик даври мобайнида бу активлар доимо ўзгариши мумкин. Нақд маблағларга айлантирилиши осон бўлган жорий активлар осон реализация қилинадиган акваларга киритилади.

Корхона баланси активлари ўрганилганда қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

- балансни тузиш кунда корхонада қандай воситалар бўлган (асосий воситачар, товар захиралари, пул маблағлари ва ҳоказолар);
- улар қандай жойлаштирилган (асосий воситаларда, капитал қурилишда, дебиторлик қарзида ва ҳоказоларда);
- уларнинг ҳўжаликдаги асосий роли қандай (айланма, асосий ёки жалб этилган)?

Баланс пассиви маълумотлари асосида қуйидагиларни билиб олиш мумкин:

- маблағлар қайси манбалардан келиб тушганлигини;
- маблағлар кимга тегишли (ўзининг ёки жалб қилинган) эканлигини;
- маблағларнинг белгиланган мақсади қандай эканлигини (узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қўйилмалар).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги "Корхоналар (ташкilotлар) йиллик ва йил чораги молиявий ҳисоботларининг шактлари ҳамда ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида"ги 5-сон буйруғига мувофиқ 1997 йил 1 январдан бошлаб йиллик ва йил чораги ҳисоботиинг янги шакллари жорий этилади.

Баланс активи ва пассивида барча баланс моддалари иккита бўлимга гуруҳланган (1.1-жадвал).

Баланс активида маблағлар қуршдаги бўлимлар бўйича тақсимланган:

1.1-жадвал

Бухгалтерия баланси чизмаси, минг сўм

Актив				Пассив				
Баланс бўлим ва моддалари номи	Сатр рақами	Йил бошига	Йил охирига	Баланс бўлим ва моддалари номи	Сатр рақами	Йил бошига	Йил охирига	
1. Узоқ муддатли активлар				1. Ўз маблағлари манбалари				
Асосий воситалар	010-012	9065	9739	Устав, қўшилган ва захира сармоя	320-340	18226	17696	
Номоддий активлар	020-022	-	-	Тақсимланмагаи фойда	350	1362	3459	
СарМ.оя қўйилмалари	030	3923	3175	Мақсадли тушумлар ва фондлар, бўлажак харажатлар захиралари	360-380	294	548	
Сотиб олинган акциялар ва заёмлар, узоқ муддатли инвестициялар	040-100	39	37					
1-бўлим бўйича якун	110	13027	12Э71	1-бўлим бўйпча якун	390	19882	21703	
2. Айланма активлар				2. Мажбуриятлар				
Захиралар ва сарфлар	120-160	11520	12631	Узрк. муддатли қарзлар ва кредитлар	400-410	95		
Пул маблағлари	170-190	351	304	Қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар	420-430		97	
Қисқа муддатли қўйилмалар ва қайта сотиб олинган ўз акциялари -	200-210			Кредиторлар	440-530	7170	7737	
Дебиторлар	220-280	2249	3631					

2-бўлим бўйича якун	300	14120	16566	2-бўлим бўйича якун	540	7265	7834
Актив бўйича қаммаси	310	21147	29537	Пассив бўйича қаммаси	550	27147	29537

2. Пул маблағлари - кассадага, валюта маблағлари, қисқа муддатли қўйишлар, қайта сотиб олиган ўз акци-ялари;

3. Дебиторлар - харидорлар ва буюртмачилар би-лан ҳисоб-китоблар, бўнак тўловлари, ходимлар би-лан ҳисоб-китоблар, шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар, уюшган корхоналар билан ҳисоб-китоблар, таъсисчилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисоб-кито-блар.

Баланс пассиви ҳам икки бўлимдан иборат бўлади:

1. Ўз маблағлари манбалари;

2. Мажбуриятлар.

Баланс пассивининг биринчи бўлимида ўз маблағлари акс эттирилиб, улар қуйидаги моддалар бўйича гуруҳланган:

- устав сармояси;
- қўшилган сармоя;
- захира сармоя;
- тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар);
- мақсадли тушумлар ва фондлар;
- бўлажак даражатлар ва тўловлар захиралари;
- бўлажак даврлар даромадлари.

Охирги иккита модда олдинги йиллар балансида қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида 3-бўлимда кўрсатиларди. Аслида эса бу маблағлар ўз маблағларига киритилиши керак.

Баланс пассивиттг иккинчи бўлимида юридик ва жисмоний шахслардан олинган, вақти келганда қайтарилиши лозим бўлган барча маблағлар кўрсагилган.

Бу мажбуриятлар узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарзлар ва олинган кредитлар, шунингдек, турли кредиторлик қарзлари бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансида муайян санага (йил боши ва охирига) бўлган хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари акс эттирилган. Баланснинг айрим моддаларини расшифровка қилиш учун молиявий ҳисоботда бухгалтерия баланси билан бирга ўзаро боғланган ҳамда бир-бирини тўлдирадиган бир қатор ҳисобот шакллари - назарда тутилади.

3.3. Бухгалтерия баланси моддалари билан молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Айгиб ўтилганидек, бухгалтерия балансида корхона маблағлари ва уларнинг манбалари муайян санага (чорак ва йил боши ҳамда охирига) кўрсатилади. Бу актив маълумотлари пассив маълумотлари билан бевосита боғлиқлини ва ўзаро тенг бўлиши кераклигини англатади.

Бухгалтерия баланси моддаларининг умумий ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқамиз:

1. Баланс активининг барча бўлизу-шари суммаси уюшг пассиви барча бўлимлари суммасига тенг:

$$1\text{БА} + 2\text{БА} = 1\text{БП} + 2\text{БП}.$$

Корхоналар маблағининг бир хил суммасй икки кўриншида: таркибига ва жойлашувига кўра, шунингдек юзага келиш манбалари бўйича кўрсатилади.

Таркибига кўра - корхона маблағларини ташкил этган қисмлар, яъни асосий воситалар, товар захиралари, пул маблағлари ва шуларнинг жамулжамини англатади.

Маблағларнинг жойлашувига кўра - маблағларининг қаерда асосий воситалар, айланма воситалар, касса, ҳисоб-китоб счётида ва ш.к.да жойлашганлигини кўрсатади.

Маблағларнинг ҳар бир суммаси (асосий воситалар, товар захиралари, нақд пуллар) ўз юзага келадиган манбаларига (мазкур корхона муассисларининг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахслардан (банклардан) олинган қарзлар) эга.

2. Ўз маблағлари суммаси, одатда, узоқ муддатли активлар суммасидан ортиқ бўлиши керак.

$$1\text{БП} > 1\text{БА}.$$

Корхонанинг ўз маблағларидан асосий воситалар сотиб олиш ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар жойлаш мақсадида, қолган қисмидан эса - айланма маблағларни (шплаб чиқаршп захиралари, сарф-харажатлар, пул маблағлари ва ш.к.) қоплаш учун фойдаланилади. Ўз маблағларининг узоқ муддатли активлардан кам эканлиги корхона айланмадан ташқари акгавлартш қоплаш учун қарз олиган маблағ суммасидан фойдаланилганидан далолат беради.

Бозор иқгисодиёти шароитида бу ғайритабиий ҳолат деб қаралиб, одатда, корхона тўловга қодир эмас деб топилади.

3. Айланма активларнинг умумий суммаси, яъни товар захиралари, сарф-харажатлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобларга қўшилган маблағи мажбуриятларнинг умумий суммасидан ортиқ бўлиши лозим: $2\text{БА} > 2\text{БП}$. Айланма воситаларнинг катта қисми, одатда, қарз олинган маблағлар эмас, балки ўз маблағлари ҳисобига қопланиши шарт.

Агар мажбуриятлар суммаси (2БП) айланма активлар суммасидан ортса, бу айланма шблағларнинг барча суммаси қарз олиган маблағлар ҳисобша шакллаиғанлигани кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай корхона тўловга қодир эмас ва иқгисодий жиҳатдан ночор деб ҳисобланади.

4. Узоқ муддатли мажбуриятлар узоқ муддатли активлардан ортмаслиги керак:

$$\text{УММ} < 1\text{БА}$$

Буни узоқ муддатли акгивларнинг биринчи навбатда ўз маблағлари ҳисобига шаклланиши билан изоҳлаш мумкин. Узоқ муддатли кредит ва қарзлардан асосий воситалар, капитал ва узоқ муддатли қўйилмаларни инвестициялаш учун фойдаланилади. Улар шунингдек айланма активларда

(товар захираларини харид қилиш, пул маблағларшш яратиш ва ш.к.) ишлатилади.

5. Ўз айланма маблағлари ўз маблағ манбаларидан кичик бўлиши шарт, чунки ўз айланма маблағлар корхона ўз маблағининг бир қисмидир.

6. Айланма активлар айланмадаги ўз маблағлари ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар, шунингдек айланма воситаларни тўлдиришга йўлланган узоқ муддатли кредит ва қарзлар йиғиндисига тенг бўлиши шарт. Бу ҳол айланма активлар (айланма маблағлар) корхонашшг ўз маблағларидан, айланма воситага йўлланган қисқа муддатли қарзлардан иборат эканлиги билан изоҳланади.

Моддаларнинг ушбу боғлиқлиги ҳам бухгалтерия баланси яқунлари суммасиртинг ўзгаришларини белгилайди.

Амалиётда бухгалтерия батанси моддалари ўзгаришининг тўрт турини кузатиш мумкин.

1. Фақат баланс активи моддалари яқуншшнг ўзгариши. Масалан, ҳисоб-китоб счётидан кассага пул олиган, бунда кассадаги пул кўпавди ва ҳисоб-китоб счётидаги пул миқдори озади, бироқ ўзгаришлар ўзаро тенг бўлгани сабабли баланс активи яқули ўзгармайди.

2. Баланс пасиви моддалари суммасининг ўзгариши. Даромад муайин қисмининг бирон-бир фоизга кўшиб юборилиши мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин: фовдаланшшай қолган даромад ҳажми камаяди, бироқ бунинг ҳисобига тегишши фонд ортади.

3. Баланс актив ва иассив моддалари суммаларининг тенг равишда ўсиб бориш томонига ўзгариши. Масалан, етказиб берувчидаи материаллар келиб тушди. Бунинг натижасида 10-счётишг актив моддаси кўпаяди ва етказиб берувчилардан қарзи (пассив моддаси) худди апа шу суммага Бсўпаяди, яъни баланснинг ҳар иккала - актив ва пасив қисмлари тенг равишда ўсади. Баланс актив ва пасив яқунларининг мувозанати бузилмайди.

4. Баланс актив ва пасив моддалари суммасининг тенг равишда камайиб бориш томонига ўзгариши. Масалан, етказиб берувчига ҳисоб-китоб счётидан материат учун ҳақ тўланади. Бушгаг натижасида 51-счётининг актив моддаси камаяди ва етказиб берувчилардан қарздорлик (пассив моддаси) бир хил суммага камаяди, яъни баланснинг ҳар иккала қисми тенг равишда камаяди. Баланс актив ва пасив яқунларининг мувозанати бузилмайди.

Айтиб ўтилганидек, бухгалтерия балансида корхона маблағлари ва уларнинг манбалари муайян санага (чорак ва йил боши ҳамда охирига) кўрсатилади. Бу актив маълумотлари пасив маълумотлари билан бевосита боғлиқлигини ва ўзаро тенг бўлиш кераклигини англатади.

Буни биз пгартли тарзда "Маданият" деб номлагаи очик турдаги акциядорлик жамияти (ОТАЖ) молиявий ҳисоботи мисолида кўриб чиқамиз (1.2-жадвал). Тижорат сири мавжудлигини ҳисобга олиб, молиявий ҳисоботга бир қатор ўзгаришлар киритдик. Корхонанинг шу вақпа бўлган реал ҳолатини кўрсатиш учун биз ҳўжалик маблағлари таркибида дебиторлик

пескартирилган бу	гал	2. 01	а. д	Х (0 к/п	п боше	5 0	Гги	Х	»« о о Х	21
т	ш 5 У ё		О						•3	г а а о
	г е ю				13211				:-	13211
	о а ; О			Г о					3	4356
О ахипа сапмая	1 X 1 5 (0 2 1			о о		6015			3459	474
	I % ■ (1 5 с ; > 3 > 1	т		П ' 0 0 0 3		1362			Г ^	21703
	о			Г ^		294			474	
елгуси лавлап ларомалпз				о		10882			21703	
т	а 0 ч Е а 1 п			о						
зок муллалтпн карзлорлар				о		1 Л	■		Г ^	
иска муллалтпн кредиторлар	с ; ^: г а Ц а х с ; У Э ! ? 2 I		1)	■ 3- ■ ^	1241				1723	
дан										
зепиторлар	с : > и э г а				2244				2511	
ю	юлжет буйича карздорлик		ш		3342				2685	
ехнатга хак тулаш буйича зредорлик					124				160	
чсгимой суғурта ва таъмин уйича карздорлик	0		г Г		со				о со	
ошка кредиторлар			0 3		141				593	
бўлим буйича ақчи	5 П		Ч 1 0	О п	7265				7834	
г	2 -		и ш		27147				29537	

"Мад	аният"	о	Х	Х	Х	а. 2	7 йил	Х
	Актив	а . га 1 I X I						
	о > о > 5 о о ^							
	X 1	X киймат бўйич				V 2 ^	14104	15247
аскирилиш	1 о	I) ^				т -	5039	5508
Иқтисодий кў	о	Йилмалар				п 2 ,	9066	9739
	2 X m 1 1	1 а : I	5 -			о	3175	111
	5 e < : ^ >	2 X m 1 1				о	13027	12971
	1 1	2 X m 1 1				о	8025	966
	1 1	2 X m 1 1	3 а			о	909	966
Кайта соғ	т а (5 ц С	г а о 2 1	а			! Л	1611	4089
Кассадаги	ш	з : о %				г а с»	ю с м	151
Дебиторла	3- О 1 X О а о к	ш о. ш тм				о	309	140
	■	ш о. ш тм	о о (5 п ; ю ■ ч			с м ? * ■	1224	2133
	а (ч с ; о	ш о. ш тм	о о (5 п ; ю ■ ч			о	ю	■ - ^ -
О	■ • О	ш о. ш тм	о о (5 п ; ю ■ ч			о	974	1465
Г2-бўлим б		ш о. ш тм	о о (5 п ; ю ■ ч			о	14129	16566
		ш о. ш тм	о о (5 п ; ю ■ ч			о	27147	29537

Баланс якуни 1997 йил бошига 27147,0 минг сўм, йил охирига эса 29537,0 минг сўмни ташкил қилади. Шундай қилиб, мазкур ОТАЖ ҳисобот йили охирига 29537,0 минг сўм миққорида хўжалик воситаларига эга бўлган. Бу во-ситалар қуйидаги йўсинда тақсимланган: узоқ муддатли активларда,

яъни асосий воситалар, тугалланмаган капигал қурилиш ва узоқ муддатли инвестишмларда улар 12971,0 минг сўмни, айланма воситаларда, яъни ишлаб чиқариш захиралари, сарфлар, пул маблашари ва дебиторларда -16568,0 минг сўм. Бу воситалар 21703,0 минг сўм микдоридаги ўз маблағлари ва 7834,0 минг сўм микдоридаги узоқ муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятлар ҳисобига қопланади.

Ўз маблашари қуйидагича тақсимланган: узоқ муддатли активларда - 12971,0, айланма маблағларда - 8732,0 минг сўм ($21703-12971=8732,0$ минг сўм). Айланма маблағларнинг қолган суммаси жалб қилинган маблағлар, яъни 7834,0 минг сўм ($16566-8732=7834,0$) ҳисобига қопланади. Шундай қилиб, муомаладаги ўз маблағлари улупги 52,7%ни ташкил қилади:

$$\frac{8732 \times 100}{16566} = 52,7$$

Бундан ташқари, бухгалтерия баланси моддалари бухгалтерия ҳисоботи алоҳида шакллари маълумотлари билан бевосита боғланган. Масалан, 2-сон шакл "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот"да корхона бир йилда олган фойда ҳисоб-китоби берилади. Фойданинг барча 5 тури ҳисоб-китоби келтирилади, шу шакл маълумотномасида бюджетга барча тўловлар акс эттирилади. Бухгалтерия балансидаги баланс пассиви 1-бўлими "ўз маблағлари манбалари"да тақсимланмаган фойда суммаси кўрсатилади.

Активнинг 2-бўлимида дебиторлик қарзлари бўйича сумма келтирилади. Йил охирига ОТАЖ дебиторлик қарзлари 3644,0 минг сўмни ташкил қилиб, бир йилда 1396 минг сўмга ошган.

Баланс пассивининг 2-бўлими "Мажбуриятлар"да кредиторлик қарзлари кўрсатилган, у ҳам бир йилда 85,0 минг сўмга ортиб, 6014,0 минг сўмни ташкил қилган.

Корхона молиявий ҳолатша салбий таъсир қилувчи энг долзарб масялалардан бири - муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлигидир. Уларни назорат қилиш учун молиявий ҳисоботда махсус "Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома" мавжуд бўлиб, унда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг пайдо бўлиши расшифровка қилинади, у қайси корхоналар бўйича юзага келганлиги, шунингдек муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммаси камчилиги кўрсатилади.

Бизнинг мисолимизда бутун суммада тўлаш муддати ўтган дебиторлик қарзи 2383,0 минг сўмни ёки жами қарзларнинг 65,4% ини, кредиторлик қарзи эса 4033,0 минг сўм ёки 67,1% ини ташкил этди. Бундай аҳвол бир маромлияикни бузади. Жуда катта маблатларни ишлатиш тўхтатиб қўйилган ва улардан хўжалик фаолиятида фойдаланиб бўлмайди.

Баланс активнинг бўлимида асосий воситалар тўғрисидаги маълумотлар (уларнинг боишангич қиймати, эскириши ва қолдиқ қийшга) мавжуд. 3-шакл "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот"да асосий воситалар турлари, уларнинг ҳаракати ва дастлабки қиймати бўйича йил боши ва охиридаги қолдиқлари, уларнинг эскириши ва қолдиқ, қиймати

тўғрисидага маълумотлар кўрсатилган. Мазкур кўрсаткичлар асосий воситалардан фойдаланиш ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилиш учун зода муҳимдир.

4-шакл "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот"да пул маблағлари ҳаракатининг барча турлари тўғрисидага маълумотлар - хўжалик фаолияти, дивидендтар, солиққа тортиш, инвестициялар ва бошқалар - кўрсатилади. Ушбу шаклга "Валюта маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотнома", яъни вашота маблағларнинг келиб тушиши ва сарфи тўғрисидага маълумоти илова қилинади.

4-шакл бухгалтерия баланси билан боғланган. Бухгалтерия балансида 170, 180 ва 190-сатрларда пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади, мазкур қоадиқлар 4-шаклдаги 070 ва 080-сатрларда кўрсатилган пул маблағлари қолдиқларига тенгдир. "Валюта маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотнома"да (090 ва 120-сатрлар) бухгалтерия балансида 180-сатрда кўрсатилган валюта маблағлари қолдиқлари акс эттирилади.

5-шакл "Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот"да устав сармояси, қўшилган сармоя, захира сармоя, тақсимланмаган фойда ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Баланс пасивининг бўлган "Ўз маблағлари манбачари"да улар боши ва охирига кўрсатилган. Ушбу шакл асосида ўз сармоясининг ҳосил бўлиши ва ҳаракати, шуингдек тузилиши таҳлил қилинади. Шундай қилиб, корхонанинг молиявий ҳолати таҳлил қилинганда молия ҳисоботининг барча шаклларида фойдаланиш зарур:

3.4. Бухгалтерия балансини таҳлил қилишга тайёрлаш ва балансининг аниқлигини текшириш. Қисқартирилган балансни тузиш

Бухгалтерия балансини таҳлил қилишга тайёрлаш уни тузишнинг тўғрилигини ва айрим моддаларининг аниқлигини текширишни, баланс кўрсаткичлари билан ҳисоботининг бошқа шакллари ўртасидаги боғланишни аниқлашни, унинг айрим кўрсаткичларини тартибга солувчи суммалардан "тозалашни" ва йирикроқ пул ўлчамидаги суммаларни (миллион сўмларда) яхлитлашни назарда тутати.

Баланс тузилишининг тўғрилигини текширишда арифметик ва моддий текширувлар амалга оширилиши керак бўлади.

Арифметик текширув баланс ва айланма қайднома (ведомост)лар, Бош дафтардаги суммаларни солиштириш, баланс гуруҳлари ва бўлимлари бўйича суммаларни, актив ва пасив якунлари тенглигини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади.

Моддий текширув моддий бойликлар, пул маблағлари ҳақиқий қолдиқини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Товар-моддий бокликларнинг барча қолдиғи уларни натура шаклида ҳақиқий мавжудлигига мувофиқ келиши керак. Асосий воситалар, товар-моддий боршиқлар, пул маблағлари қолдиқини ҳисобот маълумотларини йўқлама (инвентаризация) далолатномалари билан таққослаб текширган маъқул.

Балансинг аниқ (реал)лиги баланс моддаларини тўғри баҳолашга боғлиқ бўлади. Балансда хўжалик маблағларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлига томонидан ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сон қарори бшган тасдиқланган Бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

Бу Низомга кўра балансда кўрсатилган барча моддий бойликлар тўғри баҳоланган бўлиш керак, чунки нотўғри баҳолаш хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижасини бузиб юборади. Нотўғри баҳолаш қўшиб ёзиш, яшириш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар оқибатида юзага келади.

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг боғланиши балансда ва бошқа ҳисобот жадвалларида акс этириладиган айрим кўрсаткичлар билан қиёслаш орқали аниқланади. Масалан, мисол тариқасида кўриб чиқиладиган бухгалтерия балансида (1.2-жадвалга қаранг), актив бўлими "Узоқ муддатли активлар"да асосий воситалар йил бошига ва ҳозирга дастлабки қийматида, уларнинг эскириши қолдиқ қиймат бўйича ҳам кўрсатилган, 3-сон ҳисобот жадвали "Асосий воситапар ҳаракати тўғрисида ҳисобот"да асосий воситалар турлари бўйича йил бошжа ва охирига расшифровка қилинади, уларнинг йилдаги ўзгариши, шунингдек, эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати берилади.

Бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг йил бошига ва охирига қолдиқлари тўғрисидага маълумотлар (010, 011, 012 сатрлар) 3-сон шакл маълумотлари (3, 6, 7, 10, 11, 12-катак (графа)нинг 130-сатри)га мувофиқ келиши керак. Бухгалтерия балансининг маълумотлари бошқа шакллар билан ҳам худди шу йўсинда таққосланади.

Молиявий аҳвол таҳлилини ўтказиш учун фойдаланиш қулай бўлишини назарда тутиб, дастлаб бухгалтерия баланси тайёрланиши керак. Тайёргарлик балансни тозалаш, рақамларни яхлитлаш ва бўлимларни гуруҳлашдан бошланади.

Ўзбекистон халқаро андоза (стандарт)ларга ўтишидан олдин ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимида бухгалтерия баланси тартибга солувчи (регулировка қилувчи) моддалар (асосий воситалар эскириши, арзон ва тез эскирадиган буюмлар эскириши, савдо устамалари) билан тузилган. Бундай балансинг номи баланс-брупо бўлан Бухгалтерия балансида рақамлар аниқ бўлиши учун балансни тозалаш, яъни тартибга солувчи моддалар читариб ташланиши ва бир қатор модаларни гуруҳлаш амалга оширилиши керак. Бундай бухгалтерия баланси баланс-нетго, яъни тозаланган баланс деб юритилади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга кўра баланс нетго баҳолашда тузилади. Баланс якуни корхона тасарруфида бор бўлган маблағлар суммасининг чамаланган баҳосини билдиради.

Бироқ таҳдил қулай бўлиши учун балансни мавжуд регуляторлардан тозалаб, айрим таркиби бир турли баланс моддалари элементларини бирлашгиршл йўли билан тўлдирилган таҳлилий (аналитик) баланс тузилиши керак.

Тартибга солувчи моддаларга асосий воситалар эскириши, номоддий активлар эскирши, арзон ва тез эскирадиган буюмлар эскириши, ишлатилган фойда суммаси, товарларга савдо устамаси киритилиши керак.

Тўлдирилган тахдийий балансни тузишда ҳисобот йилида суммалар акс эттирилмаган моддалар чиқарилиши, шунингдек турли бўлимлар моддалари, масалан "Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар" моддаси дебиторлар (кредиторлар) ва бошқалар билан ҳисоб-китобларни акс эттирувчи моддалар билан бирлаштирилиши керак.

Намуна тариқасида "Маданият" ОТАЖ тўлдирилган балансини тузганмиз, унинг молиявий ҳолати шу баланс асосида таҳлил қилинган (1.2-жадвалга қаранг).

4-боб. Пул муомаласи асослари

1.1. Пулнинг асосий хусусиятлари ва пул назарияси.

Пул — бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун эквивалент вазифасини бажаради. Пул умумий товарларни айир бошлашда асосий вазифани бажаради. Қадимда пул вазифасини турли хил товарлар бажарган, масалан, чорва моллари, мол терилари, болта ва хоказо. Кейинчалик пул вазифасини қимматбаҳо металллар бажарган, чунки улар ўзини сифатини йўқотмайди ва пул ўрнини босишда жуда қўл келган. Пул оддий маҳсулот бўлиб қолмай, у ижтимоий қадриятга эга, яъни ҳамма товарларни ҳарид этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Пул товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг узоқ вақт ривожланиши натижасида вужудга келган. Биринчи йирик меҳнат тақсимооти товар хўжалигининг ривожланиши туфайли маҳсулот қийматининг ифодаси бўлмиш пулни келтириб чиқарган. Пулнинг бошқа товарлардан фарқи шундаки, у бошқа товарларнинг қийматини аниқ белгилаб беради.

Пулнинг негизида оддий маҳсулотдаги каби аниқ ва абстракт меҳнат ётади. Абстракт меҳнат маҳсулотни пулга айирбошлашда намоён бўлади. Бундан келиб чиқадики, пул ҳамма товарлардан фаркланиб ҳамма боп абстракт меҳнат вазифасини бажаради. Иқтисодиётда пул назарияси қўйидаги иккита саволга жавоб топишга ҳаракат қилади:

- 1) пулнинг келиб чиқиши ва унинг маъноси;
- 2) пулнинг нархи ва унинг сотиб олиш қобилияти.

Биринчи саволга жавоб таъриқасида пул назариясида иккита йўналиш мавжуд —бу металл ва номинал пул назариялардир.

Биринчи бўлиб Ғарбий Европада пулнинг металл назарияси яратилди. Ушбу назариянинг асосчилари Т. Мен, Д. Норе ва бошқалар металл пулларнинг муомаласи барқарор бўлишига ҳамда пулларни бузмасликка курашдилар. Ушбу олимларнинг илмий қарашларича мамлакатнинг бойлиги пулнинг қўпайиши билан белгиланиши керак ҳамда металл пуллар фақат олтин ва кумушдан яратилиши лозим., Бундан келиб чиқадики, металлистлар назариясига кўра: пулнинг моҳияти ижтимоий зарурий меҳнатнинг ривожланиши билан белгиланмасдан олтин ва кумушнинг табиий хусусиятлари билан белгиланади, яъни қанчалик ушбу металллар сифатли бўлса пулнинг қадри шунча юқори бўлади.

4.2. Пулнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини у томондан бажарадиган вазифалари белгилаб беради. Пулнинг функциялари қўйидагилар:

1. Қиймат ўлчови
2. Муомала воситаси
3. Жамғариш воситаси
4. Тўлов воситаси
5. Жахон пуллари пул — қиймат ўлчови.

Пул умумий эквивалент сифатидаги товар экан, ўзида ижтимоий

меҳнатни мужассамлаштиради ва шу сабабли товарлар қийматини улчай олади. Товарнинг қанча туришини пул билан белгилаб уни шунча туради деб айтамыз. Ҳар бир маҳсулотни пулдаги ифодаси иш маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги кетган сарф —ҳаражат, меҳнат орқали белгилаб олинади. Маҳсулотлар пулга айирбошланишидан олдин ҳисоб — китоблар қилинади ва бунда ўз қийматига эга бўлган пул асосий ролни ўйнайди. Назарий жиҳатдан олганда товар қийматини пулдаги ифодаси нархдир. Ҳар бир маҳсулот ўзининг қийматига эга ва маҳсулотлар ўзларининг ишлаб чиқишларига кетган сарф — ҳаражатларига қараб нархлари белгиланади ва буни нарх масштаби деса ҳам бўлади.

Нарх масштаби — бу ҳамма маҳсулотларни мамлакат пул бирлигининг олтин таркиби орқали улчанишдир. Нарх масштаби тушунчасини нарх даражаси билан алмаштирмаслик керак. Нарх даражасида олтин ҳам бир маҳсулот, лекин бошқа маҳсулот нарҳини олтин даражасида белгилаш мумкин.

Нарх масштабининг ўлчов бирлиги сифатида эса олтиннинг маълум миқдори катнашади ва ушбу бирликлар билан олтиннинг товар нарҳини англатувчи олтиннинг хоҳлаган миқдори улчанади. Бундан ташқари, нарх масштаби давлат ва қонунчилик тартибида ўрнатилаётган вақтда пулнинг нарх шарти стихияли тарзда амал қилади. Баҳонинг пул кўриниши сифатида талаб па таклифга тенглаштирилган товарнинг нарҳи:

- товар нарҳи
- пул қийматига боғлиқ,

пул баҳоси қанча кам бўлса, товар нарҳи ҳам шунча кам бўлади. Товар қийматининг ўзгармаслигида пул қиймати қанча паст бўлса, уларга шунча баҳо юқори бўлади. Шунга кўра товарлар нарҳи ушбу товарнинг ўз қийматига тўғри пропорционал ва пул қийматига тесқари пропорционал ўзгаради.

пул муомала воситаси сифатида. Товарнинг пуллик олди —

соттиси товар ишлаб чиқарувчига бошқа товарлар сотиб олиш имконини беради. Товарнинг муомала жараёни қўйидаги формулада акс эттирилган: $T \rightarrow P \rightarrow T$, бу ерда: $(T \rightarrow P)$ савдоси $(P \rightarrow T)$ ҳариди учун амалга оширилади. Ушбу товар алмашиш жараёнида пуллар воситачи ролини ўйнайди ва муомала воситаси вазифасини бажаради.

Пул билан олиб борилган, товар муомаласи товарни товарга айирбошлашга нисбатан фойдалироқ, қачонки у:

- икки товар эгасини бир —бирига мослигини;
- сотиш ва олиш актлари вақтипинг тўғри келишини,
- жойлардаги олди — сотди актларининг тўғри келишини талаб қилмайди.

Бевосита товар айирбошлаш чегарасини бартараф этиб, пуллар товар айирбошлашни ривожлантиришда муомала воситаси сифатида ёрдам беради.

Пул пайдо бўлиши билан айирбошлаш жараёнидаги зиддиятлар бартараф этилмайди, аксинча кўпаяди.

Товар муомаласи 2 метаморфозога бўлинади, бунда ўзаро савдо ва ҳаридда узилишлар руй бериши мумкин;

$T \rightarrow P$ ва $P \rightarrow T$. Товар эгаси ўз товарини сотиб бегона товарни ҳарид қилмаслиги мумкин — бунда бошқа товар эгасининг товари сотилмай қолади, бу эса товар эгасига учинчи шахс билан савдо қилишига тўсқинлик қилади ва ҳ.к.

Инқирознинг бошланғич эҳтимоли — савдо ва ҳарид орасидаги ўзилиш имкони муомала воситаси сифатидаги пулнинг вазифаси билан боғлиқ.

Муомала воситаси сифатидаги пул вазифаси идеал эмас, пул вазифасини тўла қийматга эга бўлган реал пуллар бажаради. Олди — сотди жараёнида ўзгариш бир зумлик воситачи ролини бажарётган тўла қимматга эга бўлган пуллар нарх белгиси билан алмаштирилиши мумкин. Пул муомаласи ривожланиши билан металл пуллар қаторида

коғоз пуллар ҳам кенг таркала бошланди.

Пуллар жамғарма воситаси сифатида.

Пул умум ижтимоий бойликни англатади — агар, (Т —П) савдоси кейинги

(П —Т) хариди билан кузатилмаса, уларни жамғаришга ҳаракат қилиш имкони тушунилади.

Шунга кўра, пултовар ишлаб чиқарувчилар кулида бўлиб, вақтинчалик муомаладан чикса, улар хазина ва жамғармаларни ташкил қилиш вазифасини бажаради.

Хазина (жамғарма воситаси) функциясини бажариш учун пуллар, бир вақтнинг ўзида ҳам реал, ҳам тўла қимматга эга бўлиши лозим.

Пулларни жамғариш —товар ишлаб чиқаришни тўхтовсиз бевосита ривожлантиришнинг асосий шартидир.

Ишлаб чиқаришни кенгайтиришда товар ишлаб чиқарувчи хом — ашё, жихозлар, ёқилғи сотиб олиш учун ўз фойдасининг маълум қисмини пул шаклида жамғариш керак. Пулни жамғаришда зарур товарларни харид қилиш учун жисмоний шахслар ҳам ҳисса қўшадилар.

Металл пуллар муомалада бўлган вақтда, улар хазинанитаркиб топтириш воситаси сифатида пуллик муомаланинг стихиялик ишлатиш ролини ажратгиллар. Металл пулларга талаб қисқарганда уларнинг маълум қисми хазинада сақланган, талаб ошганда эса аксинча, хазинадан муомалага чиқарилган. Муомалага киритилган майдаланмайдиган кредит пуллар бу вазифани бажара олмадилар, хазинага эса беқарор сиёсий ва иқтисодий шароитда зарур бўлган ўзига ҳос суғурта фонди сифатида қараладиган бўлди.

Тақдим этилган баҳога эга бўлган кредит пуллар вақтинча бўш турган пул шаклидаги даромад ва жамғармалар мобилизацияси ва йиғиш ҳамда жамғариш. уларни ссуда капиталига айлантириш вазифасини бажаради.

Пуллар тўлов воситаси сифатида. Товар эгаси бозорга кириб

борганда, мавсумий характерга эга бўлган турли товарларни ишлаб чиқаришнинг бир хилдл давом этмаслиги туфайли доимий харидорларда нақд пул бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун товарлар олди —соттиси кредитга, яъни пул тўловларини ўзайтириш заруратини келтириб чиқаради. Бу ҳолатда муомала воситаси сифатида пулнинг ўзи эмас, уларда акс этган мажбуриятлар хизмат қилади.

Ушбу қарздорлик мажбуриятларни бартараф этиш мақсадида пулдан тўлов воситаси вазифасини бажариши учун фойдаланилади.

Кредитга товар олди— соттиси қўйидаги метаморфоз кўринишда таклиф этилиши мумкин;

М-Т.. Т-П

П — М бу ерда М — қарздорлик мажбуриятлари.

Айирбошлаш жараёнида тўлов воситаси вазифасини бажараётган пуллар тугалловчи қатор ва ҳақиқий баҳони мустақил кўрсатувчи сифатида катнашади.

Тўлов воситаси сифатидаги пуллар нафақат кредитга олинган товарлар тўловни амалга оширади, балки пуллик ссуда, ижарага олинган ер тўлови ва солиқларни тўлаш ва х.к.ларни назорат қилишда ишлатилади.

Қарздорлик мажбуриятлари муддатиинг тугаш вақти келганда ижарачи тўловни амалга ошира олмаслиги мумкин, кайсики кўпгина товар эгалари товарни бир—бирларига кредитга берадилар, улардан бирининг тўлов қобилиятига эга эмаслиги бошқаларни ҳам шунга ундаши муқаррар. Шундай қилиб, тўлов воситаси сифатидаги пулларни тартибга солишда ўзида иккинчи инқирозни акс эттирувчи қарздорлнк мажбуриятларни бажариш запжирида ўзилиш хаифи тугилиши мумкии.

Жахон пуллари. Халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатларни ривожлантириш (ташқи савдо ва халқаро кредит муносабатлар ва х.қ.) жахон бозорида пулларни тартибга солишга сабаб бўлади.

Жахон пуллари кўйидаги вазифаларни бажариш мумкин:

—халқаро тўлов воситаси. Халқаро кредитдан кенг фойдаланиш, мамлакат ташқи тўловлари хажми четдан келадиган тўловлар хажмини ошириш вазиятини келтириб чиқаради. Бунда фойдаланилаётган олтин тўлов воситаси сифатида иштирок этади;

—халқаро ҳаридорлик воситаси—масалан, фавқулодда вазиятда (ҳосил ёмон бўлганда ва ҳ.з.), қачонки алоҳида товарлар импортига зарурат тугилганда улар тўлови олтин ррдамида амалга оширилади;

— умумижтимоий бойликни намоён этганда, бир мамлакатдан, бошқасига бойлик ўтказиш воситаси ҳисобланади. (ҳарбий контрибуция тўловларида, ташқи займлар ва кредитлар тақдим этилганда ва ҳ.з.)

Товар айирбошлаш даражасини ривожлантиришда тўла қимматли пуллар баҳо белгисига айланади.

Пуллар гўёки тўла қимматли пулга (олтин ва кумушдан) ва унинг ўрнини босувчига бўлиниши мумкин (қоғозли, кредит).

Ривожланган пуллик тизимини ташкил қилиш ва тезлиги ривожланадиган ижтимоий алоқалар шароитида асоси металдан бўлган товарлар ва муомала воситасидаги пуллик чиқимлар содир бўлади: қоғоз ва кредит пулларни олтинга айирбошлаш тўхтатилади.

Олтин билан халқаро ҳисоб—китоблар чегараланиши тенденцияси натижасида жахон пуллари функциясидаги ўзгаришлар енгиб утилди. Жахоннинг етакчи мамлакатлари валюталари (биринчи навбатда АКШ доллари) халқаро тўловлар, ҳаридор ва захира воситалари сифатида намоён бўла бошлади.

Пул ўрнини босадиган кўринишдаги — СДР, ЕВРО ва бошқа. Жахан пулларининг янги функционал шакли кашф этилди. Ҳозирги вазиятда захирадаги валюта ва бошқа халқаро ҳисоб—китоблар воситаларини олишда, олтин запаслар тугалланадиган (осон амалга ошириладиган) активлар фонди ролини утаяпти. Хазинанинг бирор нарса кўринишидаги шакли, металл пуллар билан айирбошланган.

4.3. Металл базис чиқитлари — пул эволюциясиинг бир томонидир. Иккинчи томони — умум эквивалентини олтин ёрдамида ўсишидан саклаш тенденцияси. Замонавий товар ишлаб чиқаришда айрим вазиятларда пулнинг ўрнини муваффақиятли босган қимматбаҳо металллар ушбу металлларни ўрнини босувчи металлларни ишлатиш мумкин бўлганда, суғурта фонди сифатида хазинани -гуплаш вазифасини бажариб пул ўрнини босишда давом этмокда.

Қимматбаҳо металл реал муомаладаги пул воситасига бу орқали эса хоҳлаган товарга айирбошлаш қобилиятига эга. Бу олтин хазинасига "кора кунга" маъносини англатади, мутлоқ маъноси эса хусусий, шунингдек давлат даражасида ҳам кўради.

Пулнинг номиналистик назарияси XVII асрда Англияда яратилди. Унинг асосчилари епископ Дж. Беркли (1683—1753 йил) ва иқтисодчи Д. Стюарт (1712—1780) ҳисобланадн. "Номинал" сўзининг маъноси вақт ўтиши билан емирилган, вазни енгил тангалар поминал қийматда муомалада бўлишлигидир.

Номинал пул назариясининг асосида қўйидаги омиллар ётади.

— Пулни давлат яратади:

— Пулнинг қиймати унинг номинали билан аниқланади. Номинализм асосчиларнинг асосий хатоси шу эдики, уларнинг фикрича пулнинг қиймати давлат томонидан аниқланади. Демак, бу ерда пулнинг товарлилик табиаўси ҳамда меҳнат назарияси рад этилган. Пулнинг умумий қиймат эквиваленти сифатида объектив равишда пайдо бўлиши моҳияти тушунилмасдан, номиналистлар унинг қиймати данлатнинг субъектив хохиш иродасига боғлиқ деб ҳисобладилар. Бу ерда пулнинг қиймат ўлчовини ва баҳолар масштабим аралаштириб юбордилар.,

Пулнинг номиналистик назариясига кўра пуллар фақат ҳисоботда кўлланадиган ҳисоб бирлигидир. Пул мамлакатда товарлар айирбошлаш чогида кўлланилади ва улар ҳукумат қудратининг натижасидир.

Ушбу пул назарияси тарафдорларининг фикрича, товарларнинг қиймати товарлар ишлаб чиқаришда сарфланган иш вақти билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб айрим иқтисодчилар товар қийматини унинг ишлаб чиқаришда сарфланган иш вақти билан аниқлаш керак деган ғояни олдинга сурганлар. Бу назария олимларининг фикрича, товар ишлаб чиқарувчилар банкка ўзлари ишлаб чиққан товарини топшириб ўрнига тегишли "ишчи пуллар" олиб уларга бошқа маҳсулотларни харид қилишлари мумкин деб ўйлаганлар.

4.4. Мамлакатнинг Марказий Банкларининг эмиссион фаолияти натижасида пуллар яратилади. Пулни яратиш жарарни икки боскичдан иборат.

Ушбу жараённинг биринчи боскичида Марказий банк ўз активларини кенгайтириш орқали мамлакатдаги пул ҳажмини оширади. Бунинг учун Марказий банк ҳукуматга тижорат банкларга, хорижий мамлакатларга айрим корхоналарга тўғридан тўғри кредит беради. Бундан ташқари пул ҳажмини ошириш мамлакатнинг олтин — валюта захираларини оширилиш орқали эришилади. Демак мамлакатда пул базасини ошириш учун Марказий банкнинг ўз активларини кўпайтириш кифоя.

Шундай қилиб, пул базаси ўз ичига муомаладаги нақд пуллар, ҳамда марказий банкда сақланадиган тижорат банкларнинг мажбурий ва номажбурий захираларини олади. Тижорат банкларнинг Марказий банкда сақланадиган мажбурий захираларини ҳажми тегишли қонун асосида белгиланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий захиралари миқдорини 20% деб ўрнатган.

Бу мажбурий захиралардан ташқари тижорат банклар номажбурий дки ўз хохиши бўйича захиралар ташкил этишлари мумкин. Бундай захиралар Марказий Банкнинг корреспондент ҳисоб варақларида мажбурий захиралардан ортиқ қисми сифатида сақланади.

Пул яратишнинг иккинчи боскичида тижорат банклари Марказий банкдан олган кредитларини ўз мижозларини кредитлаш учун ишлатадилар. Мижозлар деб корхоналар, муассасалар ва аҳоли тушунилади. Мижоз бу озод шахс.

Пул массасининг пул базасига нисбати пул мультипликатори деб айтилади.

Пул массаси

Пул мультипликатори

Пул базаси

Бундан ташқари пул назариясида яна битта кўрсаткич — кредит мультипликатори ҳам қўлланилади.

Кредит мультипликатори тижорат банклар томонидан ўз мижозларига берилган кредитлар хажмини Марказий банкдан тижорат банкларига берилган кредит хажмига нисбатан орқали ҳисобланади.

Демак мамлакатда мавжуд бўлган муомаладаги пул хажми фақат марказий банкнинг кредит эмиссиясига ўзвий боғлиқдир. Марказий банкнинг қайси бир активи кўпаймасин бундан каътий назар мамлакатдаги пул хажмига таъсир кўрсатади ва нақд пул хажмининг ошишига олиб келади. Ўз навбатида нақд пул хажмини ошиши мамлакатда инфляция даражасини оширишга олиб келади.

Тижорат банклар томонидан ўз мижозларига берадиган кредитлар иқтисодиётда янги пулни яратишга яъни нақд пул хажмини кўпайишига олиб келмайди. Лекин тижорат банкларида ўз мажбурий захиралари орқали мамлакатдаги муомалада мавжуд бўлган нақд пул хажмини ўзгаришга таъсир эта олади. Марказий банкда сақланадиган тижорат банкларнинг мажбурий захиралари даромад келтирмайди. Бундай захиралар тижорат банкларнинг ўз мижозларига кредит бериш қобилиятини чегаралайди. Агарда мамлакатда нақд пул хажми камайса, бу ҳолда тижорат банклар ўз мажбурий захираларини

Қисқартириш орқали мамлакатдаги нақд пул хажмига таъсир

курсатади. Захиралар камайтирилиб нақд пул ҳамда нақдсиз пул шаклида муомалада иштирок этади ва иктисодиётда тўлов воситаси бўлиб ишлатилади.

Пул муомаласи — бу тўлов ва муомала воситаси вазифасини бажарувчи муомала доирасида пулларнинг силжишидир.

Муомала воситаси вазифасини бажаришда зарур бўлган пул миқдорини белгиловчи омилларга: — бозорда сотилган товарлар миқдори;

— товарлар нархи даражаси;

— мавжуд кредитлар, мавжуд булмаган тўловлар;

— пул муомаласининг тезлиги.

Пул муомаласи қонуни формуласи қуйидагидан иборат:

$PQ - K + A \sim V$

$M = \frac{PQ - K + A}{V}$

V

Бу ерда: M — муомала учун зарур бўлган пул миқдори; PQ — товар ва хизматларни амалга оширишда нархлар суммаси.

K — кредитга сотилган товарлар нархининг суммаси;

L — бошланкич тўловлар;

— узаро бартараф этиладиган мажбуриятлар;

V — бир хил бўлган пул бирлиги айланмаси тезлиги.

Бунга кура, муомала учун зарур бўлган пул миқдори, кредитга сотилган товарлар нархи суммасига сотилган товарлар суммасига турри пропорционал равиияда узгаради, шунингдек узаро бартараф этилувчи мажбуриятларни киритмаган ҳолда келиб тушган пуллар улчови пул муомаласи тезлигига тескари пропорционал булади.

Пул муомаласининг умумий қонунини рад этиш, гула қимматга эга булмаган пулларни эмас, балки нарх белгисини назораг қилишга сабаб булади. Натижада, пулларни чиқариш, қонун билан белгиланган пул муомаласи, талабни ошириб, ўзи билан товар нархи умумий даражасини

албатта оширади.

Таъкидлаш жоизки, муомаладаги пул миқдори билан товарлар нархи эмас, аксинча товар нархига боғлиқ тарзда муомаладаги пул миқдори аниқланади. Товарлар нархи, улар баҳосининг пулдаги кўриниши ҳисобланиб, муомалагача жойланади, муомалага эса сотув қилинган товар нархи суммаси учун зарур пул миқдори келиб тушади. Товарлар нархи пулнинг ўз баҳоси ва товар баҳоси билан ўртача белгиланади. Бундан, муомаладаги пул миқдори пул қиммати билан боғлиқликда бўлиши келиб чиқади.

Кўриб чиқилган пул муомаласи қонуни, барча кўринишдаги пулларга тегишлидир. Шу билан бирга, муомаладаги металл, қоғоз ва кредит пуллар қонуни ҳам мавжуд. Метал пуллар муомаласининг ўзига ҳослигига, доимий зарур даражада қўлланиладиган пул миқдори киради, яъни муомаладаги пуллар етмаслиги ёки ортмаслиги мумкин эмас. Қоғоз пул муомаласи шартида, қоидага кўра олтин билан муомала қилишга эҳтиёж сезмасдан, пулнинг катта миқдори чиқарилади. Ортикча қоғоз пул чиқариш уларни қадрсизланишни келтириб чиқаради.

4.5. Пул массасини ўлчов кўрсаткичлари бўлиб пул агрегатлари ҳисобланади. Айрим даврда (масалан, бир йилда) пулнинг ўзгаришини таҳлил қилиш учун пул агрегатлари ишлатилади.

Пул агрегатлари моддий маблағларни ликвидлигига асосланган бўлади. Моддий маблағларни ликвидлилиги деб уларнинг тезда ва йўқотмаслик асосида (без особўх потерь) пулга алмашиши тушунилади. Қанчалик қисқа муддат ичида моддий маблағ пулга алмаштирилса, шунчалик унинг ликвидлилиги юқори бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, нақд пулларни ликвидлилиги нолга тенг, чункиқу-лар абсолют ликвидликка эгадир.

Муомаладаги нақд пуллар хажми МО пул агрегатини ташкил этади. Нақд пуллар деганимизда, қоғоз пуллар ҳамда металл пулларни

тушуниш лози.м. Металл пуллар, тангалар мамлакатда муомаладаги пулларни кам қисмини ташкил этади (ривожланган мамлакатларда 3 — 4 фоизни ташкил этади).

Шуни айтиш лозимки МО пул агрегати бу пул базасидан узоқроқдир. Пул базасининг таркибида Марказий банкда сақланаётган тижорат банкларининг мажбурий захиралари ҳисобга олинади. МО — пул агрегатида эса шундай захиралар ҳисобга олинмайди.

Агарда МО пул агрегатига бирма —бир паст ликвидли маблағлар кушилса бунда M1, M2, M3, M4 пул агрегатлари яратилади.

Ҳар бир мамлакатдаги пул агрегатлари сони ҳамда уларнинг таркиби мамлакатдаги кредит тизими ва унинг молия бозорини ривожланиши билан белгиланади.

Ривожланган мамлакатларда қўйидаги пул агрегатлари қўлланилади:

11= мамлакатдаги муомаладаги бўлган нақд пулнинг хажми;

11=11+ банкларнинг жорий ҳисоб рақамларидаги пуллар хажми;

12=11+тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма ҳисоб рақамларидаги пуллар;

13=[12+ кредит берадиган банклардан ташқари муассасаларидаги жамғарилган пуллар;

14=13+ депозит сертификатлар, банклар ва бошқа кредит берадиган муассасаларнинг акциялари ҳамда бошқа қарз мажбуриятлар.

Юқорда келтирилган M1, M2, M3 ва M4 пул агрегатларининг йигиндиси мамлакатдаги пул массасини ифодалайди. Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, микроиқтисодий таҳлил ҳамда статистикада пул массасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб M2 пул агрегати ишлатилади, Ҳар бир мамлакат ўз талабидан келиб чиқи-ё- -йамлакатдаги пул массасини белгилайди. Нақд пулнинг хажми мамлакатда олиб бориладиган савдо — сотиққа катта таъсир кўрсатади. қанчалик нақд пул кам бўлса шунчалик мамлакатда айирбошлаш жараёни шунча паст

бўлади ва бунинг аксидан иборатдир.

Таянч иборалар:

Пул, номиналистик назария, металллик назария, пул агрегатлари, тўлов воситаси, муомала воситаси, пул мультипликатори, кредит мультипликатори, пул хажми.

Назорат саволлари:

1. Пул нима?
2. Пул функциялари ва уларга тавсиф
3. Пул мультипликатори қандай ҳисобланади?
4. Пул массаси ва унинг тузилиши
5. Пул тизимлари, турлари ва уларнинг элементлари
6. Пулнинг номинал назарияси нима?
7. Жамғарма нима?
8. Бартер нима?.

5-боб. Пул бозорларини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органлари

5.1. Молия вазирлиги

Молияни бошқариш давлатнинг умумий молиявий сиёсатини амалга ошириш, молиявий режалаштириш, молиявий манба (ресурс)ларни мувофиқлашгариш, молиядан иқтисодий ва ижтимоий сиёсат манфаатлари

йўлида фойдаланиш, молиявий қонунларни шшиб чиқши билан боғлиқ фаолиятларни ўз ичига олади.

Бизнинг мамлакатимизда молияни бошқариш Молия вазирлиги зиммасига юклатилган. У марказий молия органи сифатида республиканинг ягона молиявий сиёсатини олиб боради ва мамлакатда молияни ташкил этишга умумий раҳбарлик қилади.

Молия вазирлигининг асосий вазифаси - ҳукумат бюджетини тайёрлаш ва инфляциясиз молиялашдан иборатдир.

Мазкур вазифалар қуйидаги босқичлар орқали ҳал қилинади:

- мамлакат бюджетини тайёрлаш;
- бюджетнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан тасдиқланиши;
- бюджет ижросини молиялаш;
- харажатларни назорат қилиш.

Асосий юзифани ҳал қилишни кенгроқ маънода оладиган бўлсак, молия тизими, солиқ, монополияга қарши ва нарх-наво сиёсатининг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, ишлаб чиқариш самарадорлиги, миллий даромаднинг ўсиши, корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг ва бошқа молиявий ресурсларнинг ўсишсини таъминлашга, молия-кредит дастакларининг хўжалик механизмидаги бошқа унсур (элемент)лар билан алоқасини мустаҳкамлашга фаол таъсир кўрсатишини назарда тутлади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вазифалари қуйидагиларда намоён бўлади:

- молия тизимининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини жадаллаштиришга фаол таъсир кўрсатиш;
- молиявий ресурсларнинг барча турлари ўсишини, уларнинг ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришнинг устувор йўналишларида жамланганини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, жамланган халқ хўжалик дастурлари ва матакатнинг мудофаа қудратини молиялаш, зарур давлат захираларини яратиш;
- мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналарнинг молия интизомига риоя қилишини, уларнинг давлат олдидаги молиявий мажбуриятларни бажаришларни назорат қилишни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисобланади:

- қимматли қозғалар бозорининг шаклланиши, қийметли қозғалар эмиссияси ва ҳаракатини назорат қилиш, молия бозорини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш; акциядорлик жамиятлари ва масъулия чекланган жамиятларнинг ягона реестрда юритилиш, корхоналар қимматли қозғаларни рўйхатдан ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий сармоядор (инвестор)ларнинг инвестиция фаолиятини молия ва солиқ жиҳатидан тартибга солиш, республика иқтисодиётига чет эл сармояси

(капитали)нинг кириб келиши учун қулай молиявий шароитлар яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлаштириш дастурларни молиялаш учун республика ҳукумати томонидан чет эл кредитлари шижалбқилиш зарур бўлганида ҳужжатларни тайёрлашда ва экспертизани амалга оширишда қатнашиш, ҳукумат олган чет эл кредитларининг келишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш. Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзини ўз вақтида узиш ва унга хизмат кўрсатиш устидан назоратни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатларига безараз ёрдам кўрсатиш, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш билан боғлиқ бўлган операцияларини молиялаш ва ҳисобга олиш; Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг элчихоналари, консулхоналари, ваколатхоналари ва бошқа дипломатия муассасаларини маблағ билан таъинлаб туриш;

- халқаро бирлашмаар ва ташкилотларни, чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналарни, шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

- молия, бюджет, валюта ва солиқни режашилаштириш ҳамда молиялаш усулларини такожллаштириш;

- солиққа тортиш, монополияга қарши сиёсат, нарх белгилаш, сугурта, валюта-молия ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаларида қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

- молия, солиқ, монополияга қарши сиёсат, нарх белгилаш, сугурта, валюта ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаларида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш.

Молия вазирлиги ўз ишини бошқа марказий иқтисодий органлар: Ўзбекистон Республикаси Давлат қўлболастати билан бирга - мамлакатнинг йиғма молия балансини тузиш ишида; Ўзбекистон Республикасининг Монополияга қарши ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси билан биргаликда - улгуржи, чакана ва харид нархларини ишлаб чиқишда, шунингдек мамлакатнинг монополияга қарши сиёсатида; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда - пул муомаласини мустақамлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, республика аҳолисининг пул даромадлари ва харажатларини бараварлаштиришда яқиндан алоқа боғлаб олиб боради.

Молия вазирлигига қўйилган масамларни ҳал қилиш учун кенг ҳуқуқлар берилган: мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналардан бюджет лойиҳасини тузиш ва уни ижро этиш учун зарур материалларни олиш; маблағларнинг қонунсиз сарфлангани аниқланганда бюджетдан молиялашни чеклаш ва тўхтатиб қўйиш; тегишли органлар кўриб чиқиши учун банк билан биргаликда бюджет ва банк олдидagi ўз вазифаларини узоқ вақтдан бери бажармай келаётган корхоналарни туга-тиш ҳамда қайта ташки этиш ҳақида таклифлар киритиш; давлат бюджетини ижро этиш жараёнида жуда муҳим бўлган айрим халқ ҳўжалик, ижтимоий ёки экология

муаммоларини ҳал қилиш учун молия вазири тасарруфида бўладиган захирани ташкил этиш; корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш.

Молия вазирлигини Олий Мажлис томонидан тайинланадиган таъин бошқаради. Вазир ҳузурида маслаҳат органи -вазирлик ҳайъати ташкил этилади, унинг таркибига юзир ўринбосарлари ҳамда ҳайъат аъзолари - вазирлик етакчи бўлинмаларининг раҳбарлари киради.

5.2. Марказий банк

Марказий банк иқтисодийни бошқариш ва банк тизими-мини назорат қилишда жуда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли ушшг фаолияти Уставга нисбатан ҳам юксак кучга эга махсус қонун билан тартибга солинадиган, бу ҳол бутун дунёда қабул қилинган умумий амалиётдир. У алоҳида мақом берилган му-ассаса сифатда бутун банк тизимини назорат қиладиган дав-лат органидир. У оддий тижорат фаолияти доирасидан анча кенг қамровли бўлган вазифалар ҳаёда жавобгарликка эга.

Марказий банк пул-кредит сиёсатини саҳмарали амалга ошириш учун унинг бир йилга мўлжалланган асосий йўналишларини ишлаб чиқади. Бу йўналишлар Олий Мажлис томонидан тасдиқлангандан кейин ҳаракат дастури сифатида қўбулқилинади.

Марказий банкнинг юзифалари, табиийки, ҳолат хилма-хил бўлиб, бу ҳол қонунда акс этгарилган. Халқаро амалиёт нуқтаи назаридан қараганда мазкур ташкилотнинг вазифалари ғайриоддий эмас. У ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга ваколатли бўлиши билан бирга унга маълум ҳаракатларни амалга ошириши тақққланган.

"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида: "Марказий банкнинг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборат" деб ёзиб қўйилган.

"Валюта барқарорлиги" атамаси пул массаси, нарх-наво ва миллий валюта алмашув курсининг барқарор бўлиши тушунчасини ўз ичига олади. Бу эса Марказий банкнинг иқтисодийни бошқаришдаги ролини акс эттиради. Албатта, пул массасига, нархларга, алмашув курсларига таъсир қўрсатадиган омиллар кўп бўлиб, шулардан айримлари Марказий банкнинг бевосита назорати ва таъсиридадир.

Марказий банкнинг асосий вазифалари қуйидагитрдан иборат:

- монетар сиёсат ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ҳамда амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминаш;

- банк фаолиятини тартибга солиш ва банклар устидан назорат ўрнатиш;

- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захираларини, шунингдек ҳукумат захираларини келишувга кўра сақлаш ва бошқариш;

- Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини таъминлаш.

Марказий банкка тижорат мақсадларида инвестициялаш билан шуғулланишга рухсат берилмайди, бу иш унинг вазифаларини бажарипши тўғридан-тўғри енгиллаштирадиган ҳоллар бундан мустасно.

Айрим банк ёки ташкилотга, ҳатто у ҳукумат муассасаси бўлса ҳам, молиявий ёрдам кўрсатишга йўл қўйилмайди. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банк тазимнинг бошқа унсурлари учун кредитдор эмас, балки у тартибга солиш сиёсатини белгилаб беради. У ўз ваколатларидан айрим ташкилотларни бошқалардан ажратиб махсус қўллаб-қувватлаш учун эмас, балки барча юридик шахсларга нисбатан бирдай фойдаланиш шарт.

Қонунда Марказий банк мақоми молиявий жиҳатдан миллий бюджетдан мустақил бўлган юридик субъект ва давлат органи деб белгиланган. Мустақиллик унга ўз фаолиятини амалга ошириш ҳамда миллий иқтисодиёт масалаларни ҳал қилиш учун пул сиёсатида зарур ташаббус кўрсатиш имконини беради.

Марказий банк юридик шахс сифатида бирон-бир давлат органи ёки ташкилоти томонидан бошқага олиб бера олмайдиган кўчмас мулк ва молиявий активларни ўз ичига қамраган мулкка эга. Бу ҳам унинг мустақиллигини кучайтиради ва пул сиёсатини самарали олиб бориш имкониятини таъминлайди.

Марказий баша бошқарушнинг юқори органи Бошқарув бўлиб, у монетар сиёсатни ҳамда ўз зиммасига юклатилган юзифаларни амалга оширишида бошқа давлат органларининг бевосита ёки билвосита аралашувидан ҳри. Бошқарувга Раис бошчилиқ қилади, у айна вақтда Марказий банк Раиси ҳам бўлиб, ижро этувчи орган (директор) вазифасини бажаради.

Марказий банк мустақиллигининг қафолати жуда муҳим бўлиб, у Ўзбекистон Ресубликаси Олий Мажлисига ҳисоб беради ва ўз ваколатлари доирасида қарорларни мустақил қабул қилади.

"Марказий банк мустақиллиги" деганда нима тушунади ?

- биринчидан, Марказий банк ҳукумат иқтисодий сиёсатининг умумий доирасида иш олиб бориши керак. У ҳукумат сиёсатидан фарқ қиладиган ўз мустақил сиёсатини амалга ошириши мумкин эмаслигига ҳеч қандай шубҳа йўқ;

- иккинчидан, Марказий банк ўзининг пул-кредит сиёсатини тезкор (оператив) амалга оширишида мустақил бўлиши керак. Бу сиёсат ҳукумат иқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаши ва иқтисодиётда барқарорликни таъминлаши шарт. Бу фоиз ставкалари, ликвидликнинг банк нисбатлари ҳамда алмашув курсларидаги техник ўзгаришларни Марказий банк тизимнинг барқарорлигини таъминлаш талаби даражаси асосида мустақил белгилаши лозим деган маънони билдиради.

Ана шу нуқтаи назардан у иқтисодиётни бошқаришга масъул бошқа органлар билан ҳамкорликда муҳим қарорлар қабул қилади. Марказий банк ҳукумат билан муносабатларга киришади ҳамда жаҳон амалиётига мувофиқ

унинг банкини, фискал (хазина) агенги (вакили) ҳамда ўз ваколатларига кирувчи ҳамма муаммолар юзасидан маслаҳатчиси вазифаларини бажаради, шунингдек иқтисодий ҳамда молия масалалари юзасидан давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олган маълумотни ҳукуматга такдим этади.

Марказий банкка мазкур ваколатларнинг берилиши икки босқичли банк тизимининг унумли иш юритишни таъминлаш имконини беради. Қуйида саналадиган вазифаларни самарали бажариши учун Марказий банк минтақавий му-ассасаларнинг кенг тармоғи ва марказий аппаратга эга.

Марказий банк лизифалари

Эмиссия - энг қадимга ва энг муҳим вазифалардан биридир. Банкнот эмиссияси ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда, чунки нақд пул хали ҳам чакана савдодаги тўловлар ва зарур қарз мажбуриятларини узул-кесил тўлашга ҳам маблағга эга бўлиш лозим бўлган кредит тизими ликвидлигини таъминлаш учун зарур, керак.

Тижоратбанклари касса захираларини жамлаш ва сақлаш вазифаси тижорат банкларининг захира ҳисобварақларида уларнинг омонатлари миқдорига муайян нисбатда захиралар сақлаб қолган иборат.

Расмий олтин-валюта захираларини сақлаш вазифаси халқаро ҳисоб-китобларда захира активи ва кафолат-суғурта фонди ролини бажаришдан иборат.

Тижорат банкларши кредитлаш вазифаси тарихан марказий банклар қоғоз пул эмиссиясини яқка ҳокимлиги билан боғлиқ. Кредит муассасалари депозитларини тўплаш, кредит операцияларини кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳукумат учун кредитлар берш ва ҳисоб-китоб операцияларини бажариш вазифаси шундан иборатки, Марказий банк ҳукумат муассасалари ташкилотларининг, хазинанинг ҳисобварақларини юритади, ушбу ҳисобварақларда маблағларни тўплайди ва улардан пул беради; давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга оширади, давлатга бевосита қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар ёки давлат облигацияларини сотиб олиб учун кредит беради; ҳукумат органлари топшириғига мувофиқ олтин ҳамда чет эл валютаси билан бўладиган операцияларни бажаради.

Ҳисоб-китобларни ва пул ўтказиш операцияларини амалга ошириш вазифаси ўзаро талаблар ва мажбуриятларни суришишга асосланган нақдинасиз ҳисоб-китоблашдан иборатдир.

Иқтисодий пул-кредит жнҳашдан тартибга солиш вазифаси ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмини, иш билан бандликни ю нархлар даражасини барқарорлаштириш мақсадида пул таклиф қилишни ўзгартиришдан иборатдир. Пул-кредит сиёсати ишлаб чиқариш пасайганида унинг ўсишини рағбатлантириш учун пул таклиф қилишни кўпайтиради, инфляция даврида эса, аксинча пул таклиф қилишни чеклайди.

Марказий банкининг назорат қилиш вазифаси тижорат банклари ишида муаммолар вужудга келиш эҳтимолини аниқлашдан иборат. Банкларни

назорат қилиш лицензиялаш, иқтисодий меъёр (норматив)ларни назорат қилиш, тижорат банклар фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш шаклида амалга оширилади.

1.3. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш маркази

Қимматли қоғозлар бозори операцияларни амалга ошириш жараёнини аниқ ташкил этишни ҳамда ушшг барча иштирокчилари фаолиятида тегишли тартиб бўлишни талаб қилади, у билимсизлик (юзакичилик) ва ўзбошимчаликка йўл қўймайди.

Бунинг учун бозорга қуйидагилар хосдир

- талаб билан таклифнинг юқори даражада мураисаблиги ва кескин ўзгариши;
- малакали, (профессионал) ва малакасиз (нопрофессионал) иштирокчиларнинг кўплиги;
- улар тузадиган хилма-хил боптимларнинг жуда катта ҳажмда бўлиши;
- қимматли қоғозларга доир ахборотни анчагина қисмини махфий сақланиши.

Буларнинг барчаси, шушгдек бир қатор бошқа омиллар сармоядорлар кенг доираси манфаатларини камситадиган, уларнинг бозорга ишончини камайтирадиган, оқибатда унинг самарадорлигининг тушиб кетишига сабаб бўладиган йирик суистеъмолликларга қарши кураш олиб боришнинг муҳимлигини белгилаб беради. Россия аҳолисининг "МММ" га ўхшаш ўнлаб акциядорлар жамиятлари билан муносабатишшг нохуш тажрибаси буни яна бир марта кўрсатиб турибди. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги салбий ҳодисаларнинг одини олишучун у қатъий тартибга солиб турилиши ва бозор иштирокчиларининг фаолияти устидан ваколатли давлат органлари назорат ўрнатишлари керак.

Иқтисослашган назорат тузилмаларига бўлган эҳтиёж фонд бозорини бошқариш усуллариининг ўзига хослиги билан ҳам боғлиқдир. Бу усуллар кенг кўламли ахборотни ошкор қилиш устидан назорат ўрнаташ, кўп миқдорда лицензиялар ва махсус рухсатомалар бериш, қимматли қоғозлар туркумларини ҳамда бозор иштирокчиларини рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва шу қабилардан иборатдир.

Мазкур вазифаларни бажаришучун республикада мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмигаси ҳузурида Қимматли қоғозлар бозорининг ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ташкил этилган.

Марказнинг энг муҳим вазифалардан бири республикада амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозлар бозорини, шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг давлат стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда иштирок этишдан иборат. Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва тартибга солиш ҳамда унинг иштирокчилари фаолиятини бошқариш масалаларига доир давлат сиёсатининг аниқ йўналишлари қонун ҳужжатлари

ва меъёрий ҳужжатларда қайд этилади, буларни ишлаб чиқишда Марказ жуда фаол қатнашади.

Марказ фаолиятининг объектив зарур йўналиши фонд бозорини тартибга солиш чора-тадбирларини швлаб чиқиш ва амалга оширишда яққол кўзга ташланади. Бундай тартибга солиш учун Марказ:

- қимматли қоюзларни, рўйхатга олади ва уларни фонд бозорига киришига рухсат беради (шу жутадан чет эллик эмитентлардан ҳам);

- инвестиция муассасаларининг (брокерлик идоралари, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари, маслаҳатчилар ва бошқаларнинг) фаолиятини лицензиялайди;

- қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиларига малака таяабларини белгилайди, уларни аттестациядан ўткази, лицензиялар ва гувоҳномалар беради;

- қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳамда биржа фаолиятини ташкил этишнинг низомларини, ички қоидаларини, фонд биржаларининг уставларини (фонд бўлиш ҳақидаги қоидаларни) мувофиқлаштиради;

- қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш, улар бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот беришга бир хиллаштирилган андозалар ҳамда қоидаларни жорий этади ва ҳоказо.

Марказ ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа бу қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни тўлиқ тақдим этиш устидан назорат қилшидир. Унинг асосий мақсади - фонд бозори профессионал иштирокчиларини сармоядорларни қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари ҳақидаги тўлиқ ҳамда ишончли ахборот билан таъминлаб, жамоатчилик фикрини дастак қилиш имкониятидан маҳрум этиш учун шароит яратишдан иборат.

Кўпгина акция эгалари акциядорларнинг умумий йиғилишларида шахсан қатнашиш ва овоз беришда бевосита иштирок этиш имконига эга эмас. Акциядорлик жамияти ошкор қиладиган маълумотларнинг ҳажми ва сифати устидан марказ олиб борадиган назорат ишончномалар тизими бўйича овоз берувчи акциядорларнинг ҳуқуқларини таъминлашга, уларнинг тўғри қарор қабул қилишига ёрдам бериши шарт.

Марказ инвестиция воситачилари, компаниялари ва маслаҳатчилари фаолиятини ҳам назорат қилиб боради. У мижозларни алдаш, уларнинг маблағларини самарасиз бошқариш ва улар ҳисобидан қонунсиз бойиб кетиш имкониятини мумкин қадар камайтирадиган шароит яратишга ҳаракат қилади.

Марказ бажарадиган вазифалар кўп. Улардан фонд бозорининг қарор топиш босқичида айниқса зарур бўлган битгаси устидагина тўхталиб ўтамиз. Бу вазифа - вазирликлар, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари, йирик бозор муассасаларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Бу вазифаларни бажариш учун амалдаги қонун ҳужжатлари Марказга жуда катта ҳуқуқлар беради. Хусусан у:

- барча эмитентлар ҳамда қимматли қозғозлар бозори иштирокчиларига ахборот бериш ва эълон қилиш қоидаларини белгилаш;

- ўзининг қитиштли қозғозларини ошқора сотиш учун тақдим этадиган эмитентдан, қимматли қозғозлар бозорининг ишини малакаси таъминлайдиган ҳар қандай шахсдан, шунингдек фонд биржапаридан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилиши ва эълон қилиниши мажбурий бўлган қоидалар, уставлар, регламентлар, йўриқномалар, меъёрий ҳужжатлар нусхасини тақдим этишни талаб қилиш;

- қимматли қозғозлар ва улар билан амалга оширилган операциялар тўғрисида эълон қилинган ахборотнинг ишончлилигини аниқлаш мақсадида, шунингдек қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоллиги ҳақида маълумотлар тушиғида эмитентлар ҳамда қитиштли қозғозлар бозори иштирокчиларининг бухгалтерия ҳужжатларини текширишга;

- сармоядорлар, шунингдек қимматли қозғозлар бозори иштирокчиларининг қимматли қозғозлар чиқариш, уларнинг муомаласи, улар юзасидан операциялар ўтказишга доир қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилаётганлиги ҳақидаги шикоят-ларини кўриб чиқиш, қимматли қозғозларга доир қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини текширишга;

- фонд биржасари биржа кенгашларининг, бошқа биржалар фонд бўлиmlарининг мажлисларида ҳозир бўлиш, биржа фаолиятини назорат қилиш учун давлат нозир (инспектор)ларини тайинлашга;

- қимматли қозғозлар бозори иштирокчилари профессионал уюшмаларининг фаолиятини ҳамда улар аъзоларнинг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун уужжасиарига биноан мувофиқлаштириб туришга;

- ваколатлар доирасида қимматли қозғозларга доир қонун ва меъёрий ҳужжатларни бузувчиларга нисбатан қўидаги жазо чораларини кўришга;

- қимматли қозғозлар эмиссияси проспектини белгиланган тартибда тасдиқлатмасдан туриб, қимматли қозғозларни ошқора сотишни тақлифэтиш бўйичаўтказилаётган реклама кампаниясини тўхтатишни эмитентлардан талабқилиш;

- эмитентлар амалдаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда уларнинг қимматли қозғозлари эмиссиясини ва муомосини тўхтатиб қўиш ёки чеклаш;

- қимматли қозғозлар бозорининг малакали иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг қимматли қозғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қайта ёки қўпол суръатда бузган тақдирда инвестиция муассасалари ва қитиштли қозғозлар бозори иштирокчилари сифатида қимматли қозғозлар билан фаолият кўрсатиши учун берилган лицензияни тўхтатиб қўиш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- қимматли қозғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш зрлларига доир материалирни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига топширишга ҳақли.

Ушбу ва бошқа ваколатларни қўляш фонд бозоришшг нормал ишлашини таъминлаш, сармоадорлар манфаатларини ҳимоялаш ва қимматли қоғозлар билан юз берадиган суиистеъмолликларни камайшириш имконини беради.

5.2. Пул-кредит тартибга солиш макроккисодий барқарорлик

Бозор иқтисодиётида пул муомаласини тартибга солиш миллий хўжаликга шг ўз вазифасини самарали бажаришини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. Пул-кредит сиёсати давлат молиявий тартибга солишишшг ғоят муҳим усуллардан бири бўлиб, у пировардида жалшятда макроиккисодий барқарорликка эришшпга қаратилгандир. Ўз навбатвда, макроиккисодий барқарорлик анча кенг қамровли тушунча бўлиб, одатда ўзини макроиккисодий кўрсаткичларда намоён қилади. Нархлар умумий даражаси ошишининг паст суръатлари, халқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолишшг иш билан тўлиқ бандлигани таъминлаб туриш, тўлов баланси ижобий ҳолати ҳамда миллий валюта барқарор, қадри юқори бўлиши кабилар энг муҳим макроиккисодий кўрсаткичлар саналади. Бир-бирига боғлиқ иқтисодий кўрсаткичларнинг бу гуруҳини **макроиккисодий тартибга солишнинг сеҳрли квадрат деб атайдилар.**

Бу йўналишларнинг ҳаммаси бўйича Ўзбекистонда маълум даражада ютуқларга эришилган. 1995 йилнинг чорагида инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 13,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилнинг чорагада 3,4 фоиз бўлди, яъни бир йил ичида 4 барабар камайди. 1994-1995 йилларда республикада қатъий молиявий сиёсатни амалга ошириш натижасвда макроиккисодий барқарорлашгаришасослари яратилди, ишлаб чиқаришнинг кўпгина асосий йўналишлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда катта ўсишга эришилди. Ўзбекистон халқ хўжаликда ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви бир қадар ўсиши меҳнатга лаёқатли аҳолининг янада кўпроқ иш билан банд бўлиши учун шарт-шароит яратади. Мамлакатимиз ташқи савдо оборотининг ижобий сальдоси, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши тўлов баланси ҳолатининг қониқарли бўлишини таъминлашга имкон бермоқда.

Умуман олганда, давлат иқтисодий сиёсати турли йўналишларининг бир бири билан қўшилиб, ўзига хос тенг таъсирли кучни ҳрсил қилиши қўйилган мақсадларга эришишга замин яратмоқда.

5.3. Пул муомаласили тартибга солишнинг моҳияти

Банк тизимининг тараққий этиши ва ишончли суръатда барқарор ўз вазифасини бажаришининг асоси иқтисодиёти пул-кредит воситасида тартибга солишнинг мосланувчан механизмини шакллантиришдан иборат бўлиб, у Марказий банкка хўжалик фаоллигага самарали таъсир кўрсатиш, муассасалар фаолиятани назорат қилиш, пул муомаласи барқарорлигига эришиш имконини беради.

Марказий банк томонидан пул-кредит тартибга солишнинг асосий объекти иқтисодиётдага нақд ва нақд бўлмаган жами пул массасидан иборат бўлиб, жами тўловга қобил талабнинг турли таркибий қисмлари (истеъмол ва инвестициялар)нинг ўзгариши уни динамикасига боғлиқдир.

Марказий банк хўжаликдаги таклиф ва ҳолатларнинг таркибига асосланиб ва "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунгош қовдаларига мувофиқ ўз фаолиятининг мақсадлари, устувор йўналишларини танлайди, пул-кредит сиёсатининг стратегияси ва тактикасини ипшаб чиқади, улар қўйилган масалаларга эришишнинг муайян усуллари, дастаклари ҳамда воситаларини танлашда аниқдашади.

Марказий банк пул-кредит сиёсатини амажа ошириш жараёнида кредитлар ва пул массаси микдорларининг зарур даражада кенгайишини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу эса ички нархлар барқарорлига риоя қилган ҳолда ўсиб бораётган иқтисодиётнинг узоқ муддатли эҳтиёжларига мосдир. Бирмунча қисқа муддатлар учун пул-кредит сиёсати, одатда, номатлуб инфляция ва дефляция жараёнларига қарши туриш мақсадида амалга оширилиши керак.

Пул-кредит тартибга солишнинг муҳим мақсади, шунингдек, нархлар барқарорлига ҳисобланади. Пул-кредит сиёсати нархлар барқарорлигини таъминлаб, иқтисодий ўсишга ёрдам берадиган шароитларни яратади. Пул-кредит сиёсатини фаол амалга ошириш учун пул-кредит муассасаларининг раҳбарлари мақсадларни ва ушбу мақсадларга эришиш йўллариини белгилаб олишлари зарур.

Ўз навбатда кейинга мақсадларни аниқ ифодалаш учун пул-кредит соҳасида вужудга келган амалдаги вазиятни объектив баҳолаш ҳамда ушбу вазиятда илгари режалаштирилган мақсадларнинг акс этиштиабиятини таҳлил қилиш зарур.

Бинобарин, пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган органлар бозорда юз бераётган ҳодисаларни мутассил кузатиб бориш ҳамда назорат қилиш керак. Бундан ташқари у самарали воситаларга ҳам эга бўлиши керак. Бу воситалар ёрдамида мавжуд аҳволга керакли йўналшда таъсир кўрсаташ имконияти туғилади.

Пул муомаласи соҳасидаги аҳволга таъсир кўрсатишнинг санаб ўтилган барча воситалари пул-кредит сиёсатининг моҳиятини ифодалайди.

Пул массасининг ҳаддан ташқари кўпайиши мамлакатда ишлаб чиқарилган ёки четдан келтирилган товарларга қилинадиган харажатларнинг юқори суръатлар билан ўсишига, яъни нарх-навонинг кўгарилишига олиб келади. Агар қисқа муддат ичида мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни таклиф қилиш мосланувчанмаслиги билан тубдан фарқ қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодиётда юксак ўсиш суръатлари туфайли анча-мунча инфляция тазйиқи вужудга келади. Мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг чекланган микдорда таклиф қилиниши туфайли пул маблағларининг талайгана қисмини четда ияшаб чиқарилган товарларга йўналтирилиши оқибатида тўлов балансида танг ҳолат юз беради.

Иқтисодиётга тизимли тузатшшар киритиш бўйича тадбирларни амалга оширадиган мамлакатлар одатда инфляциянинг юқори даражаси, сусти иқтисодий ўсиш ва ташқи балансини нотенглиги билан ажралиб туради. Ушбу муаммолар кўпинча пул агрегатлари ҳаракатининг номатлуб жараёнлари оқибатида келиб чиқади.

Пул-кредит сиёсатининг мақсади мамлакат ичида ликвидликнинг ўсиши ҳукуматнинг иқтисодий ўсиш, инфляция ва тўлов балансига доир мақсадларига мос келиши керак. Ана шу жиҳатдан олганда пул агрегатларини назорат қилиш чоралари иқтисодиётга тузаташ киритиш тадбирлари дастурида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштириш стратегияси нуқтаи назаридан қараганда, пул-кредит сиёсати ортиқча ҳаражатларнинг олдини олиши керак. Бироқ, анча кенг маънода олганда, молия сиёсати иқтисодиётда ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини белгалаб беради, молиявий маблағларни сафарбар этиш ва улардан фойдаланиш жараёнларига беюсита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган мамлакатаарнинг кўп йиллик тажрибаси муомалада амалий фаолиятнинг маълум ҳажми учун зарур бўлган. тўла иш билан бандликка, нархлар даражасининг барқарорлигига ва иқтисодий ўсишнинг соғлом суръатларига ёрдам берадиган миқдорда пул бўлишини таъминлашга ҳаракат қилган ҳолда пул таклиф қилишни бошқариш зарурлигани кўрсатмоқда.

6-боб. Кредит асослари

6.1. Кредит зарурлиги ва моҳияти.

Жамият фаолиятининг ута муҳим жиҳати — бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар

Бк — кредитнинг берилиши;

Окз — кредитни қарз олувчи томонидан унинг вақтинчалик эҳтиёжини қондириш учун олиниши;

Ик — кредитни ишлатилиши қарз олувчининг кредитни нима мақсадда олинганлиги билан узвий боғлиқ булади;

Вр — қарз олувчининг ҳужалигида қарзга олинган қийматнинг айланиши тугалланишини ресурсларнинг айланишдан чиқарилишини ифодалайди;

ҚК — кредитни қайтариш;

Фкс — вақтинчалик берилган қийматни кредитор қўлига қайтиб келиши (фоиз билан).

Кредит мохиятининг тахлили узлуксиз жараён. Бунда тахлил жараёнида янгидан янги белигилар, хусусиятлар юзага чиқиши мумкин.

6.2. Хар кандай иқтисодий категория ўзининг функцияларига эга бўлгани каби кредит ҳам ўзининг бир катор функцияларига эга. Ижтимоий иқтисодий тизимида кредитнинг урни ва роли у бажараётган функциялари билан аникланади. Кредитнинг функцияси — бу кредитнинг иқтисодиётдаги фаолиятнинг муаян равишда намоён бўлишидир.

Кредитни тахлил қилишда, унинг функцияси мохияти ва роли ўртасидаги оралик бугин сифатида куриб чиқилади.

Кредит томонидан бажариладиган функциялар турли адабиётларда турлича берилади. Кўпгина адабиётларда кредитнинг 4 та функцияси кўрсатилган ва асосланган бўлиб улар қўйидагилар:

- капиталларни қайта тақсимлаш ва фойда нормасини текислаш (тенглаштириш);
- муомала ҳаражатларини тежаш;
- капитални марказлашуви;
- капитални йигилиши ва жамғариш функцияси.

Бироқ бошқа кўпгина китобларда кредитнинг бошқа 4 та функцияси кўрсатилгандир. Бу функциялар;

- қайта тақсимлаш функцияси;
- қайта такрор ишлаб чиқариш функцияси;
- муомаладаги ҳақиқий нақд пул маблағларини кредит муомала воситалари билан алмаштиради;
- рағбанлантириш функцияларидир.

Бу юқорида кўриб утилган функциялар ордамида кредит

мамлакатдаги тақсимланган ва буш турган моддий ва пул маблағлари ўз эгаларидан вақтинчалик бошқа мулк эгаларига ҳаракат қилишлари учун имкон яратади. Кредитнинг қайта тақсимлаш функцияси 2 кўринишда пул ва товар шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Кредитнинг такрор ишлаб чиқариш функциясида эса кредит 2 хил кўринишда намоён бўлади:

1— қарз олувчи томонидан олинган кредитлар уларга керакли капитал хажмини таъминлайди, тадбиркорлик фаолиятини олиб боришига имкон яратилади.

2 — турли корхоналарга кредит берилиши натижасида жамият микеснда ишлаб чиқариш учун яхши ва рмон ҳолатлар (шароитлар) вужудга келиши мумкин (сифат, таннарх, баҳо).

Муомаладаги ҳақикий ва нақд пул маблағларини кредит тўлов воситалари билан алмаштириш функциясида ҳақикий (олтин) пуллар пул белгилари (банкноталар) билан алмаштирилади. Бу ўз навбатида давлатни қарз мажбуриятини билдиради ҳамда олтин қиймат белгаларини белгилайди. Шу билан бирга нақд пул белгилари айланиши жараенида пул белгилари ўз навбатида кредит муомала воситалари — вексель, чек, пластик карточкалари билан алмаштирилиши мумкин.

Кредитнинг рағбанлантириш функциясида— кредит ишлаб чиқариш ва муомалага микро ва макро даражада таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида маблағлардан тежамли фойдаланишга асос яратади. Кредит қарз олувчидан олган кредитлариниш самарали, даромад оладиган даражада фойдаланишига, ўз вақтида ишлатиб тулик қайтарилишига мажбур қилади.

Давлат микёсида эса кредит миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш орқали иқтисодиётга салбий уки ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки кредит миқдорини камайиши, кўпайиши унинг икки томонлама таъсирини билдиради.

Кредитнинг бу функциялари хакида олимлар ўртасида ягона фикр

йўқ.

Масалан Россия иқтисодчиси И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини таҳлил қилишда иккита ечилмаган муаммо мавжуд:

- функцияни тушунишнинг услубий асослари;
- функцияларнинг таркиби ва тузилмаси.
- кредитнинг таркибий қисмидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги муносабатлар ҳосдир.
- кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга бераётган қиймат билан муносабати орқали;
- қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- қарзга берилувчи қиймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

Кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабат шундай аникланадики, бунда кредитор қарз олувчига ресурсларни таклиф қилади, қарз олувчи бу ресурсларни ишлатади ва бунда қарзга берилувчи қиймат кредитор ва қарз олувчи ўртасида айланади. Бу ердан кредитнинг биринчи функцияси келиб чиқади.

Қарзга берилувчи қийматни вақтинча фойдаланишга бериш функцияси.

Кредит ва пул маблағлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, кредитнинг ҳақиқий пулларни кредит пуллари билан алмаштириш функцияси олдинга сурилган. Лекин бу функция ҳозирги кунда иқтисодий муносабатлар "сахнасидан" чиқиб кетган.

Кредитнинг ташки муҳит билан алоқаси унинг иккинчи функциясини келтириб чиқаради.

Қайта таксимлаш функцияси.

Кредит қайта ишлаб чиқариш жараёнининг барча тармоқларига — ишлаб чиқариш, таксимлаш, муомала ва истеъмога хизмат курсатади.

Қайта ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда кредит, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки истеъмол жараёнида кечадиган функциялардан фарқли улароқ қайта тақсимлаш функциясини бажаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ссуда капитали бозори вақтимча бўш турган молиявий ресурсларни бир фаолият жабҳасидан бошқасига йўналтирувчи ва натижада кечадиган функциясини бажаради.

Қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида корхоналар ташкилотулар, давлат ва шахсий секторнинг бўш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, давлат ва шахсий секторнинг бўш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, муайян тўлов асосида берилади. Бу функция ёрдамида ишлаб чиқаришдаги пропорциялар ва пул капитали ҳаракати бошқарилиб турилади.

Турли тармоқларда ўз даражасига кўра, кредит иқтисодий стихияли макробошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Баъзи ҳолларда бу функциянинг амалга оширилиши бозор тизимига номутаносибликни чуқурлашувига олиб келиши мумкин. Худди шундай ҳолат МДХ давлатларида бозор иқтисодига ўтиш босқичида намоён бўлмоқда шунинг учун кредит тизимини давлат томонидан бошқаришнинг муҳим вазифаларидан бири бу иқтисодий устунликни оқилона тавсифлаш ва кредит ресурсларини у еки бу тармоқка жалб қилишни рағбатлантиришдан иборат.

Муомала харажатларини тежаш функцияси. Кредит вужудга келиши даврдан бошлаб хақиқий

пулларни (олтин, кумуш) кредит пуллари — векселлар, банкноталар, чеклар билан алмашишини таъминлаб келган. Лекин, олтиннинг монетар роли йуқолиши туфайли кредит бу функцияси ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб—китобларни ривожлантириб, ҳисоб — китобларни тезлигини ва кам харажатлилигини таъминламоқда. Кагшталнинг муомалада бўлиш вақтининг тежалиши унинг ишлаб

чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, фойданинг ортишига олиб келади.

Бу функциянинг амалга ошиши кредитнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан. Унинг манбаи саноат ва савдо капиталининг доиравий айланиши жараёнида вақтинча бушаган молиявий маблағлар ҳисобланади. Хужалик субъектлари пул маблағларининг келиб тушиши ва ишлатилиши ўртасидаги вақт буйича фарқ фақатгина ортиқча маблағлар ҳажмини эмас, балки молиявий маблағларнинг етишмовчилигини ҳам аниқлаб беради. Шунинг учун корхона ва ташкилотларнинг ўз айланма маблағларининг вақтинчалик етишмовчилигини тўлдириш учун ссудалар олиш кенг тарқалиб борган.

Капитал тўпланишининг жадаллашуви ва концентрациялашуви функцияси.

Капитал тўланиши жараёни иқтисодий ривожланишининг барқарорлашуви ва хужалик юритувчи ҳар бир субъектнинг уз мақсадига эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шу билан бирга қўшимча фойда олишга қарз маблағларидан фойдаланиш имконини яратади. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, иқтисодий инкироз даврида бу ресурсларнинг қимматлилиги кўпчилик хужалик фаолияти жабҳаларида капитал тўпланишини жадаллаштириш масаласини ҳал қилишда тускинлик килади. Шунга қарамадан, қуриб чиқилаётган функция ҳозирги шароитда режали иқтисодиёт даврида ривожланмаган ва маблағлар билан таъминланмаган фаолият жабҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлаш жараёнини сезиларли тезлаштиради.

Муомала тўлов воситаларини чиқариш функцияси.

Бу функциянинг амалга ошиш жараёнида кредит фақатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижобий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексель, чек,

кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисоб — китобларни нақд пулсиз операциялар билан алмаштиради. Бу эса ички ва халқаро бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу масалани ҳал этишда тижорат кредити замонавий товар алмашишининг керакли элементи сифатида муҳим урин тутди.

Ған техника тараккиётининг жадаллашуви ҳам кредит оркали самарали амлага оширилиши мумкин. Урушдан кейинги йилларда ған — техника тараккиёти ҳар бир мамлакат ёки алоҳида ҳужалик юритувчи субъект иқтисодий ривожининг ҳал қилувчи омилига айланган. Кредитнинг ған техника тараккиётини жадаллаштиришдаги ролини ған—техника билан шугулланувчи ташкилотларнинг фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин. Илмий тадқиқот ишларини олиб боровчи марказларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш учун ҳам. улар фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин.

Шунингдек, кредит инновацион жарайнларда ишлаб чиқаришга илмий тадқиқот натижаларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини узгартириш жараёнларини амалга ошириш учун зарур.

6.3. Ссуда капитали— бу фаолият кўрсатувчи капитал айланишига хизмат қилувчи ва фоиз келтирувчи ссудага (қарзга) бериладиган пул капиталидир.

Ссуда капиталининг манбалари— бу саноат ва савдо капиталлари айланиши жараенида буш қоладиган пул капиталидир. Пул капиталининг бушаши қўйидаги омилларга асосан юзага келади:

— асосий капитал оборотининг (айланишининг) ҳарактеридан. Товарларни сотгандан сунг асосий капиталнинг эскирган қисми амортизация захираси сифатида асосий капиталнинг янгиланиш муддати келгунга қадар йигилиб туради;

— оборот (айланма) капиталнинг доимий қисмининг айланиш характеридан. Тайёр товарларни сотиш ва хом ашё ва материалларни янги товарлар ишлаб чиқариш мақсадида харид қилиш оралигида маълум бир муддат утади, Шунинг учун тайёр товарларни сотишдан тушган пул тушуми вақтинчалик буш пул капитали сифатида буш бўлиб қолади;

— товарларни сотиш даври (вакти) билан иш ҳақини тўлаш даври орасидаги вақтинчалик ўзилишнинг мавжудлиги;

— ишлаб чиқариш хажмини кенгайтириш талаблари даражасида зарур бўлган пул шаклидаги қушимча қийматни жамғариш (йиғиш) зарурати ва бошқа ҳолатлар.

Шундай қилиб вақтинчалик пул капиталининг бушаши объектив заруриятдир. Бироқ бундай ҳолда бекор турадиган пуллар доимий ҳаракатда бўладиган капитал қиймати талабига қарши иштирок этади. Бундай карама— қаршилиқ кредитлари бериш орқали ҳал қилинади, яъни вақтинчалик бўлмайдиган пул капиталини қарзга олишга қарз маблағларидан фойдаланиш имконини яратади. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, иқтисодий инкироз даврида бу ресурсларнинг қимматлилиги кўпчилик хужалиқ фаолияти жабҳаларида капитал тупланишини жадаллаштириш масаласини ҳал қилишда тускинлик килади. Шунга қарамасдан, қуриб чиқиладиган функция ҳозирги шароитда режали иқтисодиёт даврида ривожланмаган ва маблағлар билан таъминланмаган фаолият жабҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлаш жараёнини сезиларли тезлаштиради.

Муомала тўлов воситаларини чиқариш функцияси.

Бу функциянинг амалга ошиш жараёнида кредит факатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижобий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексель, чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисоб—

китобларни нақд пулсиз операциялар билан алмаштиради. Бу эса ички ва халқаро бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу масалани ҳал этишда тижорат кредити замонавий товар алмашишининг керакли элементи сифатида муҳим урин тутди.

Ған техника тараккиётининг жадаллашуви ҳам кредит оркали самарали амлага оширилиши мумкин. Урушдан кейинги йилларда ған — техника тараккиёти ҳар бир мамлакат ёки алоҳида хужалик юритувчи субъект иқтисодий ривожининг ҳал қилувчи омилига айланган. Кредитнинг ған техника тараккиётини жадаллаштиришдаги ролини ған—техника билан шугулланувчи ташкилотларнинг фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин. Илмий тадқиқот ишларини олиб боровчи марказларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш учун ҳам. улар фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин.

Шунингдек, кредит инновацион жарайнларда ишлаб чиқаришга илмий тадқиқот натижаларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини узгартириш жараёнларини амалга ошириш учун зарур.

6.4. Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари бўлган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамойиллар асосида олиб борилади. Бу тамойиллар кредит ривожланишининг биринчи босқичида қўзғатилган эди. Кейинчалик эса улар умумдавлат ва халқаро кредит қонунчилигида яққол ўз аксини топди. Иқтисодий категория сифатида кредит бир неча тамойилларга эга. Булар кредитнинг қайтариб беришлилиги, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, мақсадлилиги ва тўловлилиқ тамойилларидир.

Кредитнинг қайтариб беришлиқ тамойили.

Бу тамойил кредитнинг мустақил иқтисодий категория экалиги

шартидир, қайтиб беришлик кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади, қайтиб беришлик ўз — ўзидан вужудга келмайди: у моддий жараёнларга, қийматнинг айланишини тугашига асосланади. Аммо доиравий айланишнинг тугаши — бу қайтариб бериши эмас, фақат қайтариб бериш учун замин тайёрлашдир. Кредитни қайтариш айланишдан чиққан маблағлар қарз оловчига пул маблағларининг қайтариш имкониятини берган тақдирда қайтарилади, қайтариб беришлик икки ёклама жараёни ифода этади, у кредитор учун ҳам, қарз оловчи учун ҳам бир хил даражада муҳимдир.

Қийматни қайтарувчи ҳаракатида ҳуқуқий томони ҳам муҳимдир. Муайян бир муддатга бериладиган қийматга эгалик ҳуқуқи кредитордан қарз оловчига ўтмайди.

Қарзга бериладиган қиймат фақат муайян бир муддатгина ўз эгаси қўлидан ўзоқлашади, лекин эгасини ўзгартирмайди.

Буш турган маблағларни аккумуляция қилувчи банклар бу маблағлардан ўз маблағлари сифатида фойдалана олмайди. Банк қарзга берувчи маблағнинг эгаси бўлиб корхона, ташкилот, алоҳида шахслар ҳисобланади.

Қайтариб беришлик муайян шартномада ўзининг ўрнини топади.

Қайтариб беришлик объектив белги ҳисобланади. Кредитни қайтариб беришлик томони уни бошқа иқтисодий категориялардан, шу жумладан, молиядан фарқ қилиш имконини беради.

Кредитдан самарали фойдаланиш асосидаги қайтариб беришлик — бутун банк фаолиятининг марказий пункти ҳисобланади. Кредитнинг бу тамойили амалиётда кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса ҳисобига қўчириш йўли билан тўланади. Шу йўл билан банклар кредит маблағларининг қайта тикланишини таъминлайдилар. Собик иттифок даврида марказлашган режали иқтисодиёт шароитида кредитлашнинг "қайтарилмаган ссуда" деб аталадиган норасмий тушунчаси бор эди. Кредитлашнинг бу шакли

халк хўжалигининг кўп тармоқларида айникса қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг таркалган эди. Кредит давлат банки томонидан қарз олувчининг молиявий ахволини ҳисобга олмаган ҳолда берилар эди. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра қайтарилмайдиган ссудалар бюджет субсидияларини кушимча шакли сифатида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида "қайтарилмас кредит" тушунчаси бозор иқтисодиёти тамойилларига ёт бўлиб бундай кредитнинг амалиётда бўлиши иқтисодиёт учун жуда хавфли ҳисобланади. Кредитнинг муддатлилиги.

Бу тамойил кредит берувчидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариб бериш муддатини, яъни кредитнинг қандай муддатга берилганлиги билан ҳарактерланади. Бунда шу муддатлилик тамойилига кўра узоқ ва қисқа муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитнинг муддатлилик тамойили қарздор учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда эмас, балки кредит битимида кўрсатилган маълум муддатда кредитни қайтарилиши зарур эканлигини билдиради. Кредитнинг муддатлилиги ҳар иккала томон, кредитор ва қарз олувчи учун муҳимдир. Агар кредитор фоизни билан уз вақтида қайтариб олса, уни эгасига қайтариш рқи яна кредитга бериш имкониятига эга булади. Қарз олувчи кредитни самарали ишлатиб, уни уз вақтида кредиторга қайтариш ва ту билан шартномадаги жазо чораларидан кутулишидан манфаатдор. Кредитнинг муддати буйича кредит шартномада курсатилган шартларнинг бузилиши натижасида қарз берувчи қарз олувчига иқтисодий чоралар (жарималар шаклида, кредит буйича фоиз даражасини ошириш, кредитни муддатини қисқартириш ва бошқа) ни қўллаш мумкин. Бу чоралар қам ёрдам бермаган ҳолларда қарз берувчи молиявий талабларни хужалик суди орқали ундириб олиши мумкин. Кредитнинг муддатлилиги келиб тушувчи бойликлар тежамли ва қайта ишлаш муддатига, ишлаб чиқарилган мақсулотни жупатиш муддатига, товарларни сотиш муддатига ва пировард натижада айланма

срондларнинг доиравий айланишининг тезлигига боғлиқдир,

Кредитнинг таъминланганлиги

Бу таъмойил ёрдамида халқ хўжалигининг ривожланишида қиймат ва моддий ишлаб чиқариш ўртасида бўлиш зарур бўлган пропорцияларнинг бир меёрга булиши таъминланади. Бу таъмойилнинг асосий моҳияти шундаки, бунда хужалик айланишида иштирок этувчи банк маблағларининг ҳар бир сумига муайян бойликларнинг бир суми карама—қарши туриши керак. Банклар томонидан халқ хужалиги тармоқларига оерилган кредитлар тулик товар моддий бойликлари ва маълум харажатлар билан таъминланган булиши керак. Тармоқларга таъминланмаган кредитларнинг берилиши банк кредитларининг банкка қайтиб келмаслигига асос қисобланади. Бу уз навбатида банкнинг ликвидлилигига ва пул муомаласига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида банклар томонидан бериладиган кредитларнинг товар моддий бойликлар ва харажатлар билан таъминланган булишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги шароитда бу жараённинг амалга оширилишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Кредит олаётган корхона банкка товар ёки товар хужжатларини, бошқа бирор шаклдаги мулкни гаровга қуяди ва банк берган кредит қарз урнини коплаш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзида кредит вариант асосида ҳам берилиши мумкин (Варрант — гаров учун хизмат қилувчи хужжат). Бунда кредиторнинг бераётган кредити товар—моддий бойликлар билан таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Банк ссудаларини товар — моддий бойликлар билан тулик таъминланганлиги пул муомаласини барқарорлигини таъминлайди чунки банкда пулларнинг нақд пулга ва аксинча айланиши трансформацияланиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, кредитнинг таъминланганлик таъмойили қарз олувчи узига олган мажбуриятларни бузиш шароитида қарз

берувчининг мулкдорлик манфаатларини химоя қилишни таъминлайди ва узининг амалий аксини кредитни бирор гаров ёки молиявий кафолат асосида беришда топади. Бу умумий тасодиёт барқарорликка эришиш даврида айниқса муҳимдир.

4. Тўловлилик тамойили.

Бу тамойил айланма фондларнинг доиравий айланишини, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи тўлов маблағлари суммасини аванслаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағлари учун кредиторга фоиз шаклида тўловни утказадилар. Кредитнинг тўловлиги уни тулик суммада уз эгасига қайтарилишинигина эмас, шу билан кредит учун фоиз шаклидаги тўлов билан қайтарилишини ифодалайди. Демак, кредитор уз мабларларини ҳеч вақт уз ҳажмида қайтариб олиш шarti билан бермайди, бунда у маблағни қарзга берганлиги учун муайян тўлов талаб қилади (фоизсиз имтиёзли кредитлар бундан мустасно).

Кредитнинг тўловлиги нафакат банклар фаолиятининг максадида, балки корхоналарнинг бевосита фойдасига боғлиқ, булади ва ижобий таъсир қўйишади.

Кредит учун ҳақ тулашнинг иқтисодий моҳияти қарз берувчи ва қарз олувчи уртасидаги қўшимча олинган фойданинг тақсимлашини қайд қилишда намоён бўлади. Қуриб чиқилаётган тамойилнинг амалиётида ўрта асосий функциясини бажарувчи банк фоизи нормасини ўрнатиш жараёнида намоён бўлади:

Ҳуқуқий шахслар фойдасининг ва жисмоний шахслар даромадининг тақсимланиши:

Ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва ссуда капиталининг тақсимланиши орқали тармоқ тармоқлараро ва халқаро миқёсда айланиш;

Иқтисодиёт ривожланишининг инқирозли боскичида банк миждозларининг пул мабларларини инфляциядан химоялаш ва бошкалар;

Ссуда фоизининг ставкаси ссуда капиталидан олинган йиллик даромад суммасининг берилган кредит суммасига нисбати билан аниқланиб, кредит мабларларини баҳоси сифатида намоён булади.

5. Кредитнинг мақсадлилиги.

Бу тамойилнинг мохияти шундаки, қарз оловчи томонидан олинган кредитлар аниқ бир мақсадни амалга оширишга йуналтирилган булиши зарур. Кредитнинг қайси мақсадга йуналтирилганлиги, масалан, товар моддий бойликлар сотиб олишга оқи бирор ишлаб чиқариш харажатларини коплашга ва ҳақозо аниқ бирор объектга мақсадли йуналтирилганлиги корхона билан банк ўртасида тўзиладиган кредит шартномада кўрсатилган бўлади. Корхона олган кредитини фақатгина кредит шартномада кўрсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак

Бунда кредит муайян, аниқ объектга: ишлаб чиқариш харажатларига, ишлаб чиқариш захираларига, тайёр маҳсулотга, жунатилган товарларга, ҳисоб —китоб хужжатларига ва ҳақозоларга берилади.

Юқорида келтирилган тамойиллар кредитнинг иқтисодий категория сифатида мавжуд бўлиши ва ҳаракат қилишининг муҳим томонларини ўзида ифодалайди.

Бизнинг фикримизча бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг юқорида келтирилган тамойилларидан ташқари, кредитдан оқилона фойдаланишни ифодаловчи тамойил кредитнинг самарадорлиги тамойилини киритишимиз зарур. Бу тамойил нафақат кредит ва фоиз суммасини банкка қайтариб тўлашни, ундан ташқари шу кредит ердамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соҳа, тармоқ, корхона қанча самарадорликка эришишини ифодалаши зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида бериладиган кредитлар маълум бир

лойихаларининг бажарилишига йуналтирилган бўлади. Банклар лойихаларни кредитлаш еки молиялаштиришдан олдин лойихани бажариш учун йуналтириладиган маблағларни самарадорлигини ҳисоблаб чиқишлари зарур. Агар биз бозор иқтисоди юқори ривожланган мамлакатларда кредитлаш ва лойихаларни молиялаштириш амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бу мамлакатларда корхона, ташкилотларга кредит беришдан олдин ажратиладиган маблағларнинг самарадорлиги ҳисоб—китоб қилиб чиқилади. Агар лойихага қуйиладиган маблағлар самара берадиган бўлсагина, шу лойиха учун маблақ ажратилади.

Кредитнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида гарб мамлакатлари амалиётида кредитлашнинг биз учун янги қоидаси қўлланилади. Бу қоида кредитлашда "5 "С" лар қоидаси" деб юритилади.

"5 "С" лар қоидаси" га асосан ҳар бир "С" бўйича корхонанинг фаолияти таҳлил қилиб чиқилади ва корхона фаолияти талабга жавоб берсагина корхонага кредит берилади. Қоидага асосан "С" ҳарфлари корхонанинг хўжалик фаолиятини қўйидаги жиҳатларини ифодалайди.

Character — қарз олувчининг ҳарактерини баҳолаш, ҳамда бозордаги обруси;

Capacity — қарз олувчининг бошлаган ишини охирига етказа олиш, тегишли даромад олиш, ҳамда банк кредитларини қайтариб бериш қобилияти;

Capital — қарз олувчининг сармоясини етарлилиги;

Conditions — шартлар. Бунда иқтисодий муҳим ва мазкур бизнесни ривожланиши назарда тутилади.

Collateral — гаров (кафолат, кафиллик, суғурта полиси, товар моддий бойликлар) ва бошқалар.

6.5. Ссуда капитали ўзига ҳос товар сифатмда гавдаланар экан, у ҳолда ундан фойдаланишда тўланодиган фоиз капитал "баҳоўси бўлиб иштирок этади. Аммо бу ўзига ҳос баҳо, товарнинг пул шаклидаги

кийматини акс эттирмайди, балки капитални товар шаклидаги истеъмо­ л кийматини — фойда келтириш қобилятини акс эттиради.

Фоиз нормаси — ссуда капиталига олинадиган йиллик даромадни, қарзга (ссудага) берилган капитал суммасига нисбатидир. Масалан, 100 минг сумлик капитал ссудага берилган бўлса, йиллик фоиз даромади 4 минг сумга тенг бўлса, у ҳолда фоиз нормаси 4%фоизга тенг бўлади.

Капиталистик формацияга қадар кредитнинг судхурлик шакли кенг тарқалган бўлиб — бу қарз олувчига маълум фоиз асосида қайтариб бериш шарти асосида бериладиган пуллик ссудадир. Судхурлик кредитининг объекти бўлиб судхурлик капитали ҳисобланади.

Судхурлик кредити ибтидоий тузилманинг йўқолиб (тарқаб) кетиши ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни пайдо бўлиши, ҳамда жамиятдо мулк дифференцияцияси натижасида товар — пул муносабатларининг ривожланиши даврида вужудга келмасдир.

Судхўрлар кредити ер гарови асосида натура ва пул шаклида берилгон. Кредиторлик тузуми даврида судхўрлик кредити янада ривожланди. Феодализм даврида эса кредитнинг пул шаклига ўтиши тўла — туқис амалга оширилди. Пул бойликларини судхурлар қулида туқланиши капиталнинг бирламчи жамғарилишига туртки (сабабчи) бўлди. Судхурлик кредитида қарз олувчилар бўлиб— асосан маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар— деҳқонлар ва ҳунармандлар, яъни кредитдан ўзларининг зарурий истеъмо­ л товарларини ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабларини, кредитор ва савдогарларга солиқларни ва қарзларни тўлаш жараёнида фойдаланганлар

Бу қарз ва тўловлар храмларга, монастырларга, черковларга тўланган. Судхўрлик капиталининг ҳарактерли белгиси бўлиб — қарздорлар томонидан ссудаларни иоишлаб чиқариш кўринишида фойдаланиш устивор йўналиш бўлиб ҳисобланган ва ссуда фоиз юқори даражада бўлган. Ундан сунг кредитнинг бошқа шакллари (кўринишлари), яъни пул шаклидаги кўринишлари ривожлана бошлаган.

Кредитнинг бу шакллари ссуда капиталининг ҳаракатини билдириб— пул капитали сифатида намоён бўлган. Пул капитали қайтариб беришлик, тўловлилик ва фоиз ставкаси асосида берилган. Бундай кредитларнинг хусусиятлари бўлиб:

— қарздорлар бўлиб савдо — саноат ишлаб чиқарувчи шахслар иштирок этганлар;

— қарз маблағлари — капитал сифатида, яъни қушимча қиймат олиш воситаси сифатида фойдаланилган;

- ссуда фоизи манбаси бўлиб — ёлланма ишчиларнинг ҳақ тўланмаган меҳнати қиймати ҳисобланади.

Бу даврда кредит турли шаклларни эгаллайди (олади). Улар асосан қатнашувчиларнинг турига, ссуда объектига, кредит фоизи ҳажмига ва ҳаракат қилиш муҳитига қараб фаркланади (гурухланади). Шунга кўра кредит бир неча шаклларга бўлинади.

Тижорат кредити. Тижорат кредити — бу фаолият кўрсатувчилар томонидан бир — бирларига ўзаро тўловни кечиктириш шарти билан товар шаклида бериладиган кредитдир.

Тижорат кредитини объекти— товар капитали ҳисобланади.

Тижорат кредитида кредитор ва қарздорлар бўлиб фаолият кўрсатувчилар (ишлаб чиқарувчилар) ҳисобланадилар.

Тижорат кредитининг чекланишлари мавжуд бўлиб улар:

— фаолият кўрсатувчиларнинг захира капиталлари ҳажми билан чекланганлиги, яъни унга ҳозирги даврда оборот (муомала) учун зарур бўлмаган капитал билан чекланганлиги;

— йўналишига кўра, уни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол қилувчиларга бериши мумкин, аммо тескарисини бўлиши мумкин эмас.

Тижорат кредитидан фаркли уларок банк кредити нафақат товарлар муомаласига хизмат кўрсатади, балки янада кенгрок муҳитда фаолият кўрсатади.

Банк кредити — пул эгалари, банклар ва бошқа кредит институтлари томонидан ишлаб чиқарувчиларга, ҳамда бошқа қарз олувчиларга пул шаклида бериладиган ссудалардир.

Банк кредитининг объекти — пул капиталидир.

Банк кредитида ишлаб чиқарувчи шахслар (фаолият кўрсатувчилар) фақат қарз олувчи сифатида иштирок этадилар, кредиторлар бўлиб эса ссуда капитали эгалари ҳисобланадилар.

Банк кредити жамият барча синфларини пул даромадлари ва жамғармаларини капиталга айлантириб капитални жамғарилишига сабабчи бўлади.

Тижорат кредити вексель билан хужжатлаштирилади. Тижорат кредитининг фоизи, товарлар баҳосига ва вексель суммасига кушилади ва у банк кредити фоизидан паст бўлади. Банк кредит фоизининг мақсади ссудалар ҳисобига даромад (фойда) олишдир.

Тижорат кредити ва банк кредитининг баъзи бир умумлаштирилган томонларини ўзида акс эттирувчи кредит бу истеъмол кредитидир.

Истеъмол кредити — асосан товарларни сотиш жараёнида уларни тўловини кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилишидир. Шу билан бирга истеъмол кредити банклар ёки махсус кредит хужжатлаштирилади. Фирма кредитлари очик рақам орқали институтлари томонидан истеъмол товарларни сотиб олиш ва хизматларни тўлаш ҳолларида берилади.

Унинг объекти — узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар ва хизматлар ҳисобланади. Истеъмол кредити — товар вп пул шаклида намоён бўлиши мумкин. Истеъмол кредити фоизи — ўзининг юқори даражада эканлиги билан ажралиб туради ва миллий даромадни қайта тақсимлашнинг иккиламчи тақли сифатида аҳоли даромадлари ҳисобидан тўланади.

Давлат кредити ва хусусий кредит. Давлат кредитида қарз олувчи ёки кредитор бўлиб давлат иштирок этади. Давлат кредити давлат заемлари шаклида казначей (ғазна) мажбуриятларини чиқариш орқали,

жамғарма ташкилотлари жамғармалари қолдикларини Давлат қимматбаҳо қоғозларига жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларда давлат заемлари (қарзлари) Давлат бюджети харажатларини молиялаштиришнинг асосий усули бўлиб хазмат қилади. Давлат заемларини ишлатишнинг якуний натижаси бўлиб давлат қарзининг ўсиши, янги заёмларни чиқариш хажмига нисбатан фоиз суммасининг қайтариш хажми ушиб кетади.

Давлат кредити маблағлари ишлаб чиқариш капиталини ғакрор ишлаб чиқаришда иштирок этмайди, яъни у моддий қийматликлар ишлаб чиқаришда катнашмайди, фақат бюджет дефицитини коплаш мақсадида фойдаланилади.

Хусусий кредит давлат кредитидан тамомила фарк қилади. Чунки хусусий кредитда кредитор ва қарз олувчилар бўлиб хусусий юридик ва жисмоний шахслар иштирок этадилар.

Халқаро кредит. Бу кредитларни пайдо бўлишига объектив асос бўлиб хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви ва халқаро давлат шаклларининг вужудга келиши сабаб бўлди.

Халқаро кредит — бу ссуда капиталини халқаро иқтисодий муносабатлардаги ҳаракатидир. Бунда бир давлат томонидан ўларнинг банклари, юридик шахслари томонидан бошқа давлат укуматига, банкларига ёки бошқа юридик шахсларига

— кредиторлар ва қарз олувчилар бўлиб хусусий юридик шахслар (банклар, компаниялар ва фирмалар), давлат ташкилотлари ва халқаро валюта кредити институтлари бўлиши

мумкин;

— қарз маблағлари қарз олувчи мамлакатда фоиз келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;

— ссуда фоизи бўлиб манбаси бўлиб қарздор— мамлакатдаги ёнланма ишчилар меҳнати ҳисобланади.

Халқаро кредит ички кредит билан ўзвий алокалар бўлади ва

қиймат шаклларини алмашилиш жараёнидаги капитал ҳаракатининг барча босқичларида иштирок этади.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар муҳитида ссуда капиталининг ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос функцияларни бажаради;

— кенгайтирилган такрор ишлар чиқаришни таъминлаш мақсадида мамлакатлар орасида капитални қайтатақсимлайди;

— турли валюталарга асосланган нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш орқали халқаро ҳисоб — китоблар муҳитида муомала ҳаражатларини тежайди.

Капитални марказлашуви ва жамғарилишини кучайишига хизмат қилади.

Халқаро хусусий ва фирма кредитлари халқаро иқтисодий муносабатлардаги тижорат кредитларининг бир кўриниши бўлиб бир мамлакат фирмаси томонидан иккинчи мамлакат фирмасига товарларни кечиктириб тўлаш ҳуқуқини беради. "Ундай кредит ўтказувчан вексель (тратта) билан ҳам ҳисоб — китоб қилиниши мумкин. Бугунги кундаги фирма кредитларининг замонавий шакли экспортёрлардан импортерларига бериладиган кредит ҳисобланади.

Фирма кредитларининг фоиз ставкалари бозор ставкаларига нисбатан паст бўлади, чунки экспортни кредитлаш тизими давлат томонидан субсидия қилинади.

Халқаро банк кредити ~ бир мамлакат томонидан бошқа бир мамлакатга (давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга) қисқа ва ўрта узоқ муддатга вақтинчалик фойдаланишга бериладиган кредит шаклидар. Банк кредитлари қарз олувчилар томонидан хоҳлаган мақсадларига ишлатилиши мумкин. Бугунги кунда халқаро банк кредитининг кўринишларидан бири бу экспорт банк кредитидир. Бундан ташқари халқаро кредитларнинг халқаро давлат кредити кўп тармоқли халқаро заём ва кредитлар, евро кредитлар, евро бозорлар ва халқаро

молия кредит институтларининг турли кредитлари мавжуддир.

Турли даврлардаги яшаб ижод килган иқтисодчилар кредитни иқтисодиётда, ҳамда такрор ишлаб чиқариш жарарнидаги ўрнига турлича баҳо бериб келганлар, уларнинг айримлари кредитга юксак баҳо берганлар, иккинчи гуруҳ иқтисодчилари уни ўрнини кейинги даражага қуйиб келганлар. Кредит тўғрисидаги назарияларни икки гуруҳга бўлинади. Уларнинг биринчиси кредитнинг натуралистик назарияси деб номланади. Бу назариянинг асосчилари бўлиб А.Смит ва Д.Рикардолар ҳисобланадилар.

Бу назарияга асосан кредитнинг аҳамияти пасайтирилади, яъни кредит фақат жамиятда тақсимланган капитални алоҳида ишлаб чиқарувчилар ўртасида қайта тақсимлаш шакли бўлади ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш омили бўла олмайди.

Бу назариянинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат: кредит моддий қийматликларнинг бир қўлдан иккинчисига - тақозидда техник восита (курол) Эқлиб ҳисобланади.

кредит объекти бўлиб натурал (ишончсиз) ашёвий бойликлар ҳисобланади;

ссуда капитали ҳақиқий капиталга тенглаштирилади ва уни ҳаракати ишлаб чиқариш капитал ҳаракатига мос келади; — банклар моддий қийматликларни бир мулк эгасидан иккинчи мулкдорга ўтказиб берувчи воситачи сифатида иштирок этади. Юқорида кўриб утилган кредит назарияси йўналиши намоёндалари томонидан кредит тўғрисида ва уни такрор ишлаб чиқариш жараёнида нотўғри хулосага келганликларини билдиради. Чунки улар кредитни (ссуда капиталини) ҳаракатини, ишлаб чиқариш капитали, товар капиталини ҳаракатини нотўғри кўрсатиб берадилар. Хаттоки кредитни қайта тақсимлаш функциясини ҳам охиригача олиб бера олмайдилар. Бу назария тарафдорларининг камчилиги шунки улар кредитни ишлаб чиқаритга бевосита боклик, лекин ишлаб чиқариш у ҳеч қандай ижобий таъсирини

кўрсатиб бера олмагамлар. Ҳақиқатда эса кредит ссуда капиталининг ҳаракатини натижаси бўлиб, икки хусусиятга эга, яъни кредит кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиши, ёки унда карама — каршиликларки ҳам вужудга келтириши мумкин.

Аммо натуралистик назариётчиларнинг камчиликлариги карамай уларнинг карашларида ҳам позитив фикрлар (мулохазалар) бор. Масалан, бу назария тарафдорлари фикрига кўра кредит ҳақиқий капитални яратмаслиги, балки фақат ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиши, яъни кредитни оевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ эканлигини билиб бера олганлар.

Кредитни ролини (ўрнини) бургтириб кўрсатадиган Назария бу— кредитни капитални яратиш назариясидир. Бу назария асосчилари — инглиз иқтисодчилари Дж. Ло (XVIII) ва Г. Маклеод (XIX) ҳисобланадилар. Бу назариянинг негизи шуки — кредит ҳеч қандай ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ эмас ва у иқтисодиётда ҳал қилувчи уринни эгаллайди. Улар кредитни пул ва бойликлар билан бир қаторга қуядилар. Капитални яратиш назариясининг асл маъноси бўйича банклар кредитни бериш орқали капитал яратадилар, кредит ҳажми банкларнинг ўзлари ишлаб чиқарадиган кредит сиёсатига боғлиқ. Шунинг учун банклар қанчалик чегараланмаган миқдорда кредитни кенгайтиришлари ва бу йўл билан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос яратишлари мумкиндир.

Банклар "кредит фабрикаси" деган тушунча шу назария тарафдорлари томонидан вужудга келтирилгандир.

Кредитнинг капиталини яратиш назарияси тарафдорлари банклар томонидан берилаётган кредит ҳажми банк хохишига эмас балки, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг объектив заруриятдан (хохишидан) келиб чиқиши, ҳамда кредитни ҳақиқий капитал билан алмаштириб юборадилар,

Кредитнинг бу назариясининг давомчилари бўлиб, австралия

профессори И. Шуметер, немис банкири А. Тан ва англиз иқтисодчилари Дж. М. Кейнс ва Р. Хоутри ҳисобланадилар.

Шуметер ва Танлар банкларнинг куч — қудратини ошириб юборадилар, ва ҳеч қандай чегарасиз бериладиган кредитлар такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳамда иқтисодий ўсишнинг асосий капитали бўлиб ҳисобланадилар деб қарайдилар. Шунга кўра бу қарашлар кредитнинг "экспансион кредит назарияси" номи билан оламга машхурдир. Ушбу назария орқали иқтисодчилар мамлакатдаги инфляцияни окламокчи бўладилар.

Бироқ кредитнинг бу назария бўйича давомчиси бўлган Дж. Кейнс ўзида керакли бўлган қарашлардан яхши (ижобий) томонларини олган ҳолда кредитни иқтисодиётни тартибга олиш воситаси деб қарайди ва исботлаб беради Чунки банклар омонидан кредитлаш иқтисодиёт талабига асосан берилиши, талаб ошса таклиф ҳам ошиши мумкинлигини эътироф этади. Бунга тарихий мисоллар етарли. Масалан, иқтисодиёт мамлакатда кучайса кредитга бўлган талаб ҳам ошади ва аксинчадир. Кредитнинг ортикча бериб юборилиши бозор иқтисодиёти шароитида қушимча кредитларнинг, инфляциянинг вужудга келишига сабабчи бўлиб қолиши мумкиндир.

Таянч иборалар:

Кредит, ссуда, кредит фоизи, кредит берувчи идоралар, кредитни ташкил этиш, кредит турлари, кредит фоизига таъсир этувчи омиллар, кредит оловчи.

Назорат саволлари:

1. Кредит нима?
2. Кредитнинг моҳияти.
3. Кредитнинг зарурлиги.
4. Кредит функциялари.

5. Кредит иттифоқлари
6. Кредитнинг муддатлилиги.
7. Кредитнинг таъминланганлиги.
8. Тижорат кредит
9. Иппотека кредити
10. Хусусий кредит нима?

1-боб. Молия ва молия тизими.

1.1. Молия моҳияти ва функциялари.

Кишилик жамиятининг ривожланишидаги дастлабки меҳнат тақсимотларининг содир бўлиши натурал хўжаликнинг емирилиши ва товар хўжалигининг шаклланиш жараёнини шакллантирди.

Товар хўжалигининг шаклланиши қийматнинг оддий шаклини пайдо бўлишига олиб келди ва кейинчалик қийматнинг умумий ва пул шакллари вужудга келиши билан давом этди. Ишлаб чиқариш жараёнининг эволюцион тарихий тараққиёти натижасида объектив иқтисодий категория сифатида дастлабки молиявий муносабатлар ҳам шакллана бошлади.

Молия тушунчасининг мазмуни "пултўлови", "даромад" "тўлов"

деган полисемантик ҳарактердаги маъноларга эга бўлиб дастлаб XIII — XV асрларда италияда пайдо бўлган.

Молия дастлаб ҳар қандай пул тўловларини англатган бўлиб, кейинчалик бу тушунча иқтисодий субъектлар ўртасидаги пул муносабатлари тизимининг муҳим элементларидан бирига айланиб қолди.

Аммо ҳар қандай пул муносабатлари тизими ҳам молиявий муносабатлар ҳисобланмайди, Шунинг учун ҳам молия ва пул ўртасида ўзаро боълиқлик билан биргаликда уларни солиштириб бўлмайдиган фарқли томонлари ҳам мавжуддир.

Чунончи, пул — товарлар дунёсидан ажралиб чиқса ва барча топарлар учун умумий эквивалент ролини уйновчи махсус товардир.

Молия эса маиждун ўзига ҳос пул муносабатлари тизимини ўз ичига олади. Молия давлат ва бошқа иқтисодий субъектлар ўртасида турли хил кўринишдаги пул фондларини шакллантириад билап боғлиқ пул муносабатлари тизимидир.

Молиянинг моддий асосини пул айланиши ташкил қилади.

Пул айланишининг 2 хил тури мавжуд:

- 1 Нақд пул айланимаси;
2. Нақд пулсиз айланималар.

Реал пул айланимаси бу иқтисодий жараён бўлиб қийматни ҳаракатини юзага келтиради ва пул тўловлари ва ҳисоб китоблари билан бираликда ҳаракат қилади. Реал пул оборотларини асосий объектлари бўлиб кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган молиявий маблағлар ҳисобланади.

Молиянинг ҳарактерли белгилари қўйидагилардан иборат:

1. Пул муносабатлари ҳарактеридан иборат.
- 2 Тақсимлаш ҳарактеридан иборат.
- 3 Фондли ҳарактердан иборат.

Молия ўзига ҳос равишдаги тарихий категория ҳисобланади. Пул инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланади. Инсоният цивилизациясининг дастлабки даврларидаек пуллар пайдо бўлди товар пул муносабатлари пайдо бўлди, давлатлар шаклланди. Аммо нима учун молия ўрта асрларда пайдо бўлди.

Бунинг 1—шарт шароити ўша даврларда европа Давлатларда ички зиддиятлар ва муаммолар пайдо бўла оошладик уларни ҳал қилиш учун давлат йирик миқдордаги пул маблағларига эҳтиёж сеза бошлади.

2 — асосий шарт шароит ўша даврларда пул фондларини гилклдантириш ва ундан фойдаланиш тизимли характерга зга бўла бошлади. Уша даврлардаёк ҳаражатларни 4 тури амал қила бошлаган эди; ҳарбий ҳаражатлар, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ҳаражатлар ва бошқарув ҳаражатлари.

3 — шарт шароит Уша даврларда солиқ тўловларини ундиришнинг пул шакли ривожланаётган давр эди. Солиқларни упдмришнинг 2 хил шакли бор: натурал ва қиймат яъни пул шакли.

Молиянинг мавжудлиги товар—пул муносабатлари ва қиймат қонунларининг амал қилиши билан белгиланади.

Товар—пул муносабатларшшпг вужудга келиши;

2. Давлатларнинг пайдо бўлиши.

3. Иқтисодий қонунларнинг амал қилиши; Давлатларнинг пайдо бўлиши билан молиянинг пайдо

бўлишини объектив шарт шароитлари давла!лар жамият иқтисодий тизимидаги роли ва унга тегишли бўлган функцияларда намоён бўлади.

Давлатларнинг иқтисодий роли жамият иқтисодий тизимида мулкчилик муносабатларининг ислох қилиш, институционал ўзгаришлар, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик меъррларини таъминлашдан иборатдир.

Мулкчилик муносабат —

ларини ислох қилиш

Институционал ўзгаришлар

Иқтисодий с амарадорлик ва ижтимоий

тенглик меъерларини

таъминлаш.

Давлатнинг иқтисодий роли унинг қўйидаги: тартибга солиш, қайта тақсимлаш, ижтимоий, назораг функцияларида намоён бўлади.

Тартибга солиш функцияси

Қайта тақсимлаш функцияси

Давлатнинг срункциялари

Ижтимоий функцияси

Назорат функцияси

Тартибга солиш функцияси: Давлат амал қилиши зарур бўлган шундай соҳалар мавжудки уларни тўлақонли амал қилишида давлат бош позицияда бўлади (масалан мудофаа, ижтимоий химоя тизимлари ва бошқалар). Давлат турли хил институтчионал тизимлар воситасида иқтисодий сиёсатни амалга оширади. Тартибга солиш соҳалари: Давлат молияси, пул муомаласи, нақдпулсиз ҳисоб китоблар, валюта курслари, иқтисодий хавфсизли ва бошқалар.

2. Қайта тақсимлаш функцияси. Яратилган миллий даромад ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида қайта тақсимлашнинг объекти ҳисобланади. Бундай қайта тақсимланишининг механизми сифатида солиқ ва бюджет тизими ҳисобланади.

3. Ижтимоий функцияси. Утиш даврининг асосий муаммоси ҳисобланувчи ижтимоий химоя тизимларини шакллантириш ва аҳолининг кам таъминланган қатламини химоя қилиш давлатнинг асосий функцияси ҳисобланади. Бу функциянинг амал қилиш механизми: ижтимоий трансфертлар тизими, Республика ва маҳаллий даражадаги ижтимоий дастурлар, адресли ижтимоий ёрдамлар.

Давлатнинг иқтисодий роли ва функцияси ижтимоий иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг молиявий сиёсатини ва молиявий

узуллари аниқлаб беради. Товар пул муносабатларининг мавжудлиги, Ҳар қандай пул муносабатлари ҳам молиявий муносабатлар таркибига киритилмайди. Масалан, банк кредитларини олиш ва уни қайтариш жараёни, кредиторлик қарзларини тўлаш жараёнидаги пул муносабатлари молиявий муносабатлар категориясига киритилмайди. Молиявий муносабатлари категорияси мазмунини аниқловчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги пул муносабатлар қўйидагилардан иборат:

Корхоналар тайёр маҳсулотни сотув қилиш натижасида пул тушумларига эга бўлади. Пул тушумларини бирламчи ва қайта тақсимлаш натижасида қиймат тақсимот жараёни содир бўлади.

Молия моҳиятига ва ташқи пайдо бўлиш шаклига эгадир. Молиянинг моҳияти деганда алоҳида қиймат категорияси сифатида молиянинг ички моҳиятини намори оўлиши тушунилади. Молиянинг моҳияти на пайдо бўлиш Шакллари ўзаро боғлиқдир.

Масалан, 1995 йилдан хўжалик субъектларининг давлат бюджети билан ўзаро муносабатларида фойдани тақсимланишининг давлат бюджети даромадларига фойдадан ажратма шаклига ўтилди. Хўжалик ислохотлари шароитида бу муносабатлар 3 шаклда намоён бўлди яъни: ишлаб чиқариш фондларига ажратмалар, Фиксирланган (рента) тўловлари; фойданинг эркин қолдиғидан бюджетга бадаллар.

Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу муносабатлар солиқлар воситасида амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, молиянинг иқтисодий моҳияти масаласи мазкур категориянинг ички мазмунини аниқловчи 2 назария амал қилади:

1. Тақсимлаш назарияси тарафдорлари.
2. Такрор ишлаб чиқариш назарияси тарафдорлари.

Тақсимлаш назарияси тарафдорлари тасдиқлайдики, молия ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жарарининг 2 боскичида пайдо

бўлади, яъни ялғиш ички маҳсулот қиймати тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келади.

Такрор ишлаб чиқариш назарияси тарафдорлари эса молия такрор ишлаб чиқариш категорияси сифатида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида намоён бўлади деб таъкидлайдилар.

Иқтисодий қонунларнинг амал қилиши.

Асосий иқтисодий қонунлар: қиймат қонуни, пул муомаласи қонуни, талаб ва таклиф қонуни.

Қиймат қонуни. Товар қиймати уни шакллантириш жараёнида сарфланган абстракт ва конкрет меҳнат билан белгиланади.

ишлаб чиқарилган товарлар миқдори ва уларнинг баҳосига тўғри пропорционал.

Молиянинг асосий функциялари.

Молиянинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади.

Функция объект ички моҳиятининг конкрет шаклини намоён бўлиш жараёнидир.

Молиянинг функциялари юзасидан иқтисодчи олимларнинг ўртасида қатори баҳсли ҳолатлар мавжуд.

Бир қатор таниқли молиячилар молиянинг 3та функцияси мавжудлигини эътироф этишади.

А.М. Бирман молиянинг қўйидаги функциялари мавжудлигини эътироф этади:

1. Хўжалик юритиш жараёнини пул маблағлари билан таъминлаш;
2. Назорат
3. Тақсимлаш.

А.М. Александров ва Э.А. Вознесенский- тасдиқлайдики молия қўйидаги функцияларни бажаради:

1. Пул фондларини шакллантириш.
2. Шакллантирилган пул фондларидан фойдаланиш

3. Назорат.

И.Т. Балабановнинг фикрига кўра бозор иқтисодиёти шароитида молиянинг тақсимлаш функцияси ўзининг мазмунини йўқотади.

Иқтисодчи В.М. Родионованинг фикрига кўра молия тақсимлаш ва назорат функцияларни бажаради.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар молиянинг тақсимлаш ва назорат қилиш функцияларини бажаришини эътироф этишади.

Иқтисодий субъектларнинг асосий манфати фойда олиш ҳисобланади.

Бозор иқтисодирти шароитида мулкчиликнинг кўп укладли шакллари пайдо бўлиши ва бозор иқтисодиётининг амал қилиши тўлиқ иқтисодий мустақилликни таъминловчи демократик тизимни шакллантиришни объектив зарур қилиб қуяди. Бундай шароитда иқтисодий субъектлар фаолиятининг молиявий натижалари яъни тадбиркорлик фойдасини тақсимлаш улар томонидан қабул қилинадиган молиявий қарорларга боғлиқдир.

Савол тўкилади. Турли даражадаги кўп сонли фондларни шакллантиришнинг асосий молиявий манбалари нима ҳисобланади

Албатта бунда макродаражада ялпи ички маҳсулот. Ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш жараёни турли хил молиявий инструментлар: меёрлар, ставкалар, таърифлар, ажратмалар ва бошқа молиявий инструментлар воситасида амалга оширилади.

Микродаражада эса унинг манбаи корхоналар пул даромадлари ва жамғармалари ҳисобланади.

Молиянинг назорат функцияси— бу объектив амал қилувчи пул муносабатлари жарарнларини назорат қилишдир.

Молиянинг назорат функциясининг объекти бўлиб хўжалик субъектлари фаолиятининг молиявий натижалари ҳисобланади.

Молиявий назорат ўтказувчи субъектлар нуқтаи назаридан

молиявий назорат қўйидаги турларга ажратилади:

Молиявий назоратнинг турлари:

И Умумдават молиявий назорати (Давлат ҳокимияти ва бошқаруви томонидан амалга ошириладиган назорат).

- Ваколатли молиявий назорат (Вазирликнинг назорат тафтиш бўлими томонидан амалга оширилади)

- Ички хўжалик молиявий назорати (корхоналарнинг молиявий хизмат органлари томонидан амалга оширилади. Уларнинг функцияси корхонанинг ишлаб чиқариш молиявий фаолиятини текшириш ҳисобланади.).

Ш Жамоатчилик молиявий назорати (алоҳида жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади)

- Мустақил молиявий назорат (Аудит назорати, манфатдорлар иқтисодий агентлари.)

Ўтказиш муддатлари бўйича молиявий назоратнинг турлари:

Ш Дастлабки молиявий назорат (1. Корхоналар молиявий режасини тузиш кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнидаги молиявий назорат. 2. Бюджет ташкилотлари сметаси. 3. Давлат бюджети лойихаси тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнидаги молиявий назорат).

- Жорий молиявий назорат (Молиявий режани бажа — рилиш, бюджет даромад ва ҳаражатларини бажарилиш тўғрилигини текшириш мақ — садида амалга оширилади. Бу ерда оперативлик ва эгилув — чанлик муҳим рол ўйнайди).

- Сунги молиявий назорат (амалга оширилган молиявий операциялар сунги натижаларини самарадорлигини текшириш ҳисобланади.).

Молиянинг бошқа қиймат категориялари: пул, кредит, меҳнатга тўловлар фонди, баҳо ва бошқалардан фаркли томони уни давлатларни амал қилиши билан бевосита боғлиқлиги ҳисобланади.

1.2. Молия тизими— молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, ҳар қайси соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади.

Молия тизимининг асосий функциялари қўйидагилардан иборатдир:

1. Режалаштириш функцияси.
2. Ташкиллаштириш функцияси.
3. Рағбатлантириш функцияси.
4. Назорат

Молия тизимининг функциялари.

Режалаштириш. Мақсадларни шакллантириш ва уни амалга оширишнинг молиявий имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ тадбирлар.

Ташкиллаштириш. Бюджет қурилиши, бюджет тасиифлапиши, тасдиқлаш, ижро этиш. вақолатли кредит органларини аниқлаш, маҳаллий ва республика органлпрининподжет пақолатлари ва ҳуқуқларини чегаралашни ўз ичига олади.

Рағбатлантириш. Пул маблағларга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятга таъсир этувчи омиллар талкин қилинади.

Назорат. Ўрнатилган мақсадларга эришишни солиштириш учун олинган натижаларни баҳолаш ва меъёрлар ишлаб чиқилади.

Тиждорат асосида фаолият юритувчи корхоналар

Нотиждорат асосида

фаопият юритувчи

корхонзпар

Давлатнинг молия тизими қўйидаги бўғинлардан ташкил топган:

Молия тизимининг бўғинларга ажратилиши ҳар қайси бўғинларнинг вазифаларидан келиб чиқади. Шунингдек юқоридагилардан қуриниб турибдики молия тизимининг бўғинлар

мамлакат миёсида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда айрим иқтисодчи олимлар томонидан молия тизимининг муҳим бўғинларидан бири еифатида аҳоли молиясини алоҳида кўриб утадилар. Уларнинг фикрларига кўра ЯИМни тақсимланиши жараенида аҳоли иқтисодий субъект сифатида катнашади ва йирик миёсида пул жамғармаларига эга бўлади. Бундай жамғармалар ҳозирги илароитда нафақат аниқ тизими учун муҳим молиявий бизнес балки иқтисодиотдаги ялпи инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бирига айланмокда.

Умумдават молияси корхоналар молияси билан бевосита боғлиқдир. Чунки бир томондан бюджет даромадларини асосий манбаларидан бири моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратиладиган миллий даромад ҳисобланади. Шунингдек корхоналар микёсидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни нафақат корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳисобига балки қарз маблағлари ҳисобига ҳам амалга оширилади. Чунончи, бундай маблағлар таркибида бюджет маблағлари ҳам мавжуддир.

Бюджет давлат молиясини асосий бўғини ҳисобланади. Чунки бюджет орқали ЯИМнинг тахминан 30 —35%и қайта тақсимланади. Давлат бюджет орқали йирик микдордаги пул маблағларига эга бўлади. Бундай пул маблағлари орқали давлат ўзининг жамиятдаги ижтимоий — иқтисодий, сиёсий вазифаларини амалга оширади. Чунончи, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда бюджет асосий рол ўйнайди. 2002 йилда умумий бюджет ҳаражатларининг 40,27% и ижтимоий маданий тадбирларга йуналтирилиши режалаштирилган. Шунингдек аҳолини ижтимоий химоя қилиш тадбирлари учун жами бюджет ҳаражатларининг 7,495%и сарфланиши режалаштирилган.

Мазкур кўрсаткичлар бюджетнинг ижтимоий иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги аҳамиятини юқори эканлигини

тасдиқлайди.

Аксарият иқтисодчилар томонидан суғурта муносабатлари молия тизимининг асосий бўғинлари сифатида кўриб утилади.

Суғурта муносабатлари— унда катнашувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик субъектлари иқтисодий фаолияти натижасида вужудга келувчи эҳтимолли зарарларни коплаш ёки суғурта ҳолатларини содир бўлиши оқиботлари билан боғлиқ уй хўжаликлари йўқотишларини тенглаштириш учун мулжалланган суғурта фондга мақсадли бадаллар ҳисобига алоҳида пул фондларини шакллантириш бўйича қайта тақсимлаш муносабатлари мажмуасидир.

Суғуртанинг қўйидаги турлари маижуд:

1. Ижтимоий суғурта
2. Мулкый суғурта.
3. Шахсий суғурта.
4. Жавобгарлик суғуртаси.
5. Таваккалчилик суғуртаси.

Ижтимоий суғурта муносабатларнинг объекти — фуқароларнинг даромадлари ҳисобланади. Шахсий суғуртада — фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва меҳнат қобилияти ҳисобланади. Ижтимоий ва шахсий суғурта йирикроктармоқда бирлаштирилиши мумкин яъни уй хўжалиги даромадларини суғурталаш. Жавобгарлик суғуртасида объект сифатида суғурталаувчининг маҳсулот етказиб бериш бўйича ишчилик шартларини бажариш, кредиторлар қайтариш бошқалар ҳисобланади. Таваккалчилик суғуртаси ёки тадбиркорлик хатарлири суғурлашда фойда олинмаслик қурилиши мумкин бўладиган зарар ҳисобланади.

Мулкый суғурта муносабатларининг объекти сифатида суғурталаувчининг моддий қийматликлари ҳисобланади.

Суғурта қўйидаги функцияларни бажоради:

1. Риск;
2. Оғохлантириш;

3. Назорат.

1.3. Давлат ҳар қандай ўзининг вазифалари бўйича аниқ мақсадларга эришиш ҳуқуқий молиядан фойдаланади. Ўрнатилган мақсадларни амалга оширишда молиявий муҳим рол ўйнайди. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш жараёнида ўрнатилган вазифаларни амалга ошириш шарт шароитлари таъминланади. Улар иқтисодий манфаатга таъсир қилишнинг сраол қуроли сифатида иштирок этади. Молиявий сиёсат кўп қирралидир. У қуйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади:

1. Молиянинг ривожланишини илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш. У асосан иқтисодий қонунлар талабларини ўрганиш, хўжаликнинг ривожланиш ҳолатини ҳар томонланма комплекс таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини, аҳоли эҳтиёжларини ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш жараёнларини ўз ичига олади.

2. Истиқболдаги ва жорий даврда молиядан фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш. Бунда халқаро омиллар, молиявий маблағларни ўсиш имкониятларини ҳисобга олинган ҳолдаги иқтисодий сиёсатда кўзда тутилувчи ўрнатилган мақсадларга эришиш йўлларида келиб чиқади.

3. Амалий фаолиятларни мувофицлаштириш. Бунда белгиланган мақсадларга эришишга йуналтирилган амалий фаолиятларни ташкилий асослари кўзда тутилади.

Юқоридаги бўғинларнинг яхлитлиги молиявий сиёсатни мазмунини аниқлаб беради. Истиқболсиз молиявий сиёсат молиянинг ривожланишини асосий концепцияларини тўлақонли равишда мукаммалаштирмаслик оқибатлари ҳисобланади.

Давлатнинг молия сиёсати билан жамиятнинг иқтисодий фаолияти

ўртасида муҳим ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Бир томондан, молиявий сиёсат иқтисодий муносабатлар маҳсули бўлиб, жамият сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда эркин эмас, яъни молиявий сиёсат мамлакат иқтисодиётига бевосита боғлиқдир.

Иккинчи томондан, молиявий сиёсат мамлакатнинг иқтисодий базисидан келиб чиққан ва ривожланган ҳолда маълум бир мустақилликка эга, ҳамда у ўзига хос қонуниятлар ва ривожланиш мантиқига эга.

Ушбу йўналишларга асосланган ҳолда молиявий сиёсат давлат иқтисодиётига ва молиявий ҳолатига тескари таъсир этади. Бу таъсир турлича бўлиши мумкин;

Баъзи ҳолларда сиёсий чора тadbирлар ўтказиш воситасида иқтисодиётни ривожланиши учун қулай шарт шароитлар ва имкониятлар яратилади.

Баъзи ҳолларда сиёсий чора тadbирлар ўтказиш воситасида иқтисодиётни орқага кетиши учун қулай шарт шароитлар вужудга келади.

Хўжалик юритишни жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятнинг ривожланиши унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши молиявий сиёсатни таъсир этиш даражасини ўсишига олиб келади.

Иқтисодиётда хўжалик тармоқларини турли даражада ривожланиши, хўжаликлараро ва ҳудудлараро иқтисодий алоқаларни қийинлашуви иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни бир —бирига боғлиқ ҳолда ва яқин даражада иқтисодий — ижтимоий ривожланишини давлат томонидан таъминланишини талаб этади. Шунинг учун ҳам давлат томонидан молиявий тартибга солиб туриш муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари:

1. Молиявий маблағларни жалб қилишни талаб қилмайдиган

конуний характердаги усуллар: Баҳо сиёсати Солиқ сиёсати Пул—
кредит сиёсати Валюта сиёсати

Молиявий маблақларни жалб қилишни талаб қиладиган усуллари.

Субсидиялар

Иқтисодиёда давлат секторини шакллантириш

Давлат капиталини чет элга олиб чиқиш

Давлатнинг иқтисодий жиҳатдан қанчалик куч қудрати (писа,
шунчалик молиявий маблағларни ўз кўлида мужжассамлашга имкон
беради, бу эса ўз навбатида иқтисодий конюктурга фаол таъсир
кўрсатишга имкон беради.

Иқтисодий қарорлар, жамиятнинг ижтимоий —иқтисодий
ривожланиш қонуилари мантиги асосида, кўзда тутилган молиявий
тадбирлар оқибатларини илмий асосланган ҳолда ва уларни иқтисодий
ривожланиш қонуниятларига мос ҳолда шакллантириш жамиятнинг
тараққиёти асосини ташкил қиладди. Бу ўз навбатида молия сирсатида тез
тез учрайдиган ва молия ўрнида кўзда тутилиши қийин бўлган
ўзгартиришларни олдини олишга имконият яратади.

Молиявий ҳис-Ҳисоб ўзининг даврийлиги ва ҳал қилувчи вазифалар
тавсифи боғлиқ ҳолда молиявий стратегия ва молиявий тактикага
бўлинади.

Молиявий фаолият таҳлили шуни тасдиқлаш шундаки ҳозирги
Пассив савдо баланси мамлакатнинг халқаро жиҳатдан кучсизроқ эканлигини билдириб, уяга эга бўлиш мақсадга муносиқ змас. Бу хол эса валюта тутцумларга мухтоук оулган айрим мамлакатлар учун тўғри ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга ихтисослашган мамлакатлар учун бу кўрсаткич бошқа бир моҳият касб этади. Масалан, мамлакат савдо балансидадаги дефицит, мамлакат бозорига четдан келадиган конкурентлар сонини оширади.

Хизматлар балаиси ўз ичига транспортли ташувлар, суғурта, электрои, телекосмик, телеграф, телефон, почта ва бошқа алоқа турлари бўйича, халқаро туризм, илмий—техник ва ишлаб чиқариш малакасининг алмашинуви, эксперт хизматлари, дипломатик, савдо ва бошқа ваколатхоналарни хорижда сақлаш харажатлари, маълумотлар узатиш, маданий ва илмий алмашинувлар, турли комисион йиғимлар, реклама, ярмаркалар ва бошқалар бўйича тўлов ва тушумларни ўз ичига олади. Хизматлар ҳозирги кунда дунё иқтисодий алоқалар секторининг энг динамик ҳолда ривожланаётган қисми бўлиб, унинг тўловлар ва тушумлар ҳажмига бўлган таъсири доимо ўсиб бормоқда. Одатий ҳисобланган хизматлар (транспорт, суғурта) савдо ташувларининг ҳажм ва шак.\ жиҳатдан қайта шаклланиши, улардаги ярим фабрикатларнинг ўрнини ошиши, халқаро кооперация ва ихтисослашиш ривож>\аниши туфайли тубдан қайта тикланмоқда. Ривожланган мамлакатларда яшаш даражасининг ўсиши боис халқаро туризм кўламлари, бунинг таркибида ишлаб чиқаришнинг халқаро тус олиб бориши туфайли ишбилармон ташрифлар ҳам кескин ортиб бормоқда.

Халқаро ишлаб чиқариш, илмий — техник революция ва бошқа интернационализация факторлари лицензиялар, ноу — хау, бошқа кўринишдаги илмий —техник ва ишлаб чиқариш тажрибаси, лизинг хизматлари (ускуналар ижараси), ишбилармон маслаҳатлар ва бошқа ишлаб чиқариш ва персонал характердаги хизматлар савдоси кун сайин ривожланиб бормоқда. Халқаро статистика қоидаларига биноан

"хизматлар" деб аталувчи бўлимда халқаро кредитлар фоизлари ва инвестициялар даромадлари бўйича тушумлар ҳисобга олиниб келинмоқда, ваҳоланки бу тўловлар ўз иқтисодий мазмунига кўра капитал ҳаракатига кўпроқ яқинлиги мавжуд.

ХВФ услубига кўра бир томонлама ўтказмаларни алоҳида бир элемент қилиб кўрсатиш қабул қилинган. Буларнинг таркибига қуйидагилар киради: 1) давлат операциялари бошқа давлатларга бериладиган иқтисодий ёрдам кўринишидаги субсидиялар, давлат нафақалари, халқаро ташкилотларга бериладиган бадаллар; 2) хусусий операциялар ишчи, мутахассис, қариндошларнинг ўз ватанига қиладиган кучирмалари. Бу турдаги операциялар катта иқтисодий аҳамият касб этади. Италия, Туркия, Испания, Греция, Португалия, Покистон, Миср ва бошқа давлатлар ўз фуқароларининг хорижда ишлашига ижобий назар билан қарашади, чунки улар мамлакатга валюта киритади. Айрим Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Швейцария, ЖАР каби мамлакатлар тўлов балансларида бу модда дефицит ҳисобланади, чунки бу мамлакатларга ишчилар келиб пул ишлаб кетишади.

Юқорида номлари келтириб ўтилган инвестициядан олинadиган даромадлар ҳаракати, ҳарбий характердаги битимлар ва бир томонлама ўтказмаларни "кўринмас" операциялар деб аташади, чунки улар моддий бойликлар ҳаракатига ҳеч қандай таъсири йўқ.

Жорий операциялар бўйича тўлов баланси таркибига савдо баланси ва "кўринмас" операциялар киради. Тўлов баланси тузишнинг айрим услублари давлатнинг бир томонлама ўтказмаларини алоҳида модда бўйича ифода этишни ва унинг қолдиғини жорий операциялар бўйича қолдиққа қўшмайди. Бу операцияларнинг жорийқоперациялар дейилишига сабаб, дунёдаги товарлар ва хизматлар савдосини молиявий рееурслар ҳаракатидан ажратиб, алоҳида равишда тақдим этишдан иборат.

Капитал во кредитлар ҳаракатининг балансида хусусий ва давлат

капиталларининг олиб келиниши ёки олиб кетилиши, олинган ёки берилган халқаро кредитларнинг ўзаро нисбатлари ифода этилади. Иқтисодий мазмунига кўра бу операциялар 2 категорияга бўлинади: гадбиркорлик ва ссуда капиталининг халқаро ҳаракати.

Тадбиркорлик капитали тўғридан — тўғри, бевосита хорижий инвестициялар (корхоналарни хорижда сотиб олиш ёки қуриш) ва портфель инвестициялар (хорижий компанияларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш) ни ўз ичига олади, Бевосита инвестициялар узок муддатли капитални олиб чиқиб кетишнинг энг муҳим шаклларида бири бўлиб, тўлов балансига сезиларли таъсир кўрсатади. Улар қарз мажбуриятини англатмайди, чунки мулк сотиб олиш билан боғлиқ. Бу инвестициялар натижасида халқаро ишлаб чиқариш ривожланиб, миллий иқтисодиётларни дунё хўжалигига мукаммал, мустаҳкам боғланишини таъминлайди. 1997 йилга келиб барча мамлакатларнинг бевосита инвестицияларини йиғинди усули билан ҳисобланганида 3 трлн долларни ташкил қилган эди. Тадбиркорлик капиталининг олиб чиқиб кетилиши ишлаб чиқариш ва ташқи савдо ривожига нисбатан тезроқ ривожланмоқда, бу эса унинг интернационализация ва глобализация жараенидаги ўрни юқорилигидан далолат беради.

Бевосита хорижий инвестицияларнинг иккидан уч қисмидан кўпроғи ривожланган давлатларнинг ўзаро капитал қўйилмалар бўйича алмашинувидир. Бу маълумот эса ривожланган мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқалари бошқа давлатлар билан бўлган алоқаларга нисбатан мустаҳкамроқ тус олиб бораётганидан далолат беради.

Халқаро ссуда капитали ўз муддатлилиги билан турли қуринишларига классификацияланади:

йилдан ортиқ муддатга тақдим этилган, давлат ва хусусий заём ва кредитларни ўз ичига қамраб олади. Давлат заом ва кредитларини олувчи мамлакатлар бўлиб лидер мамлакатлардан бирмунча орқароқда

бўлган давлатлар майдонга чиқади, бу вақтда ривожланган давлатлар асосий кредитор сифатида аsviaА қилади. Хусусий заём ва кредитлар билан бўладиган вазият ўзгачарок, ғуе олади. Бу ерда ҳам ривожланиб келаётган мамлакатлар ривояочаиган давлатларнинг корхоналаридан, кредит —молия институтларидан қарз олишга мажбур бўлади. Ривожланган давлатларда корпорациялар ўз облигацияларини бозорга қўйиши натижасида кўплаб миқдорда капитал йиғиб олади.

2. Қисқа муддатли операциялар ўз ичига бир йилгача бўлган халқаро кредитларни, миллий банкларнинг хорижий банклардаги жорий счетлари (авуарлар), капиталнинг банклараро ҳаракатини олади.

8.3. Тўлов баланси қадимдан давлат томонидан тартибга солинадиган объектлардан биридир. Бундай бўлишига қуйидагилар сабаб бўлиб хизмат қилади:

биринчидан, тўлов балансига тенгсизлик, мувозанатсизлик хос бўлиб, бу ҳолат айрим давлагларда узоқ муддатли тақчиллик ва ҳаддан ташқари актив сальдо кўринишида намоён бўлади. Бу номутаносиблик валюта курсининг динимикасига капиталнинг кўчишига, иқтисодиёт ҳолатига қаттиқ салбий таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШ жорий операциялардаги тақчилликни миллий валюта билан қоплаш натижасида, Инфляцияни бошқа давлатларга экспорт қилишга эришган А°лда, халқаро оборотдаги доллар ортиқчалигини келтириди ва XX асрнинг 70 — йилларида Бренттонвудс Тизимининг издан чиқишига олиб келди;

иккинчидан, XX асрнинг 30 — йилларида олтин захиралари бекор қилингандан сўнг, тўлов балансини тенглаштиришнинг баҳо механизми иш бермай қўйди. Шу сабабли ҳам, тўлов балансини давлат томонидан маълум тадбирлар орқали бошқарилиши мақсадга мувофиқ бўлиб қолмоқда.

учинчидан, хўжалик алоқалари глобаллашиб бораётган бир даврда

иқтисодий ётти давлат томонидан тартибга солиш тизимида тўлов балансининг роли борган сари ортиб бормоқда. Бу балансни тенглаштириш вазифаси, давлатнинг иқтисодий ўсиш жадаллигини таъминлаш, инфляцияни жиловлаб туриш ва ишсизликни камайтириш каби вазифалари билан бир қаторда тан олинмоқда.

Тўлов балансини тартибга солишнинг моддий асоси бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- расмий олтин — валюта захиралари;
- миллий даромаднинг давлат бюджети орқали тақсимланадиган қисми;
- давлатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда капитал экспорт қилувчи, кредитор, кафолат берувчи, қарз оловчи сифатида бевосита қатнашиши;
- ташқи иқтисодий операцияларни меъёрий ҳужжатлар ва давлат органлари ёрдамида тартибга солиш.

Мамлакатлар тўлов балансини тартибга солишда тез — тез учраб турадиган муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Тўлов балансини тенглаштириш бўйича қайси давлатлар (актив сальдога ёки тақчилликка эга бўлган) зарурий чора — тадбирларни қўллашлари зарурлиги. Бу масалада, назариячилар ва амалиётчиларнинг фикрлари турличадир. Одатда, бир — қанча ички ва ташқи омилларнинг босими остида тўлов балансида тақчиллик мавжуд мамлакатларда уни тенглаштириш муаммоси туради. Актив балансга эга бўлган давлатлар, халқаро ҳисоб — китобларга киришувчи мамлакатларни "ўз уйида тартиб ўрнатишини" талаб қилади: инфляцияни жиловлаш, дефляцион сиёсатни қўллашга зарурат, экспортни рағбатлантириш, импортни чеклаш ва бошқалар. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг у\ҚШ, Ғарбий Европанинг тўлов балансида асоратли тақчилликка эга мамлакатларига нисбатан мана шундай талабларни қўйди. Аммо, 1980 — йилларга келиб, вазият ўзгарди. Энди Европа Иттифоқи АҚШга нисбатан юқоридаги

талабларни қўйди.

Тақчилликни тўлов балансига эга бўлган давлатлар эса актив балансга эга бўлган ўз ҳамкорларидан импорт бўйича чекловларни камайтириш, мазкур мамлакатларга капитал чиқарилишини рағбатлантириш кабиларни талаб қилади.

Тўлов балансининг давлат томонидан тартибга солиниши — бу, давлатни, тўлов балансининг асосий моддаларини шакллантиришга ҳамда пайдо бўлган тақчилликни молиялаштиришга йўналтирилган иқтисодий, жумладан, валюта, молия, пул — кредит тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятининг умумий йиғиндисидир.

Мамлакатнинг халқаро ҳисоб — китоблари ва валюта — иқтисодий ҳолатига боғлиқ ҳолда тўлов балансини бошқаришнинг, ташқи иқтисодий операцияларни рағбатлантириш еки қисқартиришга йўналтирилган турли усуллари мавжуд.

Тўлов балансида тақчиллик мавжуд бўлган давлатлар томонидан экспортни рағбатлантириш, импорт қилинаётган товарларни камайтиришга, хорижий капитални жалб қилишга, капитални олиб чиқиб кетишни чегаралашга қаратилган қуйидаги тадбирлар қўлланилади:

Дефляцион сиёсат. Бу сиёсат, ички талабни камайтиришга йўналтирилган ҳолда, ўз ичига бюджет маблағларини аҳолига камроқ ишлатиш, баҳоларни ва иш ҳақларини музлатиш кабиларни қамраб олади. Унинг энг асосий инструментларидан бири бўлиб, молиявий ва пул—кредит чоралари ҳисобланади: бюджет тақчиллигини камайтириш, Марказий банкнинг ҳисоб ставкаларини ўзгартириши (дисконт сиёсати) кредит чекловлари, пул муассасининг ўсиб боришга чегара қўйиш. Иқтисодий пасайиш, ишсизликнинг юқори кўрсаткичи ва тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларининг шароитида дефляция сиёсатини қўллаш, ишлаб чиқариш ва бандликнинг янада пасайишига олиб келади. Бу эса, аҳолининг турмуш даражасига

сезиларли салбий таъсир кўрсатиб, вазиятни юмшатиш бўйича тезкор чора — тадбирлар қўлланилмаса, ижтимоий низолар келиб чиқади.

Девальвация. Миллий валюта курсининг пасайтирилиши. Бу тадбир миллий экспортни рағбатлантириш ва импортни жиловлаш билан боғлиқ мақсадларда амалга оширилади. Аммо, тўлов балансини тартибга солишда девальвациянинг роли, уни ўтказиш тартиблари ва уларга ҳамкорлик қилувчи мамлактнинг умумиқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ бўлади. Девальвация, фақатгина, рақобатбардош товарларнинг экспорт потенциали ва жаҳон бозоридаги қулай вазиятларнинг мавжудлиги шароитидагина товарлар экспортини рағбатлантириши мумкин. Девальвациянинг импортни чеклашга таъсири эса, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг байналминаллашуви ҳамда халқаро ихтисослашув даражасининг ривожланиши билан, мамлакатнинг импортни чеклаш бўйича кескин чоралар қўллаш имкониятлари пасайишидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳамма мамлакатларда ҳам импорт ўрнини рағбатлантиришга, бошқа томонлама эса, тўлов балансини босувчи товарлар ишлаб чиқариш сиёсати мувофаққиятли чиқавермайди.

Девальвация импортни чеклаши билан, мамлакат ичида товарлар ишлаб чиқариш ҳаражатларини ортишига, нархларнинг кўтарилишига ва оқибатда, ташқи бозорларда рақобатбардошлик қобилятининг йўқолишига олиб келади. Шунинг учун, бу тадбир мамлакатга вақтинчалик устиворлик бериши мумкин, аммо у тўлов балансининг тақчиллигини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга қодир эмас. Кутилган натижани олиш учун, девальвация етарли даражада бўлиши зарур. Акс ҳолда, у валюта спекуляциясини кучайтиради ва валюта курсини қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилади. Масалан, 1967 йил ноябрь ойида фунт стерлингни 13,4 фоизга девальвацияси ва 1971 йил долларнинг 7,89 фоизга девальвация қилиниши, ушбу валюталарга бўлаган спекулятив босимни йўқ қилаолмайди. Аммо, ҳаддан ортиқ

даражада амалга оширилган девальвация, бошқа валюталар курсини ҳам тушишига олиб келадиган, занжирли реакцияни амалга оширади. Ва натижада, девальвацияни амалга оширган мамлакат, рақобатда ўзи кўтган устиворликка эга бўлаолмаслиги мумкин. Айрим мамлакатлар, баъзи пайтда турли валюта курсларини қўллайди, масалан, иккита валюта бозорини ташкил этиш, ёки яширин девальвация шаклидаги. Сузиб юрувчи курслар тартибининг қўлланилиши, тўлов балансларини тенглаштириш имконини бермади. Тарқоқ ва баъзи ҳолатларда қўлланиладиган девальвация амалиётидан воз кечиш, халқаро ҳисоб— китобларда спекулятив капитал босимини пасайтирди. Аммо, уни сузиб юрувчи курс шароитида экспорт ва импорт нархларининг бозорда пасайиш нисбатига таъсир этмади. Шунинг учун, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда, девальвациянинг самарасини ошириш мақсадида, табақалаштирилган банклар ҳамда экспорт — импортга субсидиялар бериш! амалиёти қўлланилмоқда.

Валюта чекловлари. Ушбу тадбир экспорт қилувчиларнинг хорижий валюталардаги тушумларидан фойдаланишни чеклаш, хорижий валютани импорт қилувчиларга сотишни лицензиялаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, у валюта операцияларни махсус рухсатномага эга бўлган банкларда амалга оширилиши, шунингдек тўлов балансидаги тақчилликни камайтириш мақсадида, капитал экспортини чегаралаш ва унинг оқиб келишини рағбатлантириш, товарлар импортини чегаралашга қаратилган тадбирлар йиғиндисидир. XX асрнинг 70 — йилларининг охирида 80 — йилларининг бошларида жорий операциялар бўйича юритилаётган сиёсатнинг эркинлашувига қарамасдан, конвертирланадиган валютага эга бўлган мамлакатларнинг деярли 90 фоизида капиталларнинг халқаро ҳаракатида турли хил чекловлар мавжуд бўлган. Европа Иттифоқининг кўпчилик давлатлари ушбу чекловларни фақатгина ўтган асрнинг 90 — йилларга келиб бекор қилишди.

Молия ва пул — кредит сиёсати. Тўлов балансидаги тақчилликни бартараф этиш мақсадида экспорт қилувчиларга бюджет субсидиялари берилади, протекционистик (ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш) мақсадларида импорт божлари оширилади, мамлакатга пул оқимининг кириб келишини рағбатлантириш мақсадида қимматли қоғозлар эгаси бўлган хорижликлардан олинadиган солиқларни бекор қилиш каби чора — тадбирлардан кенг фойдаланилади. Шунингдек, пул — кредит сиёсати, банк ҳисоб сиёсати ва муомаладаги пулнинг массасини белгилат тадбирлари юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

■ Тўлов балансининг махсус моддаларини шакллантириш жараенида давлат томонидан кўрсатиладиган махсус таъсир чоралар — савдо баланси, "кўринмас" операциялар ҳамда капиталлар ҳаракати счетлари бўйича олиб борилади.

Савдо баланси— тартибга солишнинг муҳим объекти бўлиб хизмат қилади. Ҳозирда давлат назорати, нафақат муомала соҳасини, балки экспорт товарлари ишлаб чиқариш жараёнини ҳам ўз ичига қамраб олмоқда. Сотиш босқичида товарлар экспортини рағбатлантиришга, фақатгина уларнинг нархига таъсир кўрсатиш орқали эришиш мумкин. Экспорт қилувчиларнинг товарларни экспорт қилишидаги қизиқишини жонлантириш мақсадида, давлат уларга экспорт кредитларини беради, уларни иқтисодий ва сиёсий рисклардан суғурталайди, капитални имтиёзли амортизация қилишга шароит яратади ва бошқа молиявий имтиёзларни тақдим этади.

Жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиб бориши билан, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тартибга солиш борасида тармоқ ичидаги ихтисослашувни кучайтириш ва миллий фирмаларни хориж фирмалари билан кооперациялашувини амалга ошириш лозим бўлади. Халқаро ихтисослашувни кучайтириш мақсадида, барча мамлакатларда ҳукумат кичик ва ўрта бизнес вакилларининг экспорт фаолиятини

рағбатлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспортини кучайтириш, машина ва ускуналар кўринишидаги илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш рағбатлантирилмоқда.

Бугунги кунда экспортни давлат томонидан тартибга солиниши, товарларнинг чет элдаги бозорларини ўрганишдан бошлаб, уларни сотувдан кейинги хорижий хизматларини таъминлашни ҳам ўз ичига олмоқда. Экспортни рағбатлантириш усуллариининг қўлланилиши тобора комплекс равишда тус олмоқда. Улар ўз таркибига валюта, кредит, молиявий — ташкилий кўринишда экспортни қўллаб—қувватлаш ва реклама, ахборот, кадрлар тайёрлаш кабиларни ҳам қамраб олади. воситалар ердамида капитал олиб чиқиб кетишни четсисгш ҳамда товарлар экспортини рағбатлантиришда фойдаланилмоқда. Пассив тўлов балансига эга бўлинган ҳолатларда импортни тартибга солиш, мамлакат ичкарасида импортнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш механизмаларидан фсшдаланиш амалиёти ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда импортни чеклашда тарифсиз чекловлар қўлланиб келинаётган бўлиб, контрагентлар билан уларнинг ўз ҳоҳиши билан экспортни чегаралашга битим кузилади (масалан, АҚШ билан Япония, Испания, Мексика, Бразилия ўртасида XX асрнинг 80 —йилларда тузилган битимлар).

Тўлов балансининг "кўринмас" операциялари бўйича тўловлар ва тушумлар билан боғлиқ бўлган операцияларини тартибга солиш мақсадида қуйидаги чоралар қўлланилади:

мазкур давлат сайёҳлари томонидан валюта олиб чиқиб кетиш меъорларининг чегараланиши;

хорижий сайяхларни жалб қилиш мақсадида мамлакатда сайёҳликни йўлга қўйиш учун давлатнинг бевосита ёки билвосита аралашуви;

"Транспорт" банди бўйича ҳаражатларни камайтириш мақсадида бюджет маблағлари орқали денгиз транспортини қуришга кўмаклашиш:

■ илмий—техникавий битимлар, лицензиялар, савдо патентлари ва бошқалар савдоси орқали тушумни ривожлантириш мақсадида илмий изланиш ишларига давлат ҳаражатларини ошириш;

ишчи кучи кўчишини тартибга солиш, жумладан, хорижий ишчилар алмашувини қисқартириш учун иммигрантлар чиқишини чеклаб қўйиш.

Кагштал ҳаракатининг тартибга солиниши, бир томонлама мил/ий монополияларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини мувозанат ҳолатига келтириш учун хорижий валюта оқими ва миллий капитални репартация қилишни рағбатлантириш лозим. Шу мақсадда, ҳукумат чет амик хусусий инвесторларга қулай инвестиция муҳитини ташкил этиш орқали капитал олиб кирувчилар ва товар олиб чиқиб кетувчиларни рағбатлантиради. Инвестициялар бўйича ҳукумат кафолатлари, тижорат ва сиёсий рискларни суғурталаш орқали амалга оширилади.

8.4. Давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятида валюта курси муҳим аҳамият касб этади, чунки ушбу фаолият натижасида давлатлар ва турли субъектлар орасида мажбуриятларни бажариш, ҳисоб — китобларни амалга ошириш зарурати туғилади, уларни хал этиш учун эса албатта муайян бир валютани бошқа бир валютага нисбатан ўлчаш зарурати туғилади. Шу сабабли, азалдан жаҳон амалиётида барча давлатлар валюталарининг курси АҚШ доллари ва Буюк Британия фунт стерлингига нисбатан белгиланган.

Валюта курси — бу, бир валютани бошқа бир валютадаги ифодаси ёки баҳоси. Валюта курси — бу, хорижий валютани миллий валютадаги ифодаси. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 1 АҚШ доллари 1060

сўм ёки Россияда 1 АҚШ доллари — 31,34 рубль.4

Валюта курси, пулларнинг халқаро ҳаракати жараёнига таалуклидир ва умумий асосда миллий иқтисодни жаҳон ҳўжалиги билан алоқаларини ифодалайди.ўқ

Олтин девиз стандарти шароитида валюта курси аниқланганда, қоғоз пу.қ\ар заминида ётган олтин миқдорлари солиштирилган. Масалан, Буюк Британия 1 фунт стерлинги заминида, 1821 йилда, 7,322385 грамм олтин ётган, 1 немис марка заминида эса, 1873 йилда, 0,385422 грам олтин ётган. Бунга кура, 1 фунт стерлинг 20,43 немис маркасига тенг эди

Бундан ташқари, жаҳон валюта бзорида, "spot" операцияларида 2 курс берилади, яъни сотувчи ва сотиб олувчи курслари.

Баъзи давлатлар валюталарининг ички ва ташқи қиймати мавжудлигига қарамасдан, валюта назорати шароитида, оддий тижорат операцияларини амалга оширишда, асосан товар ва хизматлар импортида валюта ва "spot" курслари бир хилда шаклланилиши мумкин.

Форвард курси — бу, муддатли валюта шартномалари курсидир. У, келгусида маълум бир санага валютани етказиб бериш шarti билан стоиш ёки сотиб олиш баҳосидан иборатдир\ Бунда, муддатли валюта операциясида курс, шартнома тузилиш пайтида қайд этилади, унинг ижроси маълум бир муддат ўтгандан сўнг амалга ошса ҳам.

Амалиётда форвард курси "spot" курсига яқин. Фарқи шундаки форвард операцияларда валюта рисклари пайдо булади. Масалан, форвард курси валюталарни кучли ва кучсиз позицияларини, фоиз ставкалардаги фарқларни ҳисобга олиши лозим. Бу омиллар форвард курсини "spot" курсдан жиддий ошишига олиб келиши мумкин.

"Аутрайт" курси — бу, мукофот ва дисконт услуги орқали аниқланадиган муддатли шартнома курсидир.)

Кросс — курс — бу, икки валюта орасидаги курсни учинчи валюта орқали аниқлаш услуги ррдамида топилган курсидир. Валюта курсига

таъсир этувчи омиллар жуда кўп уларнинг ичида энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

1 .Иқтисодий усиш кўрсаткичлари (ялпи миллий махсулот бўйича).

1.Пул бирликларини сотиб олиш қобилятлари ва инфляция суръати.

Валюталарни сотиб олиш қобиляти бўйича бир бирига нисбатан ўлчаниши (сотиб олиш қобилятини паритети) қиймат қонунини акс эттирган холда валюта курсини асоси бўлиб хизмат қилади.

(Валюта курси ва пул бирлигининг сотиб олиш қобиляти орасидаги мувофиқлик ҳамма вақт ҳам кузатилмайди. Масалан, 1980 йил ичида АҚШ долларини курси Дойч маркага нисбатан 2% — га ўсган, аммо шу билан биргаликда ички бозорда долларни сотиб олиш қобиляти 13% —га, дойч марканики эса 6% —га пасайган, Бунинг сабаби шундаки, валюталарни кунлик курслар котиировкаси уларни сотиб олиш қобилятларига нисбатан коррсктировка қилинмаслигида ва валюта курсларига бошқа омилларни таъсирида.

Мамлакат тўлов балансининг ахволи бевосита валютага бўлган талаб ва таклифга, валта курсининг даражасига таъсир этади ва унииг у еки бу тарафга оғиб кетишига олиб келади.

Актив тўлов баланси миллий валюта курсини ўсишига олиб келади, чунки хорижий қарздорлар томонидан унга бўлган талаб ошиб боради. Пассив тўлов баланс эса, аксинча миллий валюта курсини пасайишига олиб келади.

Турли мамлкатлардаги фоиз ставкаларни бир бпридан фарқи. Фоиз ставкасини кутарилиши хорижий капиталларни

мамлакатга оқиб келишини рағбатлантиради. Фоиз ставкаларни пасайиши эса аксинча капиталларни мамлакатдан четга оқиб кетишига олиб келади, шу жумладан миллий капиталларни ҳам.

Капиталлар ҳаракати (оқими), айниқса "қайноқ" (чайқов) пулларни тўлов баланслар мувозанатсизлигини кучаитириб юборади.

Фоиз ставкалари валюта бозорлари операцияларига ва ссуда капиталлари бозорларидаги операцияларга таъсир этади. Операцияларни амалга оширишда банклар, максимал фойда олиш мақсадида, миллий ва халқро бозордаги фоиз ставкаларни фарқларини ҳисобга оладилар. Улар арзонроқ кредитларни хорижий ссуда капиталлари бозорида олиб, хорижий валютани миллий ссуда капиталлари бозорида нисбатан юқорироқ фоиз устидан жойлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Валюта бозорларини фаолияти ва чайқов валюта операцияларини валюта курсига кунъюнктур таъсири. Агарда бирор бир валютани курси пасайиб борса, бозор иштирокчилари уни нисбатан мувозанатлироқ валютага алмаштирадилар ва бу билан улар унинг қадрсизланишини тезлаштириб юборадилар.

Валюта бозорлари, мамлакат иқтисодида ва сиёсатида бўлаётган узгаришларга, курслар нисбатиини тебранишига тез акс таъсир курсатади.

Евробозорда у ёки бу валютадан фойдаланиш даражаси унинг курсига бевосита таъсир этади. Масалан, Евробанклар операцияларини 70 — 75% АҚШ долларида амалга ошиши, АҚШ долларига бўлган талаб масштабларини белгилайди.

Давлат томонидан мвуофиклаштириш ва мамлакат Марказий банкининг валюта сиёсати.

Мамлакатнинг тўлов қўбилияти ва жаҳон бозорида мамлакат миллий валютасига ишонч даражаси. Агарда мамлакатнинг иқтисодий ҳолати жаҳонда юқори баҳоланаятган булса, унда унинг валютаси кучли ҳисобланади ва иқтисодий жихатдан кучсизроқ ҳисооланган давлат валютасига нисбатан, юқорироқ баҳода сотилиши мумкин.

Кутилаётган инфляция даражаси, унинг суръатлари, ички бозорда пул массасини усиши.

Валюта курсига ундан халқаро ҳисоб—китобларда фойдаланиш даражаси ҳам таъсир этади. Масалан, 1980 йилларни ўрталарида АҚШ доллари зиммасига халқаро ҳисоб — китобларни 60% тўғри келар эди.

Э.Валюталарни курс нисбатларига яна халқаро тўловларни тезлашиши ёки секинлашиши ҳам таъсир этади.

8.5. Халқаро ҳисоб — китоблар — будавлат, компаниялар, корхоналар, бошқа мамлакатлар ҳудудларидаги фукароларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатлари натижасида вужудга келган пулли талаб ва мажбуриятлари буйича тўловларни амалга ошириш ва тартибга солиш тизимидир

Халқаро ҳисоб—китоблар ташки савдодаги товарлар ва хизматлар, ҳамда нотижсфат операциялари, давлатлараро кредитлар ва капиталлар ҳаракати, шу жумладан чет элларда қурилиш объектлари ва тараккий этаётган давлатларга ёрдам билан боғлиқ ҳисоб — китобларни ўз ичига олади.

Халқаро ҳисоб — китоблар — бу турли давлатлар ҳукукий шахслари ва граждaнлари орасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар туфайли вужудга келадиган пуллик талаблар ва мажбуриятлар буйича тўловларни тартибга солиш демакдир.

Халқаро ҳисоб — китоблар бир тарафдан тўловларни амалга оширишнинг амалиётда ишлаб қурилган ва қоидалар билан мустаҳкамланган шартлари ва тартибларини, бошқа тарафдан — банкларни шу тўловларни ўтказиш буйича қундалиқ амалий фаолиятини ўз ичига олади. Ҳисоб — китобларнинг асосий кўпчилик қисми нақд пулсиз банклар орқали амалга оширилади. Бунда халқаро ҳисоб — китобларни амалга оширишда йирик банклар етакчи роль ўйнайди. Халқаро ҳисоб — китобларда улар таъсирининг даражаси улар жойлашган давлат ташки иқтисодий алоқа — ларининг қўламига, миллий валютасининг амал қилиши, махсуслашганлиги, молиявий ахволи, муҳбир — банклари ва ишбилармонликдаги обрусига боғлиқ. Ҳисоб—китобларни амалга ошириш учун банклар ўзларининг чет эллардаги шахобчаларидан ва чет эл банклари билан муҳбирлик

алокаларидан "лоро" (мазкур банкдаги чет эл банки ҳисоби) ва "ностро" (мазкур банкнинг чет эл банкидаги ҳисоби) ҳисобларни очиш орқали фойдаланади. Мухбирлик битимлари ҳисоб—китоб тартибларини, воситачилик ҳақларини, сарф қилинган маблағларни тулдириш методларини аниқлайди. Халқаро ҳисоб — китобларни уз вақтида ва рационал амалга ошириш учун банклар одатда содир буладиган тўловларнинг структураси ва муддатларига мувофиқ турли валюталарда керакли валюталар позицияларини саклаб турадилар ва ўз валюта захираларини диверсификациялаш сиёсатини олиб борадилар. Юқори фойда олиш мақсадида банклар валюта активларини дунё ссуда бозорида шу жумладан евробозорда жойлаштиришни афзал кўрган ҳолда "ностро" ҳисобларида минимал колдикларни саклаб туришга интилади.

Халқаро ҳисоб—китоблар доирасида банклар фаолияти бир томондан, уларнинг миллий қонунчилиги томонидан тартибга солиб турилади, бошқа томондан — ўрнатилган тартиб ва урф — одатлар ҳолида мавжуд бўлган амалдаги тажриба билан аниқланади ёки алоҳида ҳужжатлар билан муста ҳкамланади.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида халқаро ҳисоб— китобларнинг бир—биридан техникасининг мураккаблиги, белгиланган мақсади ва қўллаиш шартлари билан фарқ қилувчи турли шакллари қўлланилади.

Қўлланилаётган операциялар характери буича савдо ва носавдо ҳисоб — китобларга булинади.

Халқаро савдо ҳисоб — китобларига маҳсулот ва хизматлар экспорти ва импорти билан боғлиқ бўлган барча операциялар қиради. Халқаро носавдо ҳисоб — китоблар хорижий сайёҳларга ва Ўзбекистон сайёҳларига хизмат курсатиш билан, турли фондлар ташкил қилиш орқали турли молиявий ёрдам курсатиш билан боғлиқ бўлган ва халқаро савдо ҳисоб—китоблари туркумига қирмаган бошқа операцияларни уз ичига олади.

Субъектлар характери буйича:

а) давлатлараро ҳисоб—китоблар: кредиторлик ва дебиторлик қарзларини тартибга солиш учун давлатлараро даражасида олиб борилади;

б; Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий шахсларнинг халқаро ҳисоб — китоблари: хорижий ҳамкорлар билан ҳисоб — китобларда ишлатилади;

в) жисмоний шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган хорижий фирмалар, ва ваколатхоналарнинг халқаро ҳисоб— китоблари: Ўзбекистон Республикаси хусусий шахслари билан хорижий фирмалар, ҳамда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган хорижий фирмалар ва ваколатхоналар билан хорижий давлатдаги фирма ва шахслар орасидаги халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солади.

Халқаро ҳисоб—китоблар халқаро айланишда Қўлланиладиган турли тўлов воситалари — векселлар, банк тўлов ҳужжатлари, чеклар, пулли аккредитивлар, телеграф ўтказмалари ёрдамида амалга оширилади.

Бундан ташқари, халқаро ҳисоб — китобларда валюта маблағлари сифатида кредит ва тўлов ҳужжатлари ишлатилади.

Ҳозирги кунда амалда халқаро ҳисоб — китобларнинг Қўйидаги асосий шакллари қўлланилади: ҳужжатли аккредитив, инкассо, банк ўтказмаси, очик ҳисоб, аванс. Бундан ташқари ҳисобларга векселлар ва чеклар ёрдамида ҳам ҳисоб⁴— китоблар амалга оширилади. Халқаро ҳисоб — китоблар билан айрим ҳисоб—китоб турлари (масалан, инкассо, аванс, очик ҳисоб) бўйича банкларнинг кафолат операциялари ҳамбарчас боғланган, улар ташқи савдо ҳамкорларининг шартнома бўйича узларига қабул қилган мажбуриятларини бажарилишини қўшимча таъминлаш учун хизмат қилади. Тарихан халқаро ҳисоб—китобларнинг қўйидаги алоҳидаликлари шаклланган:

1. Импортёрлар ва экспортёрлар, уларнинг банклари ташқи савдо шартномалари орқали товар тарқатиш ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, жунатиш, урганиш, тўловларни амалга ошириш

билан боғлиқ бўлган муносабатларга киришадилар. Мажбуриятлар ҳажми ва улар орасида жавобгарликнинг тақсимланиши аниқ бир ҳисоб — китоб турига қараб белгиланади.

2. Халқаро ҳисоб — китоблар миллий қонунчилик норматив аклари ҳамда халқаро банк қоидалари ва одатлари билан тартибга солинади. АҚШдаги ягона шаклдаги савдо кодексида ҳисоб—китоблар, шу жумладан халқаро ҳисоб—китоблар нормаси акс эттирилган.

3. Халқаро ҳисоб — китоблар — унификация объекти бўлиб, у хўжалиқ алоқаларининг байналминаАқайқуви, банк операцияларининг универсаллашувини билан боғлиқ, 1930 ва 1931 йиллардаги Женева конференцияларида вексель ва чек қонунларини унификациялаштиришга ва халқаро ва ҳисоб — китобларда вексель ва чеклар ишлатилишидаги қийинчиликларни бартараф қилишга йўналтирилган халқаро Вексель ва Чек конверцияларини қабул қилинди. Ягона шаклдаги вексель қонуни кўпгина мамлакатлар миллий қонунчилигининг асоси бўлиб хизмат қилади. БМТнинг халқаро савдо ҳукуки бўйича комиссияси (ЮНСИТРАУ) вексель қонунчилигининг кейинги унификациясини амалга оширмоқда.

XX аср бошларида Парижда ташкил этилган Халқаро Савдо палатаси ҳужжатли аккредитивлар, инкасо бўйича унификацияланган қоидалар ва одатларни ишлаб чиқади ва нашр қилади. Массалан, инкассо бўйича биринчи қоидалар 1936 йилда ишлаб чиқилган, кейин 1967 ва 1978 йилларда қайта ишланган (1979 йил январдан қўлдан кирди). Жаҳоннинг кўпгина банклари аккредитивлар ва инкассоларнинг унификация қоидаларига қўшилганини эълон қилдилар. Халқаро савдо палатаси шартнома қафоқдтлари қоидаларини тайёрлаш бўйича иш олиб бормоқда.

4. Халқаро ҳисоб — китоблар, одатда ҳужжатли ҳарактерга эга. яъни молиявий ва тижорат ҳужжатларига қарши амалга оширилади. Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказма векселлар, чеклар, тўлов

тилхатлари киради. Тижорат хужжатларига:

а) инвойслар;

б) товар ортилган ёки жунатилгани ёки ортикча ортишга қабул қилинганини тасдиқловчи хужжатлар (коносоментлар, темир йўл, автомобиль ва авиация накладнойлари, почта квитанциялари, аралаш юк ташишга юк хужжатлари);

в) денгиз суғуртачилари рқи улар агентлари суғурта компанияларининг суғурта хужжатлари, чунки экспорт юклар одата суғурта қилинади;

г) бошқа хужжатлар — махсулот келиб чиқиши, оғирлиги, сифати ёки унинг анализини ҳамда чегарани кесиб ўтганлигини тасдиқловчи сертификатлар, таможня ва консуллик ҳисоблари ва бошқалар. Банк бу хужжатларининг таркибини ва мавжудлигини текширади.

5. Халқаро тўловлар турли валюталарда амалга оширилади. Шунинг учун улар валюта операциялари, валюта одди — сотдиси билан узвий боғланган. Буларнинг самарали амалга оширилишига валюта курсининг узгаришлари таъсир этади.

Халқаро ҳисоб — китоб шаклларини танлашга бир катор омиллар таъсир курсатади:

Ташқи савдо объекти ҳисобланган товарнинг ташқи кўриниши (машина ускуналар ёки масалан озик, — овқат жўнатилганда ҳисоб — китоб шакллари фарў қилади); кредит келишувининг мавжудлиги;

ташки иқтисодий келишувлар бўйича контрагентларнинг улар орасидаги келишмовчиликлар ҳарактерини аниқловчи тўлов қобилияти ва обруси;

жаҳон бозорларида шу товарга бўлган талаб ва таклиф даражаси.

Шартномада халқаро ҳисоб — китобларнинг шакллари ва шартлари келишилади.

Ҳисоб — китобларнинг аккредитив шакли. Хужжатли аккредитивлар учун унификациялашган тартиблар ва фойдаларга

мувофик аккредитив — бу шундай келишувки унга мувофик банк мижоз илтимосига кура учинчи шахсга (бенефициарга, яъни унга очилган аккредитивни) хужжатлар тўловини амалга ошириш ёки бенефициар томонидан тақдим этилган тратта акцептини тулаш ёки хужжатларни сотиб олиш (негоциация) мажбуриятини олади. Аккредитив бўйича банк мажбурияти мустақил ҳисобланади ва у тижорат шартномаси томонларининг ҳуқуқий муносабатларига боғлиқ эмас. Бу вазият банк ва унинг мижозлари фойдасини химоя қилишга йўналтирилган; экспортерга хужжатларни расмийлаштириш талабларини чекланишини ва фақат аккредитив шартлари бўйича тўловларни олишини, импортерга — экспортер томонидан аккредитивнинг ҳамма шартларининг тўла бажарилишини таъминлайди.

Аккредитив шаклида ҳисоб—китоб қўйидагича амалга оширади. Импортёр банк аккредитив очиш учун ариза беради. Аккредитив очган импортёр банки аккредитив хатни экспортёр мамлакатадаги узининг мухбир банкларидан бирига юбориб, уни авизоловчи банк этиб тайинлайди унга аккредитивни бенефициарга топширишни юклайди. Бенефициар ўз фойдасига очилган махсулот учун тўловни таъминловчи аккредитивни олгандан кейин махсулотни ортади хужжатларни авизоловчи банка тақдим этади, банк уз навбатида уларни банк—эмитентга тулаш учун юборилади. Хужжатларни тугрилигини текширгандан сунг аккредитив очган банк тўловни амалга оширади. Агар хужжат аккредитив шартларига мос келса, банк авизоловчи банк йуриқномаси бўйича пулини ўтказади ва хужжатларни импортёрга махсулотни олиши учун топширади. Келган тушум экспортёр ҳисобига ёзилади.

Аккредитив шартлари бўйича хужжатларни тўловини оширувчи банк (бажарувчи банк) сифатида авизоловчи банк ҳам тайинланилиши мумкин. Бу ҳолда у экспорт хужжатларни тақдим этиши билан тўловни амалга оширади ва кейин банк — эмитентдан амалга оширилган тўловни

(опилмаган аккредетивлар буйича) қоплашни талаб қилади. Одатда бажарувчи банк билан банк—эмитент бир—бирлари билан ўзаро мухбирлик ҳисоблари бўлмаса, у ҳолда ҳисоб — китобларда кўрсатилган банкларнинг мухбирлик ҳисоблари очилган учунчи банк (рамбурсловчи банк) иштирок этади. Аккредетив очилганда банк—эмитент рамбурсловчи банкка бажарувчи банк талабларини аккредетивда курсатилган муддатта ва қиймат чегараларида бажаришга йўриқнома (рамбурс ваколоти) беради.

Аккредетив шакллари хилма—хилдир ва қўйидаги принциплар бўйича класификацияланади:

1. Банк —эмитент томонидан аккредетивни ўзгартириш ёки бекор қилиш имкониятлари нуқтаи — назаридан:

а) чақириб олинмайдиган аккредетив банк — эмитентининг манфаатдор томонларнинг розилигисиз ўзгартирмаслик ва бекор қилмаслик қатъий мажбурияти;

б) чақириб олинадиган аккредетив — бенефициарни олдиндан огохлантормасдан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиши. Тегишликурсатмалар б улмаганда аккредетив чақириб олинмайдиган ҳисобланади.

2. Аккредетив бўйича бошқа банкнинг қўшимча мажбуриятлари нуқтаи —назаридан:

а) тасдиқланган аккредетив;

б) тасдиқланмаган аккредетив.

Агар банк — эмитент бошқа банки унинг чақириб олинмайдиган аккредетивни тасдиқлашни ваколатласа ёки сўраса, у ҳолда бундай тасдиқлаш (агар керакли ҳужжатлар тақдим этилган ва аккредетивнинг ҳамма шартлари бажарилган бўлса) тасдиқловчи банкнинг банк—эмитентнинг тўлов мажбуриятига, акцептига ёки тратта негоциациясига қўшимча қатъий мажбуриятини билдиради.

3. Аккредитивни қайта тиклаш нуқтаи — назаридан ролловер

(револьверли, қайта тикланадиган) аккредитивлар қўлланилади. Улар шартнома кийматининг бир қисмига аккредитив қисмига тула бажарилгандан кейин (бир катор ҳужжатлар туплами учун) олдинги кийматини қайта тиклаш шарти билан ёки ҳар бир ҳужжатлар туплами тақдим этилганда очилади. Қоида бўйича аккредитив матнида умумий тўлов миқдори курсатилади, унда ушбу аккредитив бўйича мажбуриятларнинг йигиндиси қўп бўлиши мумкин эмас. Айланиш бўйича ҳаражатларни қисқартиришга имкон берувчи ролловер аккредитивлар йирик кийматли, узок вақт давомида маҳсулотларни мунтазам ортиш шартномалари бўйича ҳисоб — китобларда кенг қўлланилмоқда.

4. Аккредитивни иккинчи бенифициарлар (маҳсулот ортувчилар, етказиб берувчилар) томонидан қўлланилиши имконияти нуқтаи — назаридан ўтказилувчан (трансферабель) аккредитивлар бўлади. Маҳсулот етказиб берувчилар томонидан туп — туплаб маҳсулот етказиб беришда бенифициар курсатмаси бўйича аккредитив тулалигича ёки қисман иккинчи бенифициарларга охиригисининг мамлакатада ёки бошқа — бошқа мамлакатда ўтказилиши мумкин. Трансферабель аккредитиви бир мартадан ортиқ ўтказилмайди.

5. Валютани копланиш мавжудлиги нуқтаи — назаридан копланган ёки копланмаган аккредитивлар. Банк — эмитент копланиш билан аккредитив очганда аккредитив кийматидаги валютани, қоида бўйича, авизоловчи банкка ўтказилади. Аккредитивни копланишнинг бошқа шаклларига депозитли ва тухтатилган (блоировка) ҳисоблари, суғурта депозитлари ва бошқалар киради. Ҳозирги шароитда копланмаган аккредитивлар қўпчилиқни ташкил қилади.

6. Аккредитивни сотиш нуқтаи — назаридан:

а) ҳужжатларга қарши тўлов аккредитивлари;

б) аккредитивнинг ҳамма шартлари бажарилган тақдирда банк — эмитентнинг тратта акцептини кузда тутувчи акцептли аккредитивлар;

с) тўлов вақти узайтирилган аккредитивлар;

d) хужжатлар неготиацияси аккредитиви. Хужжатли аккредитивлардан фаркли уларок пулли

аккредитив номи ёзилган хужжат булиб, унда курсатилган шартларга риоя килганда маълум вақт ичида олувчига пулли тулаш топшириги курсатилган булади.

Аккредитив шаклларида бири эркин неготиацияли циркуляр аккредитив. У уни бажаришни истаган исталган банка қаратилган бундай аккредитивлар қайтариб олинмайди ва ишбилармон доираларда машхур ва юқори обруга эга бўлган йирик банклар томонидан тақдим этилади, акс холда экспортерга уни реализация қилиш кийин б улади.

Ҳозирги шароитда яна компенсация ва "бэк —ту —бэк" аккредитивлар қўлланилмоқда. Бу шаклдаги аккредитивларнинг иқтисодий мазмуни қўйидагини билдиради. Чет элшОҳаридор топшириги билан фойдасига аккредитив очилган бенефициар махсулот ишлаб чиқарувчи эмас, балки воситачи ҳисобланади У махсулотни охирги ҳаридорга етказиб бериш учун уни сотиб олиши шарт. Агар махсулот ишлаб чиқарувчи фирма билан ҳисоб — китоб хужжатли аккредитив шаклида амалга ошириладиган булса, у холда шундай аккредитив очишни таъминлаш сифатида воситачи ташкилот банкка импортер томонидан унинг фойдасига очилган бирламчи аккредитивни таклиф қилиш мумкин. Айрим мамлакатлар, айникса АКШ, контрагентлар томонидан шартнома буйича узига олган мажбуриятларни бажариш кафолати булиб хизмат килувчи резервли кафолатли аккредитивни ("стэнд—бай" туридаги) ишлатишади.

Аккредитив шаклидаги ҳисоб — китоблар — энг мураккаб ва кимматдир. Аккредитив операцияларини бажариш учун (авизолаш, тасдиқлаш, хужжатларни текшириш, тўлов) банклар бошқа ҳисоб— китоб шакллари, масалан инкассага нисбатан кўпроқ воситачилик хаки оладилар. Бундан ташқари, аккредитив очиш учун импортер одатда

банкдан маълум фоиз эвазига кредит олади, бу эса бундай ҳисоб — китоб шаклини кимматлаштиради. Импортёр учун аккредитив шаклидаги ҳисоб — китоб унинг капиталининг сарфланишига ва сочилишига олиб келади. Чунки у аккредитивни маҳсулотни олмай ва сотмай туриб очиши керак, лекин айни вақтда банклар орқали экспортёр томонидан келишув шартларининг бажарилишини назорат қилиш имкониятини беради. Экспортёр учун аванс тўловларидан кейин аккредитив шаклидаги ҳисоб—китоблар анча манфаатли ҳисобланади, чунки у банкнинг тўловни амалга ошириш мажбурияти бўлган ягона ҳисоб — китоб шаклидир (банк кафолати операцияларидан ташқари).

8.6. Халқаро кредит ссуда капиталининг жаҳон оборотидаги ҳаракати ҳисобланади.

Халқаро кредит муносабатларининг субъектлари сифатида тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, йирик корхоналар, регионал ва халқаро молия— кредит ташкилотлари қатнашади.

Халқаро кредитни юзага келишига сабаб бўлиб, ишлаб чиқаришни миллий доира даражасидан ошириш, хўжалик алоқаларининг байналминаллашув жараёнини тезлаштириш, халқаро капиталларни умумлашуви ҳамда ишлаб чиқаришни махсуслаштирилиши ва кооперациялашуви натижаси ҳисобланади.

Халқаро кредит принциплари. Халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш қуйидаги принципларга асосланади:

1. Қайтариб беришлик: агар олинган маблағлар қайтарилмаса, пул капиталини қайтариб бермаслик шакли намоён бўлади, яъни молиялаштириш юзага келади;

2. Муддатлилик, яъни кредит шартномасида кўрсатилган муддатда кредитни қайтарилишини таъминлаш;

3. Таъминланганлик, яъни олинган кредитни тўлашнинг кафолатланганлиги;

4. Мақсадлилиқ, яъни ссудани аниқ объектларга йўналтиришни кўзлаш ва уни биринчи навбатда кредитор давлатнинг экспортини рағбатлантириш учун қўллаш.

5. Фоиз тўлашлиқ.

Халқаро кредит функциялари. Халқаро кредит халқаро иқтисодий алоқаларда ссуда капиталлари ҳаракатини ўзига хос хусусиятини намоён этиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш истеъмолни таъминлаш учун ссуда капиталларини мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлаш. Ссуда капиталлари халқаро кредит механизми орқали фойдаси кўпроқ, даромадлироқ бўлган тармоқларга интиладилар. Шу орқали кредит миллий даромадни ўртача даромадга тенглашиши имкониятни юзага келтиради ва унинг массасини ошишига олиб келади.

2. Хақиқий пулларни кредит пулларга алмаштириш, нақдсиз тўловларни ривожлантириш ва тезлаштириш ҳамда нақд валюта оборотини халқаро кредит операциялари билан алмаштиришлар орқали халқаро ҳисоб—китоблар муомаласидаги сарф —ҳаражатлар иқтисод қилинади. Халқаро кредит базасида халқаро ҳисоб—китобларнинг кредит маблағлари юзага келди — векселлар, чеклар, шу жумладан банклараро переводлар, депозит сертификатлари ва шу кабилар. Ссуда капитали муомаласини вақтинча тежаш орқали халқаро иқтисодий алоқалардаги капитални ишлаб чиқариш функциясини ўсишига, ишлаб чиқаришни кенгайтиришига ва фойдани ошишига олиб келади.

3 Капитални бир жойга тўпланиши ва марказлашишини тезлаштириш: чет эл кредитларини жалб қилиш туфайли қўшимча қийматини капиталга айланиш жараёни тезлашади, шахсий жамғармалар чегараси кенгаяди, бир давлат тадбиркорларининг капиталларига бошқа давлатнинг маблағлари қўшилиши оқибатида кўпаяди. Халқаро кредит аввалдан якка корхоналарни акционерлик жамиятларига айланишига, янги фирмалар ва монополияларни пайдо бўлишига хизмат қилади

Халқаро кредитнинг функцияларининг аҳамияти катта ва у миллий ва жаҳон ҳўжалиги ривожланишига қараб ўзгариб туради. Ҳозирги шароитда халқаро кредит иқтисодиётни тартибга солиш функциясини бажармоқда ва ўзи ҳам тартибга солиниш объекти бўлиб ҳисобланмоқда.

Халқаро кредит ўз функцияларини бажаришда иккиеклама роль ўйнайди — позитив (ижобий) ва негатив (салбий).

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги ижобий ўрни — уни такрор ишлаб чиқаришни ривожланишини таъминлашда ва кенгайтиришда намоён бўлади. Халқаро кредит ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади. Халқаро кредит ишлаб чиқаришни байналминаллашувига ва айирбошлашувига, жаҳон бозорини ташкил топишига ва ривожланишига, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашувига олиб келади.

Халқаро кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини қуйидаги йўналишлар орқали тезлаштиради.

Биринчидан, кредит мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини рағбатлантиради, шу орқали бозорда конъюнктурани кўтарувчи талабни юзага келтиради. Ташқи савдо кредитда халқаро норма бўлиб ҳисобланмоқда. Айниқса узок давр мобайнида тайёрланадиган, истеъмол қилинадиган ва баҳоси баланд товарлар учун. Маҳсулотларнинг баҳосини ва жаҳон савдосида машина ва асбоб — ускуналарнинг улушини ошиши экспортёрларни ҳам, импортёрларни ҳам ташқи савдо кредитларига бўлган қизиқишларини орттирмоқда.

Ҳозирги замон шароитида кредитор—мамлакатдан экспорт етказиб берувчи "боғлиқлик" кредитининг салмоғи ошди. Кредитланаётган давлатнинг товар)ларини сотиб олиш учун қилинадиган ҳаражат заёмнинг шарти бўлиб ҳисобланмоқда. Худди шу орқали халқаро кредит кредитор— мамлакат фирмаларининг рақобатбардошлигии оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, халқаро кредит чег эл хусусий инвестициялари учун

кулай муҳит юзага келтиради, чунки одатда кредитор — мамлакат инвесторларига имтиёзлар бериш мажбуриятлари қўйилади; инфраструктурани ташкил этиш, шу жумладан, чет эл ва қўшма корхоналарни фаолият кўрсатиши, халқаро капиталга алоқаси бор миллий корхона ва банкларнинг позициясини кучайишига ёрдам беради.

Учинчидан, кредит — мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига хизмат қилувчи халқаро ҳисоб — китоб ва валюта операцияларини тўхтовсизлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, кредит — мамлакат ташқи савдо операцияларини иқтисодий самарадорлигини оширади ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларини ривожланишига туртки бўлади.

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги салбий ўрни — бозор иқтисодиётини ривожлантиришда унинг қарама — қаршилигини кучайишида намоён бўлади. Иқтисодиётида номутаносиблик чуқурлашади, кредит — товарларни қайта ишлашни тезлаштиради, мамлакатлар ўртасида ссуда капиталларини қайта тақсимлайди ҳамда иқтисодий кўтарилиш ва даврий пасайиш даврларида ишлаб чиқаришни жуда тезлаштиради. Халқаро кредит ижтимоий ишлаб чиқаришдаги номутаносибликни кучайтиради, бунинг оқибатида даромадли тармоқлар ривожланиши осонлашади, шу билан биргаликда чет эл капитали жалб қилинмаган тармоқларнинг ривожланиши секинлашади.

Халқаро кредит — мамлакатларнинг ҳарид бозори учун рақобат кураш қуроли ҳамда капитални жойлаш соҳаси, хом ашёлар манбалари, ИТТ (НТП) соҳасидаги ютуқлардир.

Кредит сиёсати кредитор мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрнини кучайтиришга хизмат қилади.

Биринчидан, халқаро кредитни қарз сифатида олган мамлакатдаги даромадларни қарз берган мамлакатга олиб ўтишда фойдаланилади. Шу билан бирга ссудани қайтарувчи ҳар йилги фоиз тўловлари, жамиятнинг соф даромадини миқдорини кўпайтирувчи, ишлаб чиқаришни ўсишини

таъминловчи жамғармаларнинг ташкил топиши, шу жамғармаларнинг ташкил топиш манбадари қарздор мамлакатларга салбий таъсир этади.

Иккинчидан, халқаро кредит қарз олувчи мамлакат томонидан кредитор мамлакатлар учун қулай иқтисодий ва сирсий муҳит яратишни тақозо этади.

Етакчи мамлакатлар ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун банклар, ҳукуматлар, халқаро ва регионал валюта — кредит ва молия ташкилотлари орқали вақти — вақти билан уларга мос келмаган сиёсат юритаётган давлатларга нисбатан кредит дискриминациясини ва кредит блокадасини қўллашади.

Кредит дискриминацияси — бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи оғир ва қийин шартларни қўйишдир.

Кредит дискриминациясининг асосий методлари бўлиб, кредит бўйича чеклашлар, фоиз ставкасини, комиссиян йиғимларни ошириш, кутилмагандан кредитдан фойдаланишни тўхтатиш ёки кредит суммасини камайтириш ҳамда иқтисодий ва сиёсий ҳарактердаги чора — тадбирларни кўриш шартлари ҳисобланади.

Бозор иқтисодиети шароитида халқаро кредитдан фойдаланишда унинг иккиёқлама роли намоён бўлади, бир томондан мамлакатларнинг ўзаро фойдали" алоқаларини ривожлантирса, бошқа томондан — рақобат кураши воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришнинг ва айирбошлашнинг байналминаллашуви, жаҳон ҳўжалиги алоқаларини янги шакллари вужудга келиши халқаро кредит шакллари хилма — хиллигини ривожланишига объектив асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро кредитнинг асосий шакллари.

Халқаро кредит шакллари бир неча турга бўлиб гуруҳлаш мумкин.

Манбалари бўйича ташқи савдони ички ва ташқи (чет) аралаш кредитлаш ва молиялаштириш бўйича фарқланади.

Вазифалари бўйича заём маблағлари ҳисобидан қандай ташқи иқтисодий битимни таъминланиши бўйича фарқланади: тижорат кредити (асосан ташқи савдо ва хизматлар билан боғлиқ кредитлар);

молиявий кредит (юқоридагилардан бошқа мақсадларга ишлатиладиган, шу жумладан, капитал қуйилмалар, инвестицион объектлар қуриш, қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш, ташқи қарзни узиш, валютавий интервенцияга боғлиқ кредитлар);

"оралиқ" кредити (капитални олиб келишни аралаш шаклига хизмат қилишга белгиланган товар ва хизматлар, масалан, пудрат ишларини бажариш кўринишида).

Халқаро кредитнинг кўриниши бўйича 2 та асосий шаклга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Халқаро банк кредити;
2. Халқаро тижорат кредити.

Халқаро банк кредити асосан валюта (пул) кўринишида бўлади.

Халқаро тижорат кредити эса, одатда товар кўринишига эга.

Ана шу 2 та асосий кредит шаклидан келиб чиқадиган бир қанча кредитлар мавжуд:

- 1 Фирманинг (тижорат) кредити — одатда экспортёр

мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечиктириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади. Ташқи савдода тижорат кредити товарли операцияларга боғлиқ ҳисоб — китобларда кенг қўлланилади. Тижорат кредитининг ва жаҳон бозори конъюнктураси шартларига, товарлар турларига ва бошқа бир қатор факторларга боғлиқдир. Машина ва асбоб —ускуналар (технология, жиҳозлар)нинг экспортини кенгайтириш халқаро кредит муддатини узайтиришга олиб келди. Тижорат кредити одатда вексель ёки очиқ счётлар бўйича бериладиган кредитлар орқали расмийлаштирилади.

2. Векселли кредитда экспортёр товарни сотиш хақида битим тузиб, ўтказма вексел (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат ҳужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

3. Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредит. Бу кредит экспортёр ва импортёр ўртасидаги келишувга асосланади. Экспортёр жўнатилган ҳар бир товарлар қийматини импортёрнинг ҳисобига қарз сифатида қайд қилиб боради. Импортёр шартномада кўрсатилган вақтда кредит суммасини тўлаб боради. Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредитлар фақатгина доимий алоқада бўлган фирмалар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

Тижорат кредитининг яна бир турига импортёрнинг аванс тўлови (сотиб олувчининг аванси)ни киритиш мумкин. Бунда шартнома тузилаётган пайтда импортёр томонидан ҳаёт эллик мол етказиб берувчига одатда машина, асбоб—ускуналар (технология)нинг қийматидан 10—15 фоизи олдиндан тўланади.

Ҳарид аванси (покупательский аванс) экспортни кредитлашнинг бир формаси бўлиб ҳисобланади ва шу вақтнинг ўзида импортёрнинг мажбуриятини таъминловчи воситадир. Чунки импортёр ўзи буюртма берган товарни сотиб олишга мажбур бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг импорт билан шуғулланувчи фирмалари ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ҳарид авансидан шу давлатларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб кетишда сройдаланмоқдалар.

Аванс тўлаган томоннинг айби билан шартнома бажарилмай қолса, сарф — ҳаражатлар ундирилган ҳолда маблағ қайтарилади. Агар шартнома аванс олган томоннинг айби билан бажарилмай қолса, у сотиб олувчига барча ҳаражатларни тўлаган ҳолда маблағни қайтариши шарт.

Аванс — шартномани бажарилишини воз кечиш мумкини бўлган битимга нисбатан рағбатлантиради. Воз кечиш мумкин бўлган битимда

эса, зарар кўрган томоннинг ҳаражатларини тўлаш мажбуриятларидан иккинчи томон озод бўлади. Баъзан ҳарид — сотиб олувчининг аванси (ПА) тўловни кечиктиришга ўзаро мослашади, бунинг устига тенг улушлар билан маълум интервалларга бўлинади (ой, квартал, 1 йил).

Тижорат кредити сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабатни намоён қилсада, у одатда банк кредити билан қўшилиб мослашади. Машина ва асбоб — ускуналарни сотишда тижорат кредити узок муддатга берилади (7 йилга), бу эса ўз навбатида экспортернинг анчагина маблағини жалб қилиб олади. ИЛйу сабабдан экспортёр, конундагидек, банк кредитига мурожаат қйлади ёки ўз кредитини банкларда ремолиялаштиради.

Гижорат кредити ҳажм ва молиялаштириш шартлари бўйича машина ва асбоб — ускуналарни экспортини кредитлаш муаммосини тўлиқ еча олмаганлиги сабабли, банк кредитларининг роли ошади.

Банк кредитлари.

Банк кредити — экспорт ва импортни кредитлашда ссуда формасида намоён бўлади ва у товарлар, товар ҳужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр — фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.

Халқаро савдода банк кредитлари тижорат кредитларига нисбатан устунликка эга. Улар кредит олувчини олган маблағларидан товарлар сотиб олишга мустақил фойдаланиш имкониятини туғдирадилар, мол етказувчи фирмадан кредит сўрашдан озод этадилар ҳамда охирги товарларга ҳисоб — китобларни банк кредитидан фойдаланиб тўлайдилар. Хусусий банклар кўпинча давлат маблағларини ва унинг кафолатини олган ҳолда экспорт кредитларини 10—15 йилга бозор ставкасидан пастроқ ставкада берадилар. Лекин, банклар қоида бўйича, кредитдан ўз мамлакатлари ҳудудидагина фойдаланишни чегаралаб,

унинг интилишини маълум мақсадли қилиб қўядилар, масалан, фақат ўзларини қизиқтирган фирманинг товарларини сотиб олишга йўналтирадилар. Шу орқали банк кредити фирма кредити хусусиятларини ўзида мужассам этади. Банк кредитини банклар, банкир уйлари ва бошқа кредит муассасалари берадилар.

Харид кредити.

Харид кредитининг ўзига хос хусусияти бўлиб, экспортёр банкнинг тўғридан тўғри миллий экспортёрни кредитламасдан, балки чет эллик харидорни, яъни, импортёр мамлакат фирмаси ва унинг банкини кредитлаш ҳисобланади. Шу орқали импортёр керакли товарларни етказган мол етказиб берувчилар тўловни харидорга ёки банкка қарз сифатида қайд қилади. Одатда, бундай кредитлар маълум бир фирманинг товарлари ва хизматларидан фойдаланишда қўлланилади. Бундай кредитлаш шартномасида экспортёр иштирок этмайди, бу эса ўз навбатида кредитнинг баҳосини ошириш имкониятини йўқотади. Банк кредитининг харидорга бўлган нархи, қоида бўйича ссуда капиталлари бозоридаги заём маблағлари нархидан анча паст бўлади, бу эса ўз навбатида уларнинг рақобатбардошлигини оширади

8.7. Валюта сиёсати — бу халқаро валюта муносабатлари соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндисидир.

Валюта сиёсати ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмидир. Валюта сиёсати ҳар доим ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатининг стратегик мақсадларига мос бўлиши керак. Валюта сиёсати икки турини ажратиш мумкин: а) жорий; б) перспектив.

Валюта сирсатининг асосан икки шакли бор:

— дисконт сиёсати;

— дивиз сиёсати;

Дисконт сиёсати бу Марказий банкнинг учёт ставкасини

ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сирсатидир,

Дисконт (фоиз ставкаси) ставкаси — ссуда капиталининг йиллик даромадини унинг абсолют катталигига иисбатидан келиб чиқади. Демак, фоиз ўзининг иқтисодий маъноси бўйича ссуда капиталидан фойдаланганлик учун тўланадиган қўшимча қийматдир, Фоиз ставкалари одатда фойда нормаси орқали аниқланади, лекин амалиётда фоиз ставкаси даражаси ссуда капиталларига бўладиган талаб ва таклифдан келиб чиқади. Бу талаб ва таклиф бир қанча фундаментал иқтисодий ва бошқа омилларга боғлиқдир. Шу жумладан, цтс\ фазасидан, инфляция даражасидан, иқтисодни давлат томонидан монопол бошқаруви, марказий банклар сиёсати ички омиллардир.

Дисконт сийасатининг қуйидаги турлари мавжуд.

1. Учёт ставкаси Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир

Марказий банкнинг учёт ставкаси — 0.5% муддати (одатда 2 — 7 йил) турлича бўлади 2. Тижорат банклари Марказий банкдан ўзларининг портфелидан қимматбаҳо қоғозларни гаровіа қўйиш орқали кредит олиш — бу ломбард кредити ҳисобланади. Ломбард кредит фоиз ставкаси — ломбард ставкаси ҳисобланади. Ломбард ставкаси ҳар доим учёт ставкасидан икки — уч пункт юқори юради.

3. Тўғридан тўғри кредит о,шш, Ўзбекистонда учинчи йўли мавжуд.

Капиталларнинг давлатлараро эркин тарзда ҳаракатларда мавжуд бўлган Марказий банкнинг учёт ставкасини ўсиши бу мамлакатга хорижий мамлакатлардан вақтинчалик бўш валютавий маблағларни оқиб келишига сабаб бўлади. Бу эса тўлов балансининг активлашувига ва миллий валюта курсининг кўтарилишига олиб келади.

Дивиз сиёсати бу давлат органларининг чет эл валюталарини

сотиш ёки сотиб олиш орқали миллий валюта курсига таъсир этиш сиёсатига айтилади. Дивиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли бу валюта интервенцияси ҳисобланади.

Валюта интервенцияси бу Маркази?! банк томонидан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларидир.

Ўзбекистон Республикасида валюта интервенциясининг асосий мақсади Республика Валюта Биржаси фаолиятини узлуксизлигини таъминлашда иборат. Валюта интервенцияси одатда қисқа муддатли вақт оралиқларида ғавқулотда юзага келадиган миллий валюта курсларини кескин тебранишига барҳам бериш мақсадида қўлланилади.

Дивиз сиёсатининг валюта интервенциясидан бошқа яна бир қанча турлари мавжуд. Шуларнинг асосийлари сифатида Қуйдагиларни ажратиш мумкин:

- валютавий чеклашлар;
- девальвация; -ч
- ревальвация;
- чет эл валютасидаги резервларни диверсификация қилиш.

Валютавий чеклашлар одатда миллий валюта курси ва тўлов балансининг ҳолатини кескин ёмонлашиб кетиши олдини олиш мақсадида қўлланилади. Валютавий чеклашлар асосан тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида жуда кенг қўлланилади.

Резидентлар — ҳуқуқий шахсларга сўмни эркин валюталарга конвертирлаштириш борасида маълум чеклашлар мавжуд. Бу чеклашлар конвертациялашда айрим товар турларига енгилликлар бериш жараёнида маълум бўлади. Валютавий чеклашларнинг энг юқори шакли валюта қамали ҳисобланади.

Валюта қамали деб халқаро ташкилотлар ёки айрим мамлакатлар гуруҳи томонидан баъзи бир мамлакатларга нисбатан валюта тушумларининг келиш жараёнида тўсқинлик қилиш тушунилади.

Девальвация — бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосда пасайтирилиши.

Девальвациянинг келиб чиқишига сабаб бўлиб, инфляциянинг кучайиши ва мамлакат тўлов балансининг салбий қоддиққа эга бўлиши ҳисобланади. Девальвациянинг юзага келишига қуйидаги икки омил сабаб бўлади:

1. Девальвация экспортни рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.
2. Миллий валютанинг реал харид баҳоси билан расмий курс ўртасида фарқ пайдо бўлганда амалга оширилади.

Ревальвация — бу миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан ошириш. Ревальвация асосан импортни рағбатлантириш ва митулий бозорни ўша мамлакат товарлари билан тўлдириш мақсадида қўлланилади.

Чет эл валюталарини диверсификация қилиш — бир вақтнинг ўзида бир нечта чет эл валютасида резервлар ташкил қилиш тушунилади. Ҳозирги кунда диверсификация резервлар таркибидаги ностабил валюталарни сотиб, ўрнига стабил валюталарни сотиб олиш тарзида амалга ошириляпти.

Таянч иборалар:

Валюта тизими, дивиз, халқаро кредит, жаҳон валюта тизими, тўлов баланси, тўлов балансини таркиби, пассив савдо баланси, хорижий инвестициялар, тўлов балансини таркибга солиш, дефляцион сиёсат, девальвация, валюта чекловлари, валюта курси, спот курс, форвард курс, кросс курс, халқаро ҳисоб—китоблар, импортер, экспортёр, аккредитив, инкассо, клиринг, халқаро кредит, валюта сиёсати, девиз сиёсати

Назорат саволлари:

1. Валюта муносабатлари ва уларнинг ҳукукий асослари
2. Валюта операциялари ва уларни бошқариш тартиби

3. Халқаро молия ва капитал бозори вауларни тахлили"ў
4. Валюта муносабатлари тизимида банкларнинг урни.
5. Халқаро валюта қонунчилиги.
6. Ўзбекистон Республикасида валюта тизимини ривожланиши"
7. Чет эл валютасида кредитлаш.
8. Халқаро ҳисоб—китоблар ва унинг республика тижорат банклари томонидан ишлатиладиган асосий шакллари.
9. Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг валюта
10. Банкларнинг валюта операцияларидаги валюта riskлари ва уларни бошқариш"

9-боб. Республикада амалда бўлган солиқлар ва солиқсиз тўловларга тавсифнома.

Ўзбекистон Республикаси солиққа тортиш тизимида амалда бўлган солиқли ва солиқсиз тўловлар ҳамда уларни амал қилиш доираси. Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдириб, бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганида, ишлар бажарганида ёки бозорларда олди-сотди қилганда ҳам пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабати бўлиш учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий мащсулот (тўғрироғи, яъни миллий мащсулот) қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тыплаш жараёнини амалга оширади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлади, уларга: мажбурийлик, хазинага тушишлик, қатъийлик ва доимийлик, аниқ солиқ тўловчи учун эквивалентсизлик белгилари мавжуддир.

Биринчи белги - мажбурийлик. Солиқ ва йиғимлар мажбурий бўлади, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қяйди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ Кодексининг тамойили асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий томондан давлат учун кафолатланган.

Иккинчи белги солиқларнинг давлат мулкига айланишидир. Солиқлар албатта хазинага - давлат бюджетига ва бошқа давлат пул фондларига тушади. Борди-ю, тўлов бошқа ихтиёрий фондлар - «Истеъдод», «Экосан», «Камолот», «Нуроний» жамёармаларига тушса, унда солиқ муносабати бўлмайди. Чунки мажбурийлик тамойили йық, у тўлов давлат мулкига тушмайди.

Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихда 50 ва 100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Илмий асоси қанча чуқур бўлади, солиқлар шунча қатъий ва узок йиллар ўзгармасдан ҳаракат қилади ёки жуда кам ўзгаради.

Тыланган солиқлар мамлакат миқёсида ҳаммага бир хил миқдорда қайтиб келади. Лекин, давлатга тыланган солиқ суммаси тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ қайтиб келмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи бу йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан щеч фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тылаган солиқ ва йиғимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, тартиб-интизомни ырнатиш ва бошқа ижтимоий-зарурий хизматлар) орқали ўзларига қайтиб келади. Демак, солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан олганда ҳамма солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун тыланадиган (тўлов) ҳакдир. **Солиқлар бюджетга ва давлат пул фондларига келиб тушадиган, мажбурий ҳарактерга эга бўлган пул тўлови**

муносабатларидир. Шунингдек, солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари, шу жумладан, молиявий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс, тадбиркор ўз товарига эркин башо белгилаши, мащсулот етказиб берувчини топиши ва ўзи истеъмолчини топиб унга мащсулотни сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб, бюджетга оддий ажратма сифатида ололмайди. Солиқ қилиб олиш учун Олий мажлиснинг қарори зарур, яъни қонун билан олинган тўлов бюджетга ытади. Эркин иқтисодиёт шароитида солиқлар ҳам эркин, очик, аниқ бўлади, демократик тўловга айланади.

Солиқлар иқтисодий категория бўлганлигидан тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатини, албатта, эътиборга олиш зарур. Солиқ тўловчилар даромадини давлат истаганича ололмайди, солиқларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Бу ҳақида қыплаб йирик иқтисодчилар ва давлат арбоблари ўз асарларида кўрсатиб ытган. Уни давлат, шу билан бирга солиқ тўловчиларнинг мащсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолиятини ҳисобга олиб солиқ белгиланади. Иккинчи томондан, солиқлардан макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадалари учун етарли молиявий ресурслар тыплаш учун фойдаланилади. Солиқлар моҳияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узок муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади. Аниқроқ айтсак бу ерда иқтисодий муносабат, яъни пул муносабати мавжуддир.

Бир хил мощиятга эга ва ўзаро муносабатда боғлиқ бўлади марказлашган пул фондини ва давлатнинг бошқа фондларини мажбурий ташкил этадиган солиқ ва йиғимлар турларининг йиғиндисига *солиқлар тизими* деб аталади. Бу таърифда солиқ ва йиғимлар ягона мощият, яъни «мажбурий характерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва нищоят бюджетга тушишлигини кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси мазмунига мос келади. Шу ерда бахсли масала ҳам мавжуд, яъни давлатнинг бюджетдан ташқари фондларига (пенсия, ижтимоий суғурта, бандлик, йўл фондлари ва бошқалар) тўловларни ҳам мажбурийлик нуқтаи назардан солиқ тизимига киритиш муаммоси мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 5-8 моддаларига биноан солиқлар тизими қуйидаги таркибга эга бўлади, унга кейинги ўзгартиришлар ҳам киритилган.

Ўзбекистонда солиқлар тизими таркиби

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
Юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ.	Мол-мулк солиғи. Ер солиғи.
Жисмоний шахслар даромадига солиқ.	Ягона солиқ. Инфратузилмани ривожлантириш

Қышилган қиймат солиғи. Акциз солиғи. Ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи. Экология солиғи. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. Савдо ва умумий овкатланиш ташкилотларидан ялпи даромад солиғи. Божхона божи. Давлат божи. Бошқа даромадлар.	солиғи. Жисмоний шахсларнинг транспорт ёқилиғиси учун истеъмол солиғи. Жисмоний шахслар четдан товарлар олиб келганлиги учун ягона божхона тўлови. Савдо ҳуқуқ йиғими, шу жумладан алоҳида товарларни турларини сотиш лицензия йиғими. Ишбилармонлик билан шуғулланувчи ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни руйхатдан ўтказиш йиғими. Бошқа тўловлар.
---	---

Жадвалда кўриниб турибдики, шозирги кунда солиқ кодексда 7 та умумдават (республика) солиқлари ва 4та маҳаллий солиқлар кўрсатилган. Ызгартиришлар билан уларнинг сони йиғимлари ҳам қышиб кўрсатилган. Солиқ ва йиғимлар бир-бири билан боғлиқ бўлади, окибат натижасида улар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг пул даромадларидан олинади. Демак, солиқ ва йиғимларнинг жами йиғиндиси суммаси солиқ оғирлиги тушунчасини келтириб чиқаради.

Солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳлаш.
Солиқларни гуруҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсирларни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб тўрт гуруҳга былинади:

Оборотдан олинадиган солиқлар

Даромаддан олинадиган солиқлар

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқлар

Ер майдонига қараб олинадиган солиқлар .

Оборотдан олинадиган солиқларга қышилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек мащсулот реализацияси оборотидан эмас, балки мащсулотларни юклаб юборган қиймат билан улчанади (ҚҚСда). Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига), жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан солиқлари киради. Бу гуруҳ солиқларга инфраструктурани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқ хўжалик) ва жисмоний шаахсларнинг ер солиқлари киради. Харажатлардан олинадиган солиқларга эса экология солиғи киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тығри солиқларга ёки бевосита ва билвоста былинади. Тығри солиқларни тығридан тығри солиқ тўловчиларнинг ўзи тылайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, шақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тығри солиқ юкини бошқаларга ортиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқларга ҳамма даромаддан тыланадиган ва барча мулк солиқлари киради.

Тығри солиқлардан тығридан-тығри даромаддан солиқ тыланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кып қисмини уларга колдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари кыпайтирилса, бизнес имкониятлари камая бориб, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак бу гуруҳ солиқларнинг ставкалари тығридан-тығри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлангандир.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари мащсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилардир (хизмат кўрсатувчилардир). Лекин солиқ оғирлигини шақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат) ни истеъмол қилувчилардир, яъни шақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига устама равишда куйилади.

Бу солиқларнинг ижобий томони Республикада ишлаб чиқарилган товарларни четга чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарлар кып бўлишига ёрдам беради. Эгри солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда уларнинг такчиллиги ортади. Эгри солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тығридан тығри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкеси таҳлил килинмасдан ошириб юборилса корхоналар сотиш кийинчилигига учраб фойда олишни ҳам бюджетга тўловларни ҳам камайтириши мумкин.

Бу солиқларнинг яна бир томони муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инфлярозни жиловлаб боради. Бироқ бу солиқлар мешнат билан банд бўлган аҳолининг реал даромадини пасайтиради. Корхоналарда тығри солиқлар ставкасини камайтириш ҳисобига берилган имконият кыпроқ мащсулот ишлаб чиқаришни кыпайтириб, товарлар ассортиментининг ошишини таъминлаши керак.

Жащн солиқ амалиётида тығри ва эгри солиқлар нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётини ривожланиши ёки иқтисодий кийинчиликларни борлигини таҳлил қилиб бериш мумкин. Масалан. АҚШ да тығри солиқлар салмоғининг бюджет даромадида 90 фоизга яқин бўлиши бу ерда ривожланган бозор иқтисодиёти мавжудлигидан дарак беради.

Эгри солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиқлари киради. Юқорида айтиб утилганидек, тығри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб бир-бири билан ўзаро боғланган. Умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш иккинчисини ставкасини оширишни талаб этади.

Солиқларнинг умумдават (республика) ва маҳаллий солиқларга былиниши шукумат идораларининг республика шукумати ва маҳаллий шукуматларга былиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир шокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Республика шукумати умумдават миқёсида катта вазифаларни мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, меънаткашларга ижтимоий щимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлиши шарт. ҚҚС, акциз солиғи, юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)дан, фуқаролар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдават солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Агар келгуси йил маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари (солиқлари) кыпайиб колса, республика солиқлардан ажратма беришнинг хожати қолмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятига эга бўлади, бюджетга тыланиши лозим бўлган тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар шукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий шукуматлар асосан меънаткашларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50-60 фоизга етказиш каби шукумат қарорлари мавжуд. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кыпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий шукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда, ҳар хил молиявий камчиликларга йўл қўйиш эҳтимоли бор. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фақат шу шудуднинг бюджетига тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда илгари кўрсатганимиздек шудуддан тушадиган солиқлардан ажратмалар берилади(масалан, ҚҚС, даромад солиғи ва бошқалар). Амалиётда шу солиқлардан маҳаллий бюджетларга улар бюджетини барқарорлаштириш

учун 100 фоизгача ажратма бермасдан туриб субвенция (мақсадли ёрдам) бериш ҳоллари учрайди. Ваҳоланки, маҳаллий шукуматларни ўз шудудларидан тушадиган солиқларни ундиришга қизиқтириш учун 100 фоизгача ажратмалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Субвенция ёки субсидия услублари эса маҳаллий шукуматларнинг республика шукуматига мурожаат этиш лозимлигини билдириб, уларни ўз шудудларидаги солиқлар тўлиқ ундирилишини қизиқтирмайди, улардаги боки беёамлик фазилатини кучайтиради. Маҳаллий шукуматлар ўз хохишларича солиқ ва йиғимлар киритиш ҳуқуқига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида кўрсатилган солиқларнинг ўз шудудларида қўллаш ёки қылламаслик ҳуқуқи бор. Ундан ташқари маҳаллий солиқлар (мол-мулк ва ер солиғидан ташқари) ва йиғимлардан бюджетга тушган сумма атрофида солиқ тўловчиларга имтиёзлар бериш ҳуқуқига эга. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга тўлиқ тушишини ташкил қилиш уларнинг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

2. Юридик шахсларнинг солиқли ва солиқсиз тўловлари тавсифи. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тыланадиган солиқ ва йиғимларнинг шал қилувчи қисмини юридик шахс солиқлари ва бошқа тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар Республика (умумдавлат) бюджетига қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тылайдилар:

Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солиқ;

Қышилган қиймат солиғи;

Акциз солиғи;

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Савдо ва умумий овкатланиш корхоналарининг ялпи даромадидан солиқ;

Божхона божи;

Давлат божи;

ДАН йиғими; Жарималар; Бошқа тўловлар;

Юридик шахслар маҳаллий бюджетларга қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тылайдилар:

Кичик бизнеснинг ягона солиғи;

Мол-мулк солиғи;

(Реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ - 2003 йилдан бошлаб бекор килинди).

Инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

Савдо ҳуқуқини олиш йиғими;

Алоҳида товарларни сотиш учун лицензия йиғими;

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни руйхатдан ўтказиш йиғими;

Дехкон бозорида бир йўла йиғим;

+ишлоқ хыжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи;

Ноқишлоқ хыжалик ташкилотлари учун ер солиғи;

Бошқа тўловлар.

Юридик шахслар солиқ тўловчи бўлиши учун юридик шахс макomini олганидан ташқари, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган былишлари зарур ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан оборотга эга былишлари ҳамда статистика идораларида, шокимиятлардан руйхатдан ытган (кодга эга) былишлари шарт ҳар бир юридик шахсга идентификацион ракам берилади.

Юридик шахс бўлиб мулкка эга былишлик, бордию солиқдан ёки бошқа субъектлардан қарздор бўлиб қолса, бошқа чоралар кырилганда етарли бўлмаса, ана шу мулкларини сотиб (суд қарорига асосан) солиқдан қутилиш имконияти яратилади.

Юридик шахслар солиқларини бюджет даромадларини шакллантириш ва пул муомаласини мустахкамлашдаги аҳамияти.

Илгари айтганимиздек, юридик шахсларнинг бюджетларга тылайдиган солиқлари **тығри** ва **эғри** солиқларга былинади.

Тығри солиқлар даромад (фойда) солиқлари ва ресурслар солиқларидан ташкил топади. Эғри солиқлар эса қышилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божидан иборатдир. Юридик шахсларнинг бу солиқлари бюджет даромадларини асосий қисмини ташкил этиши қуйидаги жадвал маълумотларида кыринади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида солиқларнинг тутган салмоғи

Солиқлар номи	1996 й	1997 й	1998 й	2000 й	2002 й	2003 й	2004 й
Юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ	25,8	23,9	21,8	13,5	10,5	9,3	8,6
Кичик бизнеснинг ягона солиғи	-	-	-	-	2,2	2,2	3
Мол-мулк солиғи	1,5	2,3	3,0	2,8	3,0	3,1	2,3
Ер солиғи	3,5	3,6	4,0	4,0	3,9	2,8	2,6
Ер ости бойликлари учун солиқ	0,6	1,3	2,1	1,2	1,0	0,9	1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	-	-	-	-	0,4	0,4	0,3
Қышилган қиймат солиғи	17,7	25,1	25,3	29,7	24,6	28,6	27,9
Акциз солиғи	20,0	14,4	13,4	18,6	24,5	26,9	26,4
Божхона божи	1,6	1,5	2,1	1,3	1,6	1,7	1,9
Бошқа солиқлар ва йиғимлар (инфраструктура солиғи).	-	-	-	-	-	-	2
Жами	80	81	83	75	75	75,5	76

Юқоридаги жадвал маълумотлар кўрсатадики, юридик шахслар солиқлари ичида эгри солиқлар салмоғи ортиб бориши тенденциясига эга, тығри солиқлар салмоғи эса пасайиб бориш йыналишидадир. Бундай ҳолат маъсулот ишлаб чиқарувчиларнинг шиссасига тушадиган солиқ юкини камаййтириб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиради. Шу билан бирга тығри ва эгри солиқлар бюджетнинг мустаҳкам манбасига айланиб унинг ыта ижтимоий зарур бўлган харажатларини ўз вақтида ва ўзлуксиз молиялаштириш имконини яратади. Буларнинг аҳамияти бекиёс каттадир. Бу солиқлар сиз бюджетларни режали молиялаштириш иложи йық.

Юридик шахслар солиқлари пул муомаласини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Тығри солиқлар юридик шахсларнинг харажатларга мулкжалланган маблағларини қисқартириб муомалага оз пулларни чиқаришга олиб келади. Эгри солиқлар эса товарлар (ишлар, хизматлар) таркибида бўлади, башо ҳисобига муомаладаги ортиқча пулларни муомаладан олади. Шундай қилиб солиқлар пул муомаласини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Солиқларнинг ошиши товар (хизмат, иш) таклифини оширади, талабни камайтиради. Бу эса пул эмиссиясини камайтиради. Аммо таклифда реал қиймати паст бўлганлигидан инфляцияни пайдо қилиши мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқ тизими тушунчаси нимани ифода этади?
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини тавсифланг?
3. Солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб қандай гуруҳланади?
4. Солиқларнинг умумдават ва маҳаллий солиқларга ажратишнинг сабаби нимада ва улар қандай фарқланади?
5. Юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқларнинг фарқи нимадан иборат?
6. Бюджетдан ташқари жамгармаларга мажбурий тўловлар ва уларнинг солиқларга қандай алоқаси бор?

10-боб. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг тамойиллари.

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахс тушунчаси. Солиқ тўловчиларни аниқлаш асослари. Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизимида солиқ тўловчиларни икки гуруҳга былинади: юридик шахслар ва жисмоний шахслар; иқтисодий моҳиятига қараб: тығри солиқлар ва эгри солиқларга. Бюджет бығинларига тушишига қараб: умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларга былинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида (13-модда) хилма-хил мулк шаклидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар қисқача юридик шахслар деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг аста секин ижтимоий щимояланган эркин бозор иқтисодиётига ыта бориши республикада кичик бизнес фаолиятига қулай шароитлар яратилаётганлиги хилма-хил мулк шаклидаги: хусусий, кооператив, ширкат, акционер ва қышма корхоналар орқали тадбиркорликни ривожлантиришга кенг шароит яратилмоқда. Бунинг ҳаммаси солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар сонини кыпайишига олиб келмоқда. 2002 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички мащсулотдаги щиссаси ўсиб 24,5 фоизни ташкил этди. Жами 250 мингдан ортиқ юридик шахслар мавжуд, шу жумладан 200 мингдан ортиғи кичик корхоналар ва фирмалардир.

Юридик шахс деб ўзининг ихтиёрида, карамоғида, фойдаланишида мулкка эга бўлган, ўзининг мажбуриятларини шу мулк билан қайтара оладиган, бухгалтерия баланси ҳамда банкда ҳисобварақасига эга бўлган шахсларга айтилади. Юридик шахсларнинг статистика органларида ўз фаолият кодлари кўрсатилган бўлади.

2. Ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги ва маъсулияти. Юридик шахслар ўзларига юклатилган солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўз вақтида, тўлиқ тылаш жавобгарлигини олганлар. Уларнинг тылайдиган солиқлари асосан нақд пулсиз, яъни корхона, ташкилот, бирлашманинг банкдаги ҳисоб счётларидан маблағни учириб, республика ёки маҳаллий бюджет счётларига ўтказиш йўли билан амалга оширади. қоида бўйича ҳар қандай юридик шахс ўз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган вақтда бюджетга тўлиқ ўтказишга мажбурдирлар. Бунинг учун улар солиқ ва бошқа тўловларнинг муддати келган кунгача пулларни ўтказиш ҳужжатлари булмиш тўлов топшириёи, чекларни ёзиб банкларга топширган былишлари керак.

Агар тўлов топшириклари ўз муддатида ёзилиб банкларга топширилмаган бўлади солиқ идоралари ўзларининг инкассо-тўлов талабномалари орқали ундириб оладилар.

ҳар бир ўз вақтида бюджетга утказилмаган кун учун утказилиши керак бўлган солиқ суммаси ҳисобидан 0,07 фоиз пеня ҳисобланиб солиққа қышимча равишда бюджетга мажбурий ундирилади. Албатта пеня

суммасининг кыпайиши корхонананинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Пеня корхона учун қышимча солиқдир.

Шунинг учун ҳар қандай хыжалик субъектлари ҳисобчилари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларда белгиланган тўлов муддатигача ўз вақтида тылаб боришлари шарт. Бунда айникса бунак (аванс) тўловларга кыпрок эътибор каратилиши лозим, чунки ҚҚС, даромадга (фойдага) солиқ ва бошқаларда бунак тўловлар сони кып бўлганлигидан бокиманданинг кыпайишига олиб келади. шозирги кунда бу бокиманда билан кураш иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим давлат тадбирларига айланмокда.

Юридик шахсларнинг ҳамма солиқлари нақд пулсиз тыланади. Бирок, айрим йиғимлар (давлат ва божхона божлари) нақд пулли бўлиши мумкин.

Юридик шахслар солиқларини нақд пулсиз тыланиши жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Пул ўтказишлар тезлашади, ижтимоий харажатлар тежалади.

3. Солиққа тортиш мақсадида жисмоний шахс тушунчаси. Солиққа тортиш тизимида юридик ва жисмоний шахсларга қылланадиган тамойиллар. Жисмоний шахслар юридик шахс макomini олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фукоролари, фукоролиги булмаганлар ва чет эл мамлакатлари фукоролари киради.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар юридик шахслар ва жисмоний шахсларга бўлинган. Дарсликнинг иккинчи бўлимида кайд килинганидек, давлат бюджети даромадларининг 75 фоизидан ортиғини юридик шахслар тылайдиган солиқлар ташкил этади. Жисмоний шахслар тылайдиган солиқ ва йиғимлар эса карайиб бюджет даромадининг 25 фоизини ташкил этади.

Жисмоний шахслар тылайдиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг тығридан-тығри ўз даромадидан олинади. Солиқлар ва йиғимлар асосан бюджетга нақд пул тылаш йўли билан утказилади, айникса тадбиркорлик фаолиятидан қатъий ставкали солиқ олдиндан тылаб куйилади.

Шундай экан бу ерда солиқ тўловчи жисмоний шахс билан солиқ ундирувчи ўртасида тығридан-тығри пул муносабатлари мавжуд.

Шунинг учун жисмоний шахслар солиқларини ундирувчи инспекторлар ута маданиятли, ширин сўз бўлиши билан бирга жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш ундириш тартиб-қоидаларини, солиқ қонунчилигини чуқур билиши керак. Шу шартлар бажарилган такдирда бюджетга жисмоний шахслардан меъёридаги солиқ ва йиғимлар тўлиқ тушишлиги таъминланади. Уларни солиқ қонунчилигини тўлиқ тушинтираолмаслиги, нопоклиги бюджетга мулжалланган солиқларни тўлиқ келиб тушмаслигига олиб келиши мумкин.

Жисмоний шахслар солиқлари таркиби ва тўзилмасини қуйидаги маълумотлар билан изохлаш мумкин.

Даромадлар таркиби	2002 йил	2003 йил	2004 йил
--------------------	----------	----------	----------

	Млрд. сум	Жамига анисбатан %	Млрд. солиқлар сум	Жамига анисбатан %	Млрд. сум	Жамига анисбатан %
1. Жисмоний шахслар даромадига солиқ	144,0	65	214,8	59,6	303,3	64,7
2. Жисмоний шахслар даромадига қатъий ставкадаги солиғи	26,0	11,7	40,5	11,2	46,4	9,0
3. Товарлар киритганлиги учун жисмоний шахслардан йиғим	12,2	5,5	34,8	9,6	30,0	6,5
4. Мол-мулк солиғи	17,0	7,6	27,0	7,4	26,5	5,6
5. Ер солиғи	22,0	9,9	23,0	6,4	28,0	6
6. Автотранспорт ёқилиғилар учун жисмоний шахслардан истеъмол солиғи	-	-	-	-	39,0	8,0
7. Бошқалар (сув ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиғи)	-	-	-	-	-	-
Жами:	221,2	100	360,7	100	467,0	100

Маълумотлар кўрсатадики, жисмоний шахсларнинг солиқлари таркиби ортиб бормокда. Уларнинг солиқли тўловлари ичида жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ салмоғи жишатида биринчи уринни, тадбиркорларнинг даромадига солиқ-иккинчи, товар киритилганлиги учун ягона божхона тўлови учунчи уринни эгаллаган. Бошқа солиқ турларининг аниқ маълумотлари ажратилмаган. Сув ресурсларидан, табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ, импорт товарларга акциз солиғини жисмоний шахслар тадбиркорлар ҳам тылайди. Улар тығрисида ҳам аниқ маълумотга эга эмасмиз. Юқоридагилардан ташқари жисмоний шахслар икки ярим фоиз иш хакидан сацнал суғурта тўловлари тылайдилар.

2002 йил 1 июндан бошлаб жисмоний шахслар тадбиркорлик мақсадида четдан товар олиб кирсалар илгариги импорт товарларига ҚҚСолиқ, божхона божи, жисмоний шахслар товар келтирганлиги учун йиғим урнига ягона божхона тўлови жорий этилди.

Ягона божхона тўлови ставкалари 2003 йилдан бошлаб қуйидагича белгиланди (фоизларда):

- озик-овкат мащсулотларига (ундан ташқари) - 40;
- ноозиковкат мащсулотларига — 70;
- ун мащсулотларига нолли ставка қылланадиган булди.

Ягона божхона тўловини ҳисоблаш учун божхона қийматига тўлов ставкалари кыпайтирилади. Юридик шахс булмасдан якка тартибда тадбиркорликни амалга оширувчи жисмоний шахслар:

ҳокимиятдан якка тадбиркор сифатида руйхатдан ытган бўлиши,
Экспорт-импорт операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши,
Четдан товар олиб кирганлиги тығрисида божхона идораларидан ҳужжат бўлиши,

Касса машиналарига эга бўлиши шарт.

Жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаб чиқариш асосан икки йўл билан олиб борилади.

Жисмоний шахсларга даромадлар тўловчи юридик шахслар ўзларида мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида уларнинг солиқларини ҳисоблайдилар.

Юридик ва жисмоний шахслар такдим килинган маълумотнома ва хабарномалар асосида солиқ хизмати идоралари томонидан ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга хыжалик мешнат шартномаси, фуқоралик-ҳуқуқий шартномалари бўйича иш хаки мукофот ва бошқа қатор даромадлар тўловчи корхона, ташкилот, муассаса солиқларини тўлиқ тығри ҳисоблаш ва ўз вақтида бюджетга утказиб бериш жавобгарлигини ўз зиммаларига оладилар. Фуқороларнинг олган даромадлари тығрисида солиқ идораларига ҳамда фуқорога билдириш ва маълумотнома ёзиб бериш вазифасини ҳам юридик шахсларга юклатилган.

Жисмоний шахслар асосий иш жойдан ташқарида қышимча даромад олганда, четдан Ўзбекистон шудудига товарлар олиб кирганда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда олинган даромадлар ва харажатлар килинганда солиқ декларацияларини солиқ ҳисоблаш учун солиқ идораларига такдим этадилар.

Юқоридаги ҳужжатлар ва ўзларидаги йиёилган маълумотлар, текширув далолатномалари асосида солиқ идоралари жисмоний шахслар учун солиқ ҳисобини тўзиб, уларга солиқ суммаси ва тўлов муддатлари кўрсатилган хабарномаларни юборадилар. Булардан ташқари, юридик шахс макomini олмасдан тадбиркорликнинг айрим турлари билан шуғулланувчилар қатъий ставкасида даромад солиғини тылайдилар.

Ер солиғи, мол-мулк солиқларини ҳам солиқ идоралари қайта ҳар йили ҳисоблаб чиқиб, жисмоний шахсларга хабарнома орқали етказадилар. Хабарнома олган жисмоний шахслар кўрсатилган муддатда барча солиқ ва йиғимлар суммасини ўз вақтида тылашга мажбурдирлар. Шу ерда фуқоролардан олинини лозим бўлган бирор бир солиқ тыланмай колса солиқ идоралари жавоб беради.

Шундай ҳолатда ер солиғи, мол-мулк солиғи уч йил тыланмаган бўлади уни пеня ҳисобланмасдан ундирилади.

Солиқлар ва йиғимлар ўз вақтида тыланмаганда «бокиманда» деб аталади. Унинг мазмуни муддатида тыланмаган тўловлардир. Ана шу бокиманда суммасига ҳар бир тыланмаган кун учун 0,07 фоиз пеня солиқ суммасига қышимча ҳисобланиб ундириб олинади. Аввало солиқ суммаси сунг пеня, сунг жарималар ундирилади. Бокиманда узоқ муддатга

тыланмаса фуқоронинг мулки руйхат килиниб халк судига берилади. Чет элда эса солиқлар тылаб боришини оёзаки ва ёзма огохлантиришлари, қарзларни комиссияда куриб чиқиш тажрибалари мавжуд.

4. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги тамойилларнинг ухшаш ҳамда фарқли жищатлари. Ўзбекистон солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади. Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, экология, савдо ташкилотларини ялпи даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни (ҚҚС, акциз) юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам тылайдилар. Жисмоний шахслар тылайдиган солиқларга даромадга солиқ, ер, мол-мулк, автомобил воситаларини олиб сотиш солиқлари киради. ҳуқуқий шахслардан олинадиган давлат бюджет даромадларининг хал қилувчи қисмини (70-75 фоизи) ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз корхоналар ҳисоб (жорий) счётларидан бюджет счётларига кучириб куйилади. Уни ундириш осон ва арзонга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилганлиги учун уни тылаш кийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари, ва қатор йиғимлар киради. Солиқ йиёиш харажати кыпайитюб кетади. Чунки бу иш билан махсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, ҳужжатлар (декларация, хабарномалар, чакириклар ва бошқалар) кып ёзилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қандай шахслар юридик шахс деб аталади?
2. Кайси солиқлар ва йиғимлар юридик шахслар тылайдиган Республика солиқлари таркибига киради?
3. Кайси солиқлар ва йиғимлар юридик шахслар тылайдиган маҳаллий солиқлари таркибига киради?
4. Юридик шахслар тылайдиган солиқларнинг қандай аҳамиятлари бор?
5. Жисмоний шахслар тушунчаси ва улар тылайдиган Республика солиқларини таркиби?
6. Кайси солиқлар ва йиғимлар жисмоний шахслар тылайдиган маҳаллий солиқлари таркибига киради?
7. Жисмоний шахслар тылайдиган солиқларнинг қандай аҳамиятлари бор?